

«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2021 йил №3 (22)

Муассис: «Мерос» ҳалқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Ҳамкоримиз: Андижон давлат университети

Бош мұхаррир:

Рустамбек Шамсұтдинов

Бош мұхаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

Таҳрир ҳайъаты:

Акромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор
Абдулла Расупов – т.ф.д., профессор
Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор
Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., ақадемик
Мухаммаджон Алиҳожиев – т.ф.н., доцент
Минҳожиддин Ҳожиматов – Республика Маънавият
ва маърифат маркази раҳбари
Мирсадик Исҳоқов – т.ф.д., профессор
Наим Каримов – ф.ф.д., ақадемик
Нурмонжон Фафуров – т.ф.д., профессор
Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор
Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор
Шуҳрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Масъул котиб:

Шуҳрат Қаҳхоров

Техник мұхаррир:

Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам
билин рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсұтдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-йўй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiyonoma@mail.ru

Босиша руҳсат этилди: 29.11.2021 й
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Босма тобоби: 13,5
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 400 дона.
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 75
Чол этилган мақолаларда билдирилган фикр-
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайнни ва оригинал макет
«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмахонасида чол этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота
кўчаси 5-йўй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартағи
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Буюк Ҷўлпонни тергов қилиш ҳақидаги ҳужжатлар, Ҷўлпон ва жаҳон 2

Ҷўлпон ва жаҳон мавзуси бўйича тадқиқотчи

Хайрулло Исламутлонинг меросидан айрим лавҳалар 22

Доктор Боймирза Ҳайит асарларида Ҷўлпон 28

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ФИДОЙИЛАРИ ТАРИХИДАН

Америкада Ҷўлпоншунослик 32

Д. Куронов

Ҷўлпоннинг янги ўзбек адабиётининг шаклланишида
тутган ўрни ҳақида 34

С. Иноятов

Абдулҳамид Ҷўлпон Бухорода 38

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Т.Ф.Хасанбоев

Абдуллахон II ҳукмдорлиги даврида Жиззах воҳаси 50

А.Б. Мусаев

Бухоро ва Қозоқ хонлиги ўртасидаги сиёсий муносабатларда
Фарғона водийсининг ўрни (XVII асрнинг биринчи ярми) 54

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

О.Р. Рашидов

Ўзбекистонда большевиклар миллий сиёсатидаги тил ва
ёзув масаласи 62

Р.Т. Шамсұтдинов, Д.И. Хомидов

Репрессия интеллигенции в годы войны (1941 – 1945)
(документы и материалы) 67

Р.Т. Шамсұтдинов, Д.И. Хомидов

Қатағон қилингандарни реабилитация қилиш тарихидан.
Хужжатлар ва материаллар 80

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚИННИГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Иккинчи жаҳон урушида асир тушган ўзбекистонликлар ҳаётидан
айрим лавҳалар 82

ЎРТА ОСИЁ ҲАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ТАРИХИДАН

П.Собиров

Ўзбек ва қирғиз ҳалқлари дўстлигидан кичик бир лавҳа Фарғона
водийсида Қирғизистон спортининг ривожланиши ҳақида хотиралар 93

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

Б. Тоҷибоев

Шермуҳаммадбек жасорати ёхуд истиқлол йўлида
курашган қўрбошилар 102

М. Қойгелдиев, Р.Р. Шамситдинов, М.О. Алиҳожиев

«Книга памяти жертв репрессий в Андижанской области» – как
исторический источник 104

М. Сайдхонов

Ғалаба боғига виртуал сайр 107



БЮОК ЧЎЛПОННИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР, ЧЎЛПОН ВА ЖАҲОН

Яна бир юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни олайлик. XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожиаларини, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас...

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёевнинг Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувидаги нутқидан¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимчаchora-tadbirlar tўғrisida»-ги Ф-5598-сонли фармойишида кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш зарурлиги алоҳида таъқидланди. Фармойишда қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг аниқ ва пухта тадбирлари белгилаб берилди. Шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида кўп жилдлик қатағон қурбонлари хотира китобларини тайёрлаш ва чоп этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий

ходимлари томонидан тайёрланган 2 жилдлик «Қатағон қурбонлари хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар)» номли китоб нашрдан чиқди. Китобда истиқтол йўлида шаҳид кетган буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳаёт йўлидан айрим лавҳалар ўрин олган. Мазкур илмий ахборотда жадидчилик ҳаракатининг атоқли арбоби Чўлпон ҳаётининг сўнгги йилларидаги фожиа ҳақида ҳозиргача эълон қилинмаган ҳужжат ва материалларни, бу буюк инсонни тергов қилиш жараёнини тақдим этишни лозим билди.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги,
давлат хавфсизлиги катта майори
/ЗАГВОЗДИН/
12 июль 1937 й.

ФАРМОЙИШ

(хибсга олиш ва жавобгарликка
тортиш тўғрисида)

Тошкент шаҳри, 1937 йил 12 июль.

Мен – ЎзССР НКВД УГБ 4-бўлим тезкор вакили, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Маврин 1900 йилда туғилган, ўзбек, ёзувчи-шоир Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) тўғрисидаги мавжуд материалларни кўриб чиқиб ва қўйидагиларни аниқлаб:

Абдулҳамид Сулаймонов «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотининг аъзоси бўлган, ҳозирги вақтда аксилинқилобий маҳфий миллатчи ташкилотнинг аъзоси

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.9.




хисобланади, аксиликтобий ташкилотнинг аъзоси сифатида тизимли равишда ҳам оғзаки шаклда, ҳам ёзма шаклда аксиликтобий ташвиқотлар юритади, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддасида назарда тутилган жинояtlарни содир этган, шунга кўра

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси бўйича жавобгарликка тортилсин ва ҳисбга олинниб, Ўзбекистон НКВД ДПЗсида қамоқда сақлансан.

ЎзССР НКВД УГБ 4-бўлим тезкор вакили, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти /Маврин/ «РОЗИМАН» ЎзССР УГБ НКВД 4-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти /Агабеков/



1937 йил 13 июль куни Чўлпонни ҳисбса олиш ва тинтуб ўтказиш ҳақидаги ордер

АКТ

Биз, қўйида имзо чекувчилар, Сулаймонов Абдулҳамид (Чўлпон)нинг 4264-сонли архив тергов иши бўйича 13.07.1937 й. санадаги 463-сонли ордер бўйича тинтуб пайтида олиб қўйилган нарсалар тўғрисида далолатнома туздик.

1. Хатлар, (.....), ҳар хил ёзишмалар.
2. Янги бошлаган романи ва шеърининг қўллёзмаси (.....), машинкада терилмаган.
3. Туркча луғат. Истанбул, 1930 йил нашри.
4. Қоҳирада чоп этилган журнал.
5. Дафтарлар – 7 дона.
6. Дафтарлар – 4 дона.
7. Туркча патефон пластинкалари – 13 дона.
8. Турли китоблар. Терговдан сўнг улар иш билан боғлиқ бўлмагани учун йўқ қилинди. /1-имзо/ /2-имзо/ /3-имзо/

| Назначение органа ОГПУ | | 6/5 | 5 | N 4263 |
|---|---|--------------------------------------|---|-------------------------------|
| | | | | Форма № 8 |
| | | Анкета арестованного Чўлпона Маврина | | |
| Вопросы | | Ответы | | |
| 1. Фамилия | Сулайманов | | | |
| 2. Имя и отчество | Абдул-Ганиев Сулайманов | | | |
| 3. Год и место рождения | Родился - 1897 г. 9 марг. оба край район гор. Андижан | | | |
| 4. Постоянное место жительства (арест) | Мактаб. Чу. Зардозинский 49 кв. 2. | | | |
| 5. Место службы и должность или род занятий | Писатель | | | |
| 6. Профессия и профessionальная принадлежность, вида | Теперь супруга раб. педагог (бывшая уч.) | | | |
| 7. Использование положение в момент ареста (перечислить подобные недостатки и достоинства, предметы приватной жизни и приватных ценностей, находившиеся в обрабатываемой земле, количество скота, лошадей и проч.; суммы налога СД и индивиду. Если в колонии, указать имущественное положение до вступления в колонию, кроме имущества в колонии). | | | | |
| 8. Тоже до 1929 г. | Исп. | | | |
| 9. Тоже до 1917 г. | Исп. | | | |
| 10. Социальное положение в момент ареста. | Сулайманов | | | |
| 11. Служба в царской армии и чин | Исп. | | | |
| 12. Служба в белой армии и чин | Исп. | | | |
| 13. Служба в Красной армии: а) срок службы б) воинская категория | | | | Исп. был начальником торговли |
| 14. Социальное происхождение | | | | |

Ҳисбса олинган Чўлпоннинг 1937 йил 14 июль
куни тўлдирилган анкетаси (1-бет)



БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

| 15. Политическое прошлое | кейи | | | |
|---|--------------------------------------|---------|--------------------------------------|------------------|
| 16. Национальность и гражданство | узбек. Ур. РССР | | | |
| 17. Партийная принадлежность с какого времени и № партбилета | б/н. | | | |
| 18. Образование (подчеркнуть и указать точно, что закончил) | Высшее, среднее, низшее, неграмотный | | | |
| 19. Категория воинского учета | - | | | |
| 20. Состоит ли под судом и следствием, а также приговор, постановление или приездление | кейи | | | |
| 21. Составление здоровья | хорошо, диабетом, неврастеническим | | | |
| 22. Состав семьи (перечислить: отца, мать, сестер, братьев, сыновей, дочерей) (их фамилии, имя и отчество, место и должность или род занятий и адрес) | | | | |
| Степень родства | Фамилия, имя и отчество | Возраст | М/рабочий, должностной или профессия | Место жительства |
| Жена | Екатер. Шаманова Сулаймон | 30 | домох. | с.и. |
| Сестра | Фатима Сулайманова | 30 | домох. | лиц. дана |
| | Гранка | 27 | " | " |
| Подпись арестованного А.Сулайманов | | | | |
| 1. Особые внешние признаки | | | | |
| 2. Кем и когда арестован | | | | |
| 3. Особые замечания | | | | |
| Подпись сотрудника, заверившего анкету 14.07.1937 г. | | | | |
| Примечание 1-е. Анкета заполняется четко и разборчиво со слов арестованного и криминалистом с документальными данными. | | | | |
| Примечание 2-е. Актовые данные должны быть проверены в процессе следствия и отражены в обвинительном заключении или заключительном постановлении по делу. | | | | |

**Хибсга олинган Чўлпоннинг 1937 йил
14 июль куни тўлдирилган анкетаси (2-бет)**

Сулаймонов Абдулҳамиднинг (адабий таҳаллуси «Чўлпон»),

1897 йилда туғилган, ўзбек, савдогарнинг ўғли, адабиётчи, партиясиз)

1937 йил 23 июлдаги тергов баённомаси

Савол: Сиз аксиликобий миллатчи ташкилотнинг аъзоси бўлганлиқда айланмоқдасиз, буни тан оласизми?

Жавоб: Мен ўзбек адабиётида аксиликобий миллатчиликнинг мафкурачиларидан бири эканлигимни эътироф этаман, бу йўлга Октябрь инқилобининг дастлабки қунларидан ўтганман, совет ҳокимиятига қарши, Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқидан мустақил бўлиши учун курашганман. Мен таниқли эски жадидчи ўзбек адиларидан тузилган аксиликобий миллатчи гуруҳ аъзоси бўлганимни тан оламан.

Савол: Адабиёт вакилларидан иборат бўлган аксиликобий миллатчи гуруҳ тарки-

би ва бу гуруҳ қачон шакллангани ҳақида гапиринг.

Жавоб: Аксиликобий миллатчи гуруҳда мен, профессор Фитрат, адабиётчилар Фози Юнус, Санжар Сиддиқов, Жулқунбой ва Ғулом Зафарий бўлган. Бу гуруҳ 1934 йил охирида мен Москвадан қайтганимдан кейин аксиликобичилик ва миллатчилик мавзусида бир неча бор ўтказилган учрашувлар ва сухбатлар асосида тузилди. Бироқ мен бу шахслар билан олдиндан қатор йиллар давомида алоқада бўлганман. Бу шахсларнинг ҳар бири доимо совет тузумига қарши душманлик кайфиятида бўлган, тил, адабиёт ва рус тилидан ўзбек тилига таржима ишлари соҳасида амалий равишда аксиликобий миллатчилик ишларини олиб борган.

Савол: Сиз номларини келтирган шахслар маданий фронтда амалда қандай аксиликобий миллатчилик ишларини олиб борганлар?

Жавоб: Ўзимдан бошлайман. Октябрь инқилобидан бошлаб сўнгги дамгача мен аксиликобичи, миллатчи сифатида ҳаракат қилдим. Тўғри, баъзан менда фикрларимни қайта кўриб чиқиши хусусида иккиланиш ҳам бўлган. Аммо бундай ҳолат узоқ давом этмаган ва мен аввалидек миллатчи ва аксиликобичилигимча қолаверганман. Мен ёшлигимдан жадидчиликка қўшилганман, доимий равишида кескин антисовет кайфиятдаги шахслар даврасида бўлганман ва бу кейинчалик бутун ҳаётимда ўз изини қолдирди. 1921 йилда ёзилган «Балжувон» сарлавҳали ўзимнинг машҳур «Ўлдирилган қаҳрамонлар учун йиғи» шеъримни қизил армия томонидан аксиликобичи Анвар пошонинг ўлдирилганлигига бағишилаганман. Аксиликобий мазмундаги бу шеърларда Анвар пошони миллий қаҳрамон сифатида талқин қилганман. Сўнгги йиллар давомида мен матбуотда советларга қарши миллатчилик руҳида кескин асарлар ёздим, улар орқали асаларимни ўқиётганлар орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, совет ҳокимиятининг маҳаллий миллатларга ўтказаётган зулмига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида, Совет Иттифоқида яшаётган шарқ миллатларини жисплаш-



тириш ва советлар ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳақидаги фикрни синг-дирадим. Чунки мен совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг душмани бўлганман. Шубдан билан бирга, мен Туркияни, Туркиядаги давлат тузумини мақтардим. Буни мен атрофимдаги шахсларга таъсир этиши учун қиласардим, қискаси, мен пантуркчи бўлганман.

Менинг советларга қарши миллатчилик ру-
ҳидаги асарларим қуйидагилардир: «Бузилган
ўлкага», «Амалнинг ўлими», «Қушнинг ҳади-
ги», «Қилич ва қон», «Виждон эрки», «Дамлар»,
«Ишқ» ва бошқалар, мен советларга қарши кўп
ёзганман, уларни ҳозир эслай олмайман. Шуни
таъкидлайманки, мен аксилинқилобчи, мил-
латчи сифатида танилганман. Мен Ўзбекистон-
нинг раҳбар ходимларидан бири томонидан
маънавий ва моддий жиҳатдан фаол қўллаб-
кувватланиб келганман.

Савол: Сизни моддий ва маънавий жиҳатдан ким қўллаб-қувватлаб келган? Кўрсатма беринг.

Жавоб: Ушбу шахс Ўзбекистон Халқ Комисариатлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев эди. У аксилиңқилобий миллатчи гуруҳимизнинг энг таниқли аъзоларидан мени ва профессор Фитратни фаол қўллаб-қувватларди. У Фитрат билан Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Республикаси даврида ёкин бўлган.

Мен Файзулла Хўжаев билан тахминан 1931 йилдан яқин алоқада бўла бошладим. 1930 йили бир қатор миллатчи, аксилинқилобчилардан Боту, Рамзий ва бошқалар ҳибсга олинди, мени ҳам қамоқقا оладилар деб хавотирга тушганман. Аммо Фитрат менга Файзулла Хўжаев унинг боғида бўлган пайтида менинг хавфсирашим беҳуда экани ҳамда менга ва унга, яъни Фитратга тегмасликларини айтганини уқтирган.

1931 йили менинг матбуотдаги алоҳида фаоллигимни буржуа миллатчилигидаги айблаганлари учун шикоят қилиб, ёрдам сўраб Файзулла Хўжаев олдига бордим. Файзулла Хўжаев мени тинчлантириб, 300 рубль пул берди ва вақтингачалик кўринмай туриш учун Тошкентдан Москвага кетишни, жамоатчилик мен ҳа-

қимда бир оз унугандан кейин қайтишимни маслаҳат берди.

1932 – 1934 йилларда Москвада бўлганимда Файзулла Хўжаев келган вақтлари у билан уч марта кўришганман. У мени доим хушмуомалалик билан қабул қиласар ва пул ҳам берар эди. 1934 йилнинг охирида Тошкентга қайтиб келганимда Файзулла Хўжаев менга 500 рубль пул берган ва яхши бир квартира топиб ҳам берган. 1936 йили Файзулла Хўжаев мен билан касаллигим ҳақида гаплашиб, «Биз сиздан айрилиб қолмаслигимиз керак», – дея яшашим кераклигини ва мени энг яхши шоир сифатида қадрлашини айтган эди. Ҳамда энг яхши шифокорларга бориб даволанишимни тавсия қилган эди.

Бундан ташқари, Фитрат билан бўлган кўп сухбатларимизда ҳам у киши менга биз ўзимизни эҳтиёт қилишимиз керак деб айтарди. Машҳур артист Қори Ёқубов ҳам мен билан кўришгандা Файзулла Хўжаев мени жуда ҳурмат қилишини айтарди.

Буларнинг барчасига асосланиб, ишонаманки, Файзулла Хўжаев мени ва Фитратни фаол аксилинқилобий миллатчилар сифатида билгани ҳолда қўллаб-қувватлаб келган экан, бу борада унинг баъзи бир алоҳида мулоҳазалари бўлиши мумкин.

Үшанды мен яшириниб Тошкентдан Москвага кетиб қолганман ва мен ҳақимдаги эски фикрлар эсдан чиққан деган фикр билан Москвадан қайтиб келганиман.

Савол: Москвада яшаётганингизда сиз чет эл фуқаролари билан алоқада бўлганмисиз?

Жавоб: Йүк, мен чөт эл фүқаролари билан адокала бўлмаганман.

Савол: Сизнинг кўрсатмаларингиз ёлғон. Тергов сизнинг Москвада чет эл фуқаролари билан алоқада бўлганингиз ҳамда улар бир чет эл элчихонасига келишгани ҳақида маълумотга эга. Тергов сиздан ҳаққоний кўрсатма беришингизни талаб қилади.

Жавоб: Мен асли уйғур бўлган Хитой фуқароси Акбар Собиров билан кўришганимни тан оламан. У Хитой элчихонасида бўлган ва Москвада қандайдир тижорат ишлари билан шуғулланаётган эмиш.



Савол: Сизни Собиров билан ким ва қачон таништирган?

Жавоб: Собиров билан 1932 йилда танишганман. Мени у билан собиқ савдогар Қутбиддин Нажмиддинов таништирган. Уни мен турган квартирага олиб келган эди. Нажмиддинов билан ҳам олдиндан таниш бўлмаганман. Собиров билан Нажмиддинов менинг манзилимни билиб олиб, шоирни кўргани келгандек олдига келганлар.

Савол: Сиз Хитой фуқароси Собиров билан қанча муддат орасида кўришиб турад экингиз ва ана шу учрашувларда нималар ҳақида гап кетган?

Жавоб: Мен Собиров билан бир неча бор учрашганман, бизнинг ўртамиизда адабиёт тўғрисида сухбат бўлган.

Савол: Собиров сизга ўзи тўғрисида нималарни айтган?

Жавоб: У менга яқинда Туркияда бўлгани, иккита укаси Нанкин шаҳрида қандайдир сиёсий мактабда ўқиётгани, унинг ўзи Москвада савдо ишлари билан шуғулланётгани ва тез-тез Хитой элчихонасига келиб турганини айтган. Инқилобдан олдинги даврда Синцзян провинциясида савдо ишлари билан шуғулланган отамни ҳам биларкан. Собиров сухбат чоғида Японияни ёқлашга мойил гаплар гапирган. Жумладан, ўзим ҳам Япониянинг «Осиё осиёликлар учун» деган шиорини ижобий қабул қилганман. У япон халқининг жипслиги ва маданиятини ҳам мақтаган.

Савол: Собиров томонидан ўзингизнинг жосуслик ташкилотига ёлланишингиз тўғрисида кўрсатма беринг.

Жавоб: Собиров мени жосуслик ташкилотига тўғридан-тўғри ёллаб олмаган ва бундай ташкилот борлиги ҳақида менга айтмаган. Бироқ Собировни қизиқтирган ва буни жосуслик мақсадларида қўллаши мумкин бўлган баъзи маълумотларни берганимни тан оламан. Тушуниб турибман, у мени деярли қармоғига илинтирган эди. Қолаверса, моддий томондан танг ахволда бўлганим учун ундан пул ҳам олганман.

Савол: Собировдан қанча пул олгансиз?

Жавоб: Собировдан икки юз рубль олганман. Собиров билан боғлиқ бўлган Ҳусанбоевдан 5 рубль Торгсиннинг¹ пулларидан олганман.

Савол: Сиз Собировга жосуслик характеридаги қандай маълумотлар бергансиз?

Жавоб: Собиров мен билан бўлган учрашуда Хитой Туркистонида миллий ҳаракатга бош бўладиган, мамлакатда маърифатга раҳбарлик қиласиган маданий кишилар озлигини айтиб, шунинг учун ҳам менга Синцзянга кўчиб кетишини таклиф этди. Унинг бу таклифига рад жавобини бердим. Шунда Собиров менга совет ҳокимиятига қарши муросасизликда машҳур бўлган эски миллатчилар рўйхатини беришимни сўради. Мен Собировга Абдулла Қодирий – «Жулқунбой», Шоҳид Исо Мусаевлар номини таъкидлаб аксилинқилобий миллатчиларнинг рўйхатини берганим. Кейин Собиров мендан 1930 йилда ҳисбга олинган аксилинқилобий миллатчи ташкилот – «Миллий иттиҳод»нинг раҳбарлари Мунавварқори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов ва Абдуваҳоб Муродийлар ҳақида, уларнинг ҳозирда қаердалиги ҳақида сўради. Абдурашидхонов билан Тиллахоновнинг қаердалигини билмайман дедим, Муродийнинг эса сургундалигини айтдим, лекин айнан қаердалигини билмайман дедим. Ундан сўнг Собиров Тошкентга бормоқчи эканини айтди ва мендан Тошкентдаги эски ишончли жадидлардан ким билан боғлана олиши мумкинлигини сўради. Мен унга Абдулла Қодирийнинг манзилини бердим.

Оқибатда мен Тошкентта етиб келганимда олдимга Мусаев келди. У менга бир уйғур одам келиб, унга ишлаш учун Синцзянга қочиб кетишини таклиф қилаётганини айтди. Мен СССРдан қочиш масаласида Мусаевнинг фикрини маъқулладим, бироқ чегарада қўлга тушиб

¹ Чет эллик меҳмонларга ва «валюта қиммати» (олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, антиқа буюмлар, нақд пул)га эга буюмлари бўлган совет фуқароларига хизмат кўрсатадиган совет ташкилоти. Уларни озиқ-овқат ёки бошқа истеъмол товорларига алмashiши мумкин эди. Торгсин 1932 – 1933 йиллардаги очарчилик пайтида озиқ-овқат маҳсулотларини қиммат нархларда сотиш орқали фуқаролардан қимматбаҳо буюмларни тортиб олишда машҳур бўлган. Торгсиннинг 5 йиллик фаолиятидаги соҳф даромади тахминан 270 – 283 миллион олтин рублни ташкил этган. 1930 йил июлда тузилган, 1936 йил январда туга-тилган. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Торгсин_\(тахририят\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Торгсин_(тахририят)).



қолса, жазоси оғир бўлиши ҳақида огоҳлантиридим. Мусаевнинг гапларига қараб унинг олдига келган одам Собиров эмас, Ҳусанбоевнинг ўғли эканини билдим.

Савол: Собиров Тошкентда сиз билан боғландими?

Жавоб: Йўқ, у мен билан Тошкентда боғланмади.

Савол: Сиз Собировга жосуслик характеридаги яна қандай маълумотларни бердингиз?

Жавоб: Москвада мен Халқ Комиссарлиги Советида тилмочлик қилдим. Қонунчилик бўйича турли ҳужжатларни таржима қилишимга тўғри келди. Собиров мендан қонунчилик бўйича совет ҳокимияти томонидан қандай қонулар тайёрланаётганини сўраган. Бу ҳақда унга айтиб берганман. Собиров айнан қандай қонулар тўғрисида сўраганини ҳозир эслолмайман. Бундан ташқари, менга Ўзбекистондан Фози Юнус орқали хабар келиб турарди. У ердаги очарчилик ҳақида, ўликлар билан тўлиб-тошгани ҳақида, Бухорода «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти мавжудлиги, Файзула Хўжаев билан Фитрат ҳам унга аъзо бўлгани, айниқса, Фитратни жуда ақлли инсон деб билишгани, чунки ташкилот раҳбарларига амалий фойда келтирадиган маслаҳатлар берганини гапиришган.

Савол: Сиз кимдан Бухорода «Миллий иттиҳод» номидаги аксилинқилобий ташкилот мавжудлиги тўғрисида хабар олгансиз?

Жавоб: Ҳозирда мен айнан ким бу ҳақда айтганини эслай олмайман.

Менинг сўзларим тўғри ёзилган ва ўқиб чиқдим.

(имзо: А.Сулаймонов)

Терговни олиб борди: ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси

4-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти /Агабеков/

1937 йил 10 август тергов баённомаси

Сулаймонов Абдулҳамид (адабий таҳаллуси Чўлпон), 1897 йилда туғилган, ўзбек, савдо-гар ўғли, партиясиз, шоир-адабиётчи.

Савол: Терговда сизнинг пантуркчи аксилинқилобий ташкилотта мансублигиниз ҳақи-

да аниқ маълумотлар бор. Инкор этиш бефойда –пантуркчи ташкилотнинг аксилинқилобий ишлари ҳақида гувоҳлик берасизми?

Жавоб: Ҳа, терговнинг менга қарши далиллари борлигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг менинг бундан кейинги рад этишларим шармандали фаш этилишимга олиб келишини кўриб турибман, шунинг учун мен ҳақиқатни гапиришга қарор қилдим.

Савол: Сиз совет ҳокимиятига қарши уюшган аксилинқилобий кураш йўлини қачон тандингиз?

Жавоб: Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери мен унга душман бўлган лагерь томонига ўтдим ва совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб бордим. 1918 йилда мен ҳақиқатан ҳам (расмий тартиб-қоидаларга риоя этилмаган ҳолда) Ўзбекистонда тузилган «Миллий иттиҳод» номли аксилинқилобий миллатчи ташкилотга аъзо бўлдим. Ўшандан бери аксилинқилобий миллатчилик ҳаракатларимни тўхтатмадим, гарчи менинг маслак дошларим турли вақтларда фаш этилган ва қатон қилинган бўлса-да, совет жамоатчилиги менга доимий равишда «босим» ўтказиб турган бўлса-да, барибир сўнгти дамгача пантуркизм бўйича фаол ҳаракатимни давом эттирдим.

Савол: Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда мавжуд бўлган аксилинқилобий пантуркчи ташкилот ҳақида кўрсатма беринг.

Жавоб: Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хорижий аксилинқилобий муҳожират билан алоқада бўлган кенг тармоқли пантуркчи ташкилот бор. Бу ташкилот Шарқ республикалари худудида совет ҳокимиятини тўнтириш ва туркий миллий-буржуа давлатини қуришга қаратилган фаол аксилинқилобий фаолият олиб бормоқда. Мен ҳам шу аксилинқилобий ташкилот аъзосиман.

Савол: Аксилинқилобий пантуркчи ташкилотнинг шахсий таркиби ҳақида гапиринг.

Жавоб: Ўзбекистондаги аксилинқилобий пантуркчи ташкилотнинг фаол аъзолари:

1. Абдурауф Фитрат – профессор-адабиётшунос, Туркияда ўқиган, у ердан чинакам пантуркчи бўлиб қайтган, Афғонистон консулигида ишлаган, Бухорода пантуркчи жадидлар



ташкилотини тузган ва ўшандан бери пантуркизмнинг мафкурачиси саналади.

2. Фози Олим Юнусов – профессор, Туркияда ўқиган, ўша ерда пантуркчи ташкилотга қўшилган. У «Турк ўчоги» номли ташкилот тузган, фаол аксилинқилобий иш олиб борган.

3. Бўлат Солиев – таниқли пантуркчи, ташкилот раҳбарларидан бири саналади.

4. Шоҳид Эсон Мусаев – ўқитувчи, Туркияда ўқиган, 1922 йилда СССРга қайтиб келган. У аксилинқилобий ташкилот тузганлиқда айланган ва судланган, жазо муддатини ўтаб, яна миллатчилик ишларига фаол қўшилган.

5. Миён Бузрук Солиҳов – ўқитувчи, Туркияда ўқиган, 1926 йилда СССРга келган, пантуркчи ташкилотнинг фаол аъзоси.

6. Ашурали Зоҳирӣ – ўқитувчи, таниқли пантуркчи.

7. Зиё Саидов – драматург, фаол миллатчи, санъат соҳасида аксилинқилобий ишлар олиб борган.

8. Санжар Сиддиқов – журналист, фаол миллатчи пантуркчи, адабиётда пантуркизмни тарғиб қилган.

9. Ғулом Зафарий – ёзувчи, драматург, бир қатор миллатчи ташкилотларнинг аъзоси, аксилинқилобий фаолияти учун ҳибсга олинган.

10. Муталиб Қаҳрамонов – ўқитувчи, фаол пантуркчи, Андижон шаҳрида яшайди.

11. Убайдулла Сулаймонхўжаев – Андижонда ишлайди, фаол пантуркчи, ўтмишда босмачилиқда қатнашган.

12. Абдулла Раҳматов – ўқитувчи, фаол пантуркчи, Кўқон шаҳрида ишлайди ва у ерда пантуркизм фаолиятига раҳбарлик қиласди.

13. Юсуфжон Оғалиқов – фаол миллатчи, пантуркчи, Кўқон шаҳрида ишлайди.

14. Ҳожи Муйин Шукуралиев – Самарқанддаги газетанинг мусахҳиҳи, пантуркчи.

15. Тожи Раҳмонов – фаол миллатчи, бир қатор миллатчи инқилобчи ташкилотларнинг аъзоси, Наманганд шаҳрида ишлайди.

16. Аюбов – адабиёт ходими, бир қатор миллатчи инқилобчи ташкилотларнинг аъзоси.

17. Отажон Ҳошимов – Фан қўмитаси раиси, ташкилот раҳбарларидан бири, фан қўмитасидаги пантуркчилар гурӯхини бошқаради.

18. Қаюм Рамазонов – тилшунос, фаол аксилинқилобий миллатчи, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг аъзоси, илгари «Чигатой гурунги» аксилинқилобий жамиятининг раҳбари бўлган.

Савол: Пантуркчи ташкилот Ўзбекистондан ташқаридаги қайси аксилинқилобий ташкилотлар билан алоқада бўлган?

Жавоб: Менга маълум бўлишича, Ўзбекистондаги пантуркчи ташкилот Озарбайжоннинг пантуркчи ташкилотлари билан алоқада бўлган ҳамда Татаристон, Бошқирдистон ва Москвадаги алоҳида пантуркчилар билан ҳам алоқалари бўлган.

Озарбайжонда пантуркчи ташкилотга машҳур миллатчилар: профессор Чўбонзода ва Убайдуллин Азиз раҳбарлик қиласди.

Озарбайжон билан алоқа Чўбонзода ва Убайдуллин орқали улар Ўзбекистон таълим муасасаларига маъруза ўқиши учун келганларида амалга оширилган.

Москвада машҳур пантуркчи Фотиҳ Каримов ишлайди. 1934 йилгача мен шахсан у билан алоқада эдим ва бундан кейин Рисқулов бўлиши керак эди. Татаристонда таниқли пантуркчи Али Раҳим ишлайди.

Савол: Ўзбекистондаги аксилинқилобий пантуркчи ташкилот амалда қандай ишларни бажарган?

Жавоб: 1922 – 1923 йилларда пантуркчилар ташкилоти қуролланган босмачи қўзғолончи кадрларни сақлаб қолиш мақсадида босмачилик ҳаракатини босқичма-босқич ихчамлаштириш учун ҳаракат қилаётганида бир куни Рисқулов мени ўз кабинетига чақириб, Мунавварқори ва Зоҳириддин Аълам олдига боришимни таклиф қилди. Унинг (Рисқуловнинг) номидан улардан Фарғона водийсидаги босмачиларга мурожаатномани олиб, унга етказишим керак эди. Мен бир неча бор Мунавварқори ва Зоҳириддин Аъламга бордим, чунки мурожаатнома тайёр бўлмаганди, нихоят, 3-4 кундан сўнг мен Зоҳириддин Аъламдан Рисқуловнинг кўрсатмаси бўйича тузилган мурожаатномани олдим ва уни Рисқуловга топширдим. Ушбу мурожаатнинг мазмуни тинч йўл билан босмачиликни



ихчамлаштириш ва келажақда керак бўладиган босмачи исёнчи кучларни сақлаб қолишга қаратилган эди.

1923 йилда Фарғона водийсидаги босмачиларни «тугатиш» учун юборилган Абдулҳай Тоҷиев ҳам худди шу йўналиш бўйича ҳаракат қилган.

1920 – 1921 йилларда Рисқуловнинг энг яқин шерикларидан бири еттисувлик машҳур манап Жонузақов эди, у бир пайтлар Туркистон Республикаси халқ хўжалигини бошқарган, кейинроқ босмачилар томонига қочган ва Фарғона водийсидаги босмачиларнинг мафкуравий раҳбари бўлган. У ташкилотга Султонбек Тўхтабековни (Андижон райони миллий ишлар бўйича комиссари), Латифжон Содиқовни (Андижон угорком аъзоси) жалб қилган. Уларнинг иккаласи ҳам қизил армия билан жангда ҳалок бўлган. Рисқулов босмачи лагерида бўлганида Жонузақов билан доимо алоқада бўлган.

Рисқуловнинг кўмаги билан Султон Мақсуд Холботиров (подшоҳ полициячиси), Исақулов (аксилинқилобий фаолияти учун отиб ташланган), Ҳожи Сафо Жўрабоев каби аксилинқилобчилар «совет» ходимлари сифатида кўтарилишди (Рисқулов ёрдами билан у партизанлик билетини ва эски большевиклар уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини олган. Москвада яшайди, шахсий пенсия олади). Бу фирибгар, аксилинқилобчи Туркистон Республикаси миллий ишлар халқ комиссари бўлганида аксилинқилобий ташкилот ва шахсан Рисқуловнинг топшириқлари билан Ўзбекистон шаҳарларини айланиб чиқди ва халқни совет ҳокимиятига қарши йўналтириди. Жўрабоев яқин вақтгача Рисқулов ҳомийлигида эди.

1921 йилда Рисқулов мени ўзи раҳбарлик қилган ташкилотнинг аксилинқилобий ишларига жалб қилди.

Хусусан, Рисқулов менга пантуркчи ташкилотнинг баъзи материалларини ўзбек тилига таржима қилиш учун берарди, улардан совет миллий республикаларини Совет Иттифоқидан ажратиш вазифаси ва ягона турк-татар буржуадемократик давлатини барпо этиш foяси аниқ кўриниб турарди. Маълумки, бу аксилинқилобий пантуркизмнинг пировард максади эди.

1920 йилда Бокуда Шарқ халқлари қурултой бўлиб ўтди, унга пантуркчи арбоблар ҳам юборилди: Салимхон Тиллахонов, Наби Расулов, Фози Юнусов, Мунавварқори, Обид Чатоқ, Жўрабоев, мен ва бошқалар.

Делегацияга Рисқуловнинг ўзи бошчилик қилди. Қурултой давомида Рисқуловнинг яқин шериклари – Файзулла Хўжаев ва Норбўтабеков совет ҳукумати ҳамда Коммунистик партия сиёсатига қарши саҳна ортида иш олиб бордилар. «Қизил генералларингиз ишдан олинсин», – деб пантуркчилар арз қилгандилар.

Аммо қурултойда уларнинг сиёсати ўтмагач, Рисқулов бошчилигида Туркистон делегациясининг «доҳийлари» йиғилиб, совет ҳокимиyатига қарши курашни кучайтиришга қарор қилдилар, босмачи гуруҳлар ташкил этдилар ва бу ҳаракатга ошкора пантуркчи шиорлар берилди.

Шундай қилиб, Жонузақовнинг босмачиларга ўтиб кетиши пантуркчи ташкилотнинг қурултойдан кейинги қарорларини амалга ошириш йўлидаги амалий қадам бўлди. Бу қурултойдан сўнг Бокуда Шарқ халқлари вакиларининг кенгаши тузилди, у ерда пантуркчилардан Норбўтабеков, Аббосхўжа Калонхўжаев ва бошқалар доимий аъзолар бўлдилар.

1921 йилда Наби Расулов ўз квартирасида меҳмондорчилик уюштирганида у ерга Мунавварқори, Зоҳириддин Аълам, Рисқулов ва бошқалар таклиф қилинган эди (бошқалари эсимда йўқ). Бу учрашувда пантуркизм ишини ҳар томонлама фаоллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинганди.

Мен 1934 йили Москвада Рисқулов билан кўришдим. Унинг ишчи кабинетида мендан олдин Жургенев ҳам бўлган эди. Рисқулов мендан ишим қандай кетаётганини сўради, шу билан бирга, Низомиддин Хўжаевнинг тақдирни билан қизиқди, уни ўз миллатининг хизмат кўрсатган ходими сифатида мақтади ва унинг қисматига ҳамдардлик билдириди.

Савол: Рисқулов ҳақида гапиргандада сиз Абдулҳай Тоҷиевни тилга олдингиз. Абдулҳай Тоҷиевнинг аксилинқилобий пантуркчи ишлари ҳақида кўрсатма беринг.



Жавоб: Мен Абдулҳай Тожиевни Ўзбекистонда совет ҳокимияти вужудга келган биринчи йиллардан бошлаб совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борган фаол аксилинқилобий миллатчи – миллий иттиҳодчи сифатида биламан. Абдулҳай Тожиев Тошкентнинг «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аксилинқилобий ишида фаол қатнашган. Абдулҳай Тожиев оддий аъзоси эмас, балки Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб совет ... (матнда узилиш) ... йиғилишларда ҳар доим совет ҳокимиятига қарши кураш усуллари ва тактикасига оид масалалар муҳокама қилинган.



Низомиддин Хўжаев



Турор Рисқулов

1922 йилда шундай йиғилишларнинг бирида Мунавварқорининг ташаббуси билан қонуний имкониятлардан аксилинқилобий мақсадларда фойдаланиш усуллари ҳақидаги масалани муҳокама қилиш қўйилган эди. Бу йиғилишда аксилинқилобий пантуркизм ишларини олиб бориш учун шаклан советча, мазмунан эса аксилинқилобий бўлган буржуа-миллатчилик жамияти – «Нашри маориф»ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Абдулҳай Тожиев бу йиғилишда қатнашган ва бу ташкилотни муҳокама қилишда ҳам, тузилишида ҳам қатнашган.

Ўша йили (1922 й.) Фуломхон Акрамхонов уйида бўлиб ўтган йиғилишда пантуркизмга оид адабиётларни сотиб олиш масаласи муҳокама қилинди, бу масала менинг ташаббусим билан кўтарилди, мунозара натижасида уни сотиб олишга қарор қилинди. Муҳокама на-

тижасида Орсқда яшаган таниқли пантуркчи Аҳмад Исҳоқов (татар) кутубхонасини сотиб олишга қарор қилинди. Буни амалга ошириш учун маблағ ташкилот томонидан ажратилган (вақф фонdlаридан олинган). Аҳмад Исҳоқов кутубхонаси сотиб олинди ва Тошкентга келтирildi. Абдулҳай Тожиев ташкилотнинг бу тадбири ҳақида билар ва уни амалга оширишда қатнашган эди.

1923 йилда Абдулҳай Тожиев босмачиликка қарши курашиш учун Фарғона обlastига юборилади. Абдулҳай Тожиев бу хизмат сафари ҳақида мен ҳам қатнашган учрашувларнинг бирида ташкилот аъзоларини хабардор қилган. Қолаверса, Абдулҳай Тожиевнинг таклифига биноан мен ҳам улар билан бирга газета ходими сифатида бордим, у мендан ташқари Боту иши бўйича судланган ҳамда Олтой адабий тахаллуси билан танилган таниқли пантуркчи Боис Қориевни ҳам олиб борган эди (Босит Қориевнинг акаси).

Фарғонада бўлганимизда Абдулҳай Тожиев, мен ва Боис Қориев Обид Чатоқ Маҳмудовнинг уйидаги йиғилишда қатнашганмиз. У ерда Обид Чатоқ ҳозирда НЭП (Янги иқтисодий сиёsat) жорий этилган экан, энди босмачилик хусусида ҳеч қандай чора кўрилмаслигини, чунки босмачилик «ўзидан-ўзи тугатилиши»ни айтди. Босмачилик бу – совет ҳокимиятининг жабр-зулмга асосланган сиёsatи натижасидир ва НЭП ушбу зулмга нуқта қўяр экан, омма босмачиликни тарқ этиши керак деди. Абдулҳай Тожиев Обид Чатоқнинг хуласаларига қўшилди.

Ўша йиғилишда «амнистия-умумий афв» маъносини англатувчи «Дарҳон» газетасини тузишга қарор қилинди. Бу газета орқали миллатчилик фоялари сингдирилган, хусусан, мен миллатчилик мазмунидаги бир нечта шеърлар ёзганман. Газетани Тожиевнинг ўзи таҳrir қилар эди, у Тошкентга кетгандан сўнг эса амалда муҳаррир ўзим бўлганман.

Абдулҳай Тожиев Фарғона обlastida бўлганда «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаолиятини фаоллаштириш учун барча чораларни кўрди.



Хусусан, у «Миллий иттиҳод» аксилиниқилюбий миллатчилик ташкилотининг аъзоси, мен тавсия қилган машҳур иттиҳодчи-тарғиботчи Убайдуллахўжа Сулаймонхўжаевни тарғибот иши учун жалб қилди. У Абдулҳай Тожиевнинг топшириғи ҳамда унинг иштирокида аҳолини чойхоналарга йиғиб, русларга қарши адоватни ёйиш билан уларни совет ҳокимиятига қарши оёқлантирас эди.

Шу нарса менга маълумки, Абдулҳай Тожиев Москвада СССР Марказий Ижроия Кўмитаси Миллий Кенгashi котиби бўлганда Мирза Карим Раҳметов (у ўша пайтда тўқимачилик институтида ўқиган) билан, ўша пайтда Москвада поспред – доимий вакил бўлган Мухиддин Турсунхўжаев билан яқин алоқада бўлган.

1934 йилда (тахминан июль ёки августда) Абдулҳай Тожиевнинг Кремлдаги ишчи кабинетида Мирза Карим Раҳметов билан гаплашганини кўрганман, мен уларнинг суҳбатининг мазмунини келтира олмайман, чунки уларнинг суҳбатида бўлмаганман.

Лекин, менимча, Абдулҳай Тожиев ва Мирза Раҳметов жуда муҳим ва ўта маҳфий суҳбат қурган, чунки эшиклар қулфланган ва ҳеч ким қабул қилинмаган. Орадан кўп ўтмай Мирза Карим кескин равишда менга яқинлаша бошлади, мени ўзига чақиртирас, атамашунослик ва бошқа ишлар бўйича алоҳида кўрсатмалар берар эди. Назаримда, улар маълум бир мақсад учун менга ўз таъсирини ўтқазгандар.

Кейинчалик мен Абдулҳай Тожиевдан Ўзбекистонга кетишимга ёрдам беришини сўрадим. У айтганимни қилди. Ўзбекистонга қайтиб, ўз ишимни давом эттиришга мажбур бўлдим. Бунинг учун шароитлар таъминланган эди, чунки Абдулҳай Тожиев Файзулла Хўжаевнинг яқин одами эди, у ҳам менга ҳомийлик қилган.

Савол: А.Тожиевнинг Файзулла Хўжаев ва Рисқулвлар билан алоқалари ҳақида кўрсатма беринг.

Жавоб: А.Тожиев Москвада бўлганида менга ҳурмат билан муносабатда бўлган ва мени Мирза Карим орқали қандайдир ишга жалб қилмоқчи бўлган, у менга ҳар қандай ёрдам беришга ваъда берган. Рисқулов менга СССР Халқ Комис-

салари Советига ишга киришга ёрдамлаши. У менга ижобий тавсиянома берди ва: «Юзими ни ерга қаратманг», – деди. Ф.Хўжаев ҳам иккинчи тавсияномани бериб, «Менинг буюк адаб ва сиёсий жиҳатдан ишончли одам эканим»ни ёзиб берди. Аслида, бу тавсияномани Ф.Хўжаев номидан ва унинг хабардорлигида Мухиддин Турсунхўжаев ёзиб берган.

Шуни тасдиқламоқчиманки, уларнинг барчаси биргаликдаги аксилиниқилюбий фаолиятда ўзаро чамбарчас боғлиқ эди ва мени арбоб сифатида сақлаб қолиш учун чоралар кўрган, Ўзбекистоннинг бошқа масъул ходимлари ҳам шу йўналишда ҳаракат қилишди.

Савол: «Ўзбекистоннинг бошқа масъул ходимлари» деганда кимни назарда туяпсиз?

Жавоб: Мен Акбар Исломов ҳақида айтмоқчиман. Ҳақиқат шундаки, мен Москвадан Ўзбекистонга қайтаётганимда Акбар Исломов билан бир поездда кетганман. У Куйбишевдан Москва орқали қайтаётган экан. Акбар Исломов менинг вагонимга келди.

Шахсий мавзудаги суҳбатдан сўнг у мени ўз купесига, кейин ресторанга таклиф қилди. Суҳбат чоғида Акбар Исломов Москвада ёзгандарим билан қизиқди, Ўзбекистонга кетаётганимни маъқуллади, молиявий аҳволимни сўради ва ҳоказо. Тошкентда вокзалда Акбар Исломов менга пул берди, машинасида олиб кетди ва зарур ҳолларда ёрдам қилишга ваъда берди. Тошкентда бўлганимда мен Акбар Исломовнинг идорасига бордим, унинг кабинетига рухсатномасиз кириш имконига эга эдим. У менга Ф.Хўжаев билан учрашувни ва (Файзулла Хўжаев орқали 500 рубль, Абдулла Каримов орқали 700 рубль) моддий ёрдам олишни уюштириб берди.

Савол: Аксилиниқилюбий пантуркчи ташкилотнинг бошқа раҳбарлари ҳақида гувоҳлик бермоқчи эдингиз. Бу ҳақда гапириб бера оласизми?

Жавоб: Ҳа, мен Назир Тўрақулов ҳақида гувоҳлик бермоқчи эдим. Мен Тўрақуловни инқиlobдан олдин ҳам энг йирик пантуркчилардан бири сифатида билардим. У билан шахсан 1919 йилда Фарғона шаҳрида танишганман, у ерда



вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи бўлган ва «Янги Шарқ» деган пантуркчилар газетасини таҳрир қиласарди. У мени шу газетага ходим сифатида ишга таклиф этган. Ўшанда унинг энг яқин ҳамкорлари ҳозирда Кримдаги университетда ишлаётган Ҳоди Файзий ва Мустақоев Абдулла Беги исмли пантуркчилар бўлган. Менинг миллатчиликка оид ёзган нарсаларим бу газетада доимо эътиrozсиз босиб чиқарилган. У Фаргона области халқ таълимига раҳбарлик қилганида областнинг деярли барча шаҳарларидағи ўзбек мактабларида, шунингдек, ўқитувчиларни қайта тайёрлов курсларида ўша пайтда ҳарбий асир бўлган турк зобитлари ишлар эди. Кейинчалик мен у билан Тошкентда, халқ таълими комиссари бўлганида учрашганман. Бу даврда у ўз атрофига бир қатор миллатчиларни: Асфандиёров Санжар, Тўхтабоев Исо, шифокор Дўстмуҳамедов, Девонов Абубакр, Фитрат, мен ва бошқаларни тўплаган эди. Улар воситасида Султонбек Хўжанов, Султон Сегизбоев, Ҳоди Файзий каби қатор пантуркчилар тарбияланган.

Ўша пайтда Туркистон Республикаси раҳбарлигига бўлган Назир Тўракуловнинг бевосита кўрсатмаси билан аксилинқилобий пантуркизм ташкилоти томонидан қуидаги чоратадбирлар амалга оширилган:

1. Еттисув ва Фарғонага кўчиб келган русларга қарши қатағонлар. Жалолобод районида (уездидаги) қатағонларни таниқли пантуркчи Саидамин Саид Султон амалга оширди, у шахсан менга бу қатағондаги шафқатсизликлар (оммавий қатллар) ва ҳалокатли натижалар ҳақида гапириб берган.

2. Ҳар жойда кенг равишда шариат судлари қурултойлари ташкил этилган, унда пантуркчилар ўзларининг аксилинқилобий ишларини юритганлар.

3. Ўзбек тилида чиқадиган «Инқилоб» журнали ташкил қилинган. У ерда доимий равишида менинг, Фози Юнусов, Фитрат, Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Неъмат Ҳаким, Усмонхон Эшонхўжаев каби ва бошқа кўзга кўринган аксилинқилобчи, миллатчи ва пантуркчиларнинг асарлари нашр этиларди.

Назир Тўракулов томонидан соф диний ислоҳотчилик йўналишида «Ҳақиқат» журнали ташкил қилинган. Бу журналнинг муҳаррири Н.Тўракуловнинг одами Холмуҳаммад Охундий эди. Бу журналда асосан исломда замонавийлик руҳида ислоҳот ўтказмоқчи бўлган муллалар, яъни пантуркчилар, масалан, Зоҳириддин Аълам кабилар ишларди.



Назир Тўракулов



Абдурауф Фитрат



Мунавварқори

Зоҳириддин Аълам мазкур журналнинг сўнгги сонларидан бирида таниқли пантуркчи арбоб Мунавварқорининг «Бизнинг даҳо» деб номланган мақоласини берди. Унда панисломчилар билан пантуркчиларнинг умумий жиҳатларини ёритган ва шу тариқа уларни совет ҳокимиятига қарши ягона аксилинқилобий фронтга бирлаштирган. Шунингдек, у ерда мен, Абдулла Қодирий, Шоҳид Эсон ва бошқаларнинг миллатчиликка оид ёзган нарсалари босилган. Бундай исломий сиёsat олиб борилиши муносабати билан унинг ўзи «Асри саодат»га, яъни пайғамбарнинг баҳтли асрига қайтиш ҳақида гапириган.



1923 йилда Тўрақулов раҳбарлик лавозимидан четлатилгач, Москвага кетмоқчи бўлганида у Мунавварқорининг уйига борган. Мунавварқори у билан шахмат ўйнаб туриб: «Сен сиёsat ўйинида Москвага жуда қаттиқ ютқаздинг», – деган. Тўрақулов жавобан: «Мен рақибимниң ишончини қозонмоқчи бўлдим ёки майда тошларни унга бой бериб, ҳушёрлигини кетказмоқчи, кейин эса энг кескин дамда бирдан ҳужум қилиб ўйинни мутлақ ютмоқчи бўлдим», – деган.

Тўрақулов Москвага кетишидан олдин менинг квартирамда уни кузатиш йифилиши бўлиб ўтди. У ерда мен ва Тўрақуловдан ташқари Зоҳириддин Аълам, Бўлат Солиев, Абдураҳмон Саъдий, Наби Расулов ва бошқалар бўлган. Кузатиш пайтида Зоҳир Аълам ... (матнда узилиш) ... Тўрақулов шафқатсизларча Москва томонидан алданиб қолди ва бу унинг Москвага нисбатан ишонувчанлик сиёsatининг натижаси эди.

Кейинчалик мен у билан 1925, 1926, 1927 йилларда Москвада Марказий нашриёт бошқармаси раиси бўлганида учрашганман. У ерда Тўрақулов ўз атрофига машҳур пантуркчилар: Фотих Каримов, Алихон Букейхонов, Мажидхон Жумабоев, Нажмиддин Асрий, Наби Расулов, Абдураҳим Йўлдошев, Шокир Сулаймонов, Наим Холидов ва бошқаларни тўплаган эди. Шундан сўнг мен Тўрақуловни 1931 йилнинг охирида чет элдан (Арабистоннинг Жидда шаҳрида совет консули бўлган) қайтганида ўз уйида кўрдим. Фози Юнусов ҳам мен билан эди. Ўшанда Тўрақуловникида биз чимкентлик Орифхоновни кўрганмиз. Тўрақулов биздан қандай яшаётганимиз ва ишлаётганимизни сўради. Ўзбекистонда бизни жуда хафа қилишшаётганини билиб Тўрақулов шундай деди: «Сиз сабр-тоқатли бўлишингиз керак, ҳақорат қилаётган бўлсалар, зарари йўқ, бу фойдалидир. Сиз тобланган ва кучли инсонлар бўласиз». Бу ерда у бизга турк тилида нафис қилиб нашр этилган бир китобни кўрсатди, уни ҳамкаси, Туркияning Арабистондаги элчиси совға қилган экан, у билан Тўрақулов дўстона муносабатда бўлган. Бу китобда Туркия элчиси (консули) томонидан имзоланганд багишлов ёзуви

бор эди. Китобда Мустафо Камол нутқларидан олинган афоризмлар бор экан. Мен бу китобга енгил кўз югуртирган бўлдим ва уни Тўрақуловга қайтариб бердим. У турк консулини жуда мақтаб гапирди ва у билан жуда дўстона муносабатда бўлганини айтди. Унинг фамилиясини айтмади.

Тўрақулов билан кейинги учрашувим 1936 йил май ойининг охирида, у чет элдан охири марта қайтганида бўлиб ўтди. Москвада уни 1936 йил май ойидан олдинроқ кутишганини мен кейинроқ курортдан қайтгач укаси Қодирдан билиб олдим. Унинг келганини телефон орқали эшитиб, унга қўнғироқ қилдим, у мени дарҳол қабул қилди. Бу зиёфатда биз Туркия ҳақида, Туркияning турли соҳаларда эришган энг сўнгги ютуқлари, биз билган эски Туркиядан ҳеч нарса қолмаганлиги ҳақида гаплашдик. Бундан ташқари, Тўрақулов Ибн Сауд ҳам туркларнинг хизматидан фойдаланишини, хусусан, Арабистонда турклар ҳарбий соҳани бошқаринини, полиция ва қўриқлаш ишларини олиб бораётганларини айтди. Бу ерда у Зоҳириддин Аълам, Жулқунбой, Фози Юнусов, Фитрат, Ҳоди Файзий, Бўлат Солиев, Аҳмадхонов, Ашурали Зоҳирий, Садриддин Айний ва бошқа пантуркчилар ҳақида сўради. Уларнинг қандай яшаётгани ва ишлаётгани ҳақида қизиқди.

Тахминан 1935 йили мен Фитратнинг квартирасида бўлгандим. Менга Фитрат унга Тўрақулов совға қилган араб тилидаги (Мисрда нашр этилган) катта асарни кўрсатди. Китобда Тўрақуловнинг ўз қўли билан унинг исми ва фамилияси ёзилган эди. Китобни Фитратдан олиб, Зоҳириддин Аъламга олиб бориб бердим. У китобни олиб қолди, менга Мисрда чиққан расмли бир журнал берди.

1921 йилда Еттисувда Хитой чегарасида Хитойга қочиб кетаёган икки киши ҳибсга олиниди, улардан бири Бурҳон Шараф – татар ёзувчиси, миллатчи; шеригининг фамилиясини эслай олмайман, иккаласи ҳам япон босқинчилари томонига қараб йўлга чиққан эдилар ва уларга (японларга) пантуркчи ташкилотнинг мурожаатини етказиш мажбуриятини олган эдилар, аммо ЧК органлари томонидан ушлангани маълум бўлди.



Бу қоюқларнинг ҳибсга олиниши муносабати билан пантуркчи ташкилот раҳбарияти хавотирга тушди, хусусан, Назир Тўракулов, Мунавварқори ва Садриддинхон Тошкентдаги суд жараёнига шахсан аралашдилар, натижада хоинлар қамалмай қолдилар.

Савол: Энди сиз профессор Фитратнинг пантуркизм бўйича амалий ишларига тавсиф беринг.

Жавоб: Фитрат – пантуркизмнинг энг йирик мағкурачиси, айни пайтда, Ф.Хўжаевнинг ўнг қўли. Фитрат орқали Файзулла Хўжаев иммий доираларда пантуркчи ташкилотни бошқарган. Мен Фитрат Рауф Раҳимовични 1913 – 1914 йилларда Самарқандда машҳур жадид арбоби Беҳбудий томонидан нашр этилган пантуркчи «Ойна» журналида ҳамкорлик қилганидан бери биламан. Натижада у пантуркизм мағкурачисига айланди. Кейинчалик Фитрат спектаклда ҳаваскор актёр вазифасини бажарди, ундан тушган маблағ 1914 йилдаги рус-турк уруши пайтида талафот кўрган мусулмонларга ёрдам сифатида сарфланди. Шу туфайли Бухоро қушбегисидан унвон олган ва шу тариқа мусулмон аҳоли орасида машҳур бўлган эди.

Кейин мен уни 1917 йилда Самарқанддаги миллатчилар газетасининг муҳаррири вазифасида кўрганман. Фитратнинг мазкур газетасига мен ўзимнинг миллатчи шеърларимни нашр этишга берганман.

Фитрат шеърларимни газетада эълон қилиб, мени олқишилаган ва мақтаган ҳамда аксилинқилобий миллатчилик руҳида тарбиялаган эди.

Менинг Фитрат билан илк шахсий танишувим 1919 йилнинг бошида Тошкентда бўлган. Унинг бу даврдаги аксилинқилобий фаолияти қўйидагича бўлган:

1. У «Чигатой гурунги» деб номланган аксилинқилобий жамият тузган. Унга фаол аъзолар сифатида Фитрат, Қаюм Рамазонов, Шорасул Зуннун, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Гулом Зафарий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Фози Юнусов, мен, Боту, Санжар Сиддиқов, Маннон Рамзий, Уйғур ва бошқалар кўшилган. Бу жамият расмий равишда тил ва имло соҳасида маданий ислоҳотчилик мақсадларини кўзлаган эди, ас-

лида эса ўзбек зиёлилари орасида аксилинқилобий пантуркизм ишларини олиб борган.

Фитрат бошчилигидаги бу жамият Чигатой феодализмининг «Олтин асли»ни, ўша даврдаги арабча ва форсча тил унсурлари кўп бўлган, аксирият халқ оммасига тушунарсиз бўлган ўзбек тилини тарғиб қилган. Ҳамда пантуркчи ғояларни тарғиб қилиш учун аксар оммага «тушунарли» бўлган тил учун ва «Чигатой гурунги» киритган янги имло учун фаол кураш олиб борган. Ушбу мақсад учун махсус пантуркчи дарслилар тузилган эди, адабиётлар чоп этилган эди, нашриёт доимий ишлаб турган, шакл жиҳатидан машҳур ва мазмун жиҳатидан миллий бўлган шеърлар, мақолалар, очеркларнинг ёрқин намуналарини тайёрлаб берганман.

«Чигатой гурунги» жамияти бошиданоқ саҳна санъатига тарғибот воситаси сифатида катта аҳамият берган. Дастлаб Фитрат томонидан Мажид Оқсоқолнинг ўғли, актёр Уйғур жалб қилинган. Фитратнинг ўзи эса миллатчилик мавзусида «Ўғузхон», «Чин севиши», «Ҳинд ихтилолчилари» пьесаларини ёзган. Жамият аъзоси Фулом Зафарий мусиқий драма ёзган. Бу билан пантуркчиларнинг омма халқ орасида мусиқа соҳасида ҳам ўз таъсирини ўтказиши таъминланган эди.

Фитратнинг асарлари Фози Юнусовнинг хусусий нашриётида чоп этилар эди.

2. Жамиятнинг деярли барча аъзолари маданий жабханинг турли соҳаларида аксилинқилобий ишларни олиб борганлар ва уларнинг ҳаммасини Фитрат бошқарган. Чунончи, жамиятнинг йирикроқ аксилинқилобий тадбирларида Фитратнинг ўзи шахсан қатнашар эди. Масалан, имло масаласига бағишиланган бир конференцияда (1919 йилда) Фитрат маърузачи сифатида қатнашган, бу пантуркизм конференцияси эди.

3. Фитрат ёш кадрларни тарбиялаш вазифасига жуда катта эътибор қаратар эди. «Тонг» журнали таҳририятига Фитрат томонидан ишга олинган Боту билан Санжарни ҳам унинг ўзи аксилинқилобий пантуркизм руҳида тарбиялаган эди.



4. Фитрат, шунингдек, ёш кадрларни хорижда ўқитишга ҳам катта аҳамият берар эди. Унинг ташаббуси билан пантуркчилар ташкилоти томонидан Туркистон Республикаси ёшларини хорижга жўнатишга йифиладиган маблағлар учун «Йўлак» жамияти тузилган эди. Бу жамиятда унинг аъзоларидан Боту билан Сайдалихўжа (у Германияда қолиб кетган) етакчи роль ўйнарди. Бу жамиятга совет олий ўқув юртлари талабалари орасидан Аҳмад Шукрий (Германияда қолган), Саттор Жаббор, Аҳмаджонов, Иброҳимов (Германияда қолган) ва бошқаларни Боту шахсан ўзи танлаган. Жамиятга ёллаш ёш пантуркчилар ҳисобидан амалга оширилар эди.

Фитрат 1920 йилда Бухорога келиб, яна шу масалани кўтарди. Пантуркчилар маркази билан келишилган ҳолда Бухоро мактабларидағи талаба ўшларни хорижга юборди.

5. Фитрат 1919 – 1920 йилларда Тошкентдаги Афғонистон консулхонасига таржимон бўлиб ишга кирган. Унинг айтишича, консулхона раҳбарлари билан жуда яқин муносабатда бўлган. У Афғонистоннинг йирик давлат арбоблари Маҳмуд Арз ва унинг шогирди Абдул Ҳожихон ҳақида жуда мақтов билан гапирган. Тахминимча, Фитрат Афғонистон консули билан жосуслик мавзусида алоқада бўлган.

6. Фитрат адабиёт соҳасида пантуркизм гояларини кенг тарғиб қилиш ва кадрларни пантуркизм руҳида тарбиялаш мақсадида 1920 йилда Тошкентда «Тонг» журналини ташкил қилган. Журналга мен, Элбек, Фози Юнусов, Сайдалихўжа, Бўлат Солиев, Боту ва бошқалар жалб қилинган.

Фитрат Бухородаги инқилобга бошиданоқ қарши эди. Бир куни Фитратнинг ўзи бу ҳақида амир амалдорларидан бири Қози Шарифжонга гапирган. Бу 1921 йилда Бухородаги Фитрат уйининг бош меҳмонхонасида менинг ҳузуримда содир бўлган. У амалдорга форс тилида шундай деди: «Биз, ахир, бундай инқилобни хоҳламаган эдик, тақсир». Бухоро инқилобидан кейин Фитрат Бухорода яшаб, шубҳасиз, Ф.Хўжаев билан жуда яқин муносабатда бўлган.

1921 йили Фитратнинг олдига бир неча бор келганимда у билан ҳеч кўришолмадим. Унинг ходимлари ҳар доим Ф.Хўжаев билан бирга эди деб жавоб берарди. Бундан ташқари, Фитратни Ф.Хўжаев ҳам бир неча бор ўз ҳузурига чақирган. Фитрат Ф.Хўжаев билан Бухорода миллий марказ мажлисларида ўтирганини 1926 йилда Москвада таниқли пантуркчи Наби Расулов менга айтган эди. Худди шу нарсани 1930 – 1931 йилларда Тошкентда Зоҳириддин Аълам ҳам айтган эди. Чунончи, Наби Расуловнинг сўзлари ва Аъламнинг таъкидлашича, Фитрат билан Файзула Хўжаев аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг энг ақлли раҳбарлари эди.

Афғонистонда ваколатли вакил бўлган ва у ерда қолиб кетган Ҳошим Шайк Фитратнинг мафкуравий дўсти эди. Мен буни Фитратнинг ўзидан эшитганман, уни жуда мақтаган. Фитрат 1920 йилда мусиқа мактабига асос солган, бу ерда фақат қадимий форс ҳамда турк куйлари ўргатилган ва куйланган. Биламан, Самарқанддаги мусиқа институтига расман Фитрат раҳбарлик қилмаган, у Домулло Абдулҳалим, Ҳожи Абдураҳмон Ашрафий каби вакилларга ўз таъсирини ўтказган. Бу вақтда Фитрат пантуркчи Отажон Ҳошимов билан ҳам яқин алоқада бўлган.

1930 йилда ташкилот муваффақиятсизликка учради, Боту ва бошқалар ҳибсга олинди. Фитрат жуда хавотирда эди, мендан ҳам, ўзидан ҳам хавотирда эди. Ҳибсга олинишдан қўрқиб Ф.Хўжаевнинг келишини кутарди. Ф.Хўжаев Фитратни қўргани келди. Фитратнинг боғидағи суҳбат чоғида уни тинчлантириб: «Сиз ва Ҷўлпон хавотирланманглар. Биламан, сизларга ҳеч қандай хавф йўқ», – деди. Бу ҳақида Фитрат менга унинг боғида кўришганимизда айтиб берган.

1928 – 1929 йилларда Самарқандда атамашунослик ва янги алифбо бўйича конференция бўлди. У ерга марказдан келган делегатлардан ташқари миллий республикалардан – Татаристондан Неъмат Ҳаким, Абдураҳмон Саъдий ва бошқалар, Озарбайжондан Ҷўбонзода каби вакиллар келган. Миллий республикалардан келган бу делегатлар Абдулла Алавий уйида кечки



ўтиришда қатнашдилар, у ерда Фитрат ҳам бўлган.

Ушбу конференцияда аксилинқилобий пантуркизм ғояларини фаол сингдиришда ўзбекистонлик қўйидаги миллатчи пантуркчилар қатнашган:

Боту Ҳодиев, Фитрат, Бўлат Солиев, Фози Олим Юнусов, Бегижон Раҳмонов, Ашурали Зоҳирий, Абдулла Беги Мустақоев, Олимжонов, Абдулла Алавий, Машриқ Юнусов (Элбек), Қаюм Рамазонов.

Айтишим керакки, конференция иши давомида пантуркчилар ҳам параллель равиша ўзаро йиғилишиб, пантуркизм масалаларини муҳокама қилиб бордилар. Гарчи мен мазкур кенгашларда шахсан иштирок этмаган бўлсам ҳам, унда қатнашганлардан билганман. Жумладан, бундай кенгашлардан бири Абдулла Алавийнинг уйида ўтказилган, бу ҳақида менга унинг ўзи айтган.

Ушбу конференцияда иштирок этган пантуркчилар қаттиқ ниқобланган икки томонлама сиёсатни фаол қўлладилар, хусусан, пантуркизмнинг энг кўзга кўринган мафкурачиси Чўбонзода бу конференцияда совет зиёлиларининг қизғин вакили сифатида сўзга чиқди. Бироқ, маълумки, Чўбонзода барча миллий республикаларда пантуркизмнинг энг йирик ва тан олинган раҳбарларидан бири ҳисобланади.

Мен пантуркчи ташкилотнинг ҳозирги сиёсий аксилинқилобий фаолияти ҳақида ўзимнинг кейинги сўроқ қилинишимида кўрсатма бераман.

(имзо: А.Сулаймонов)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўз УГБ НКВД 4-бўлим бошлиғи,
давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти
/АГАБЕКОВ/
«.....» август 1937 й.

ФАРМОЙИШ
(айлов ҳақида)

Тошкент ш., 1937 й. «.....» август.

Мен – ЎзССР УГБ НКВД 4-бўлим бошлиғи ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги лейтенанти Три-

гулов аксилинқилобий пантуркчи ташкилот аъзоси ва ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган «Чўлпон» адабий тахаллуси билан маълум бўлган Абдулҳамид Сулаймоновга оид 4269-рақамли тергов иши материалларини кўриб чиқиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

1. Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) ашаддий аксилинқилобий миллатчи сифатида инқилобнинг биринчи кунлариданоқ аксилинқилобчилар томонига ўтган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчи ташкилотига аъзо бўлган ва ҳозирга қадар совет ҳукумати ва партияга қарши фаол кураш олиб борган.

2. Аксилинқилобий миллатчиликнинг Рисқулов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулҳай Тоҷиев ва улар каби бошқа раҳбарлари билан бирга аксилинқилобий миллатчиликнинг мафкурачиларидан бири бўлиб, пантуркчи ташкилотнинг аксилинқилобий фаолиятида, унинг совет ҳокимияти билан бўлган курашининг барча босқичларида (Туркистон мустақиллиги учун кураш, босмачиликни ташкиллаштириш, мафкуравий фронтдаги кураш ва бошқаларда) бевосита иштирок этган.

3. Аксилинқилобий миллатчиликдан возкечгани ва совет ҳукумати томонига ўтгани ҳақида ўзининг хоинона баёнотлари билан, айни пайтда, аксилинқилобий миллатчилик ишини фаол давом эттириб совет ҳукуматини кўп марта алдаб келган.

4. Сўнгти дамгача Ўзбекистондаги аксилинқилобий пантуркчи ташкилотнинг аъзоси бўлган, совет ҳукумати томонига «ўтган» талантли шоир сифатидаги сохта машҳурлигидан фойдаланган, доимий равиша аксилинқилобий пантуркчи ташкилотнинг раҳбарлари Файзулла Хўжаев ва Рисқуловларнинг ҳимоясида бўлган ва бундан фойдаланиб ҳибсга олиниш кунига қадар аксилинқилобий фаолият олиб борган.

5. Ўзининг асарларида тизимли равиша аксилинқилобий миллатчилик ва пантуркчиликни олқишилаган, ошкора аксилинқилобий шеърлар ёзган ва тарқатган, совет ҳукуматига



қарши миллатчилик тарзидаги мулоҳазалари ни билдирган.

6. Чет эл разведкаси билан алоқаси бўлган, панисломчилар раҳбарларидан бўлган ўз қариндоши Зоҳирiddин Аълам орқали пантуркчилар билан панисломчилар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган, яъни Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон)га нисбатан қўйилган жиноят ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси билан изоҳланган.

Шунинг учун юқоридагиларга асосланиб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), 1897 йилда туғилган, ўзбек, савдогар-адабиётчининг ўғли, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддаси бўйича мазкур иш юзасидан жавобгарликка тортилсин. Олдинроқ белгиланган хибсда сақлаш – жиноятнинг оддини олиш чораси ўз кучида қолдирилсин.

ЎзССР УГБ НКВД 4-бўлим 5-бўлинма бошлиғи ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги лейтенанти /Тригулов/

«РОЗИМАН» ЎзССР УГБ НКВД 4-бўлим бошлиғи ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги лейтенанти /Матвеев/

Мазкур фармойиш менга билдирилди

(имзо: А.Сулаймонов)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги,

давлат хавфсизлиги катта майори

/ЗАГВОЗДИН/

22 август 1937 й.

ФАРМОЙИШ

(тергов муддатини узайтириш ҳақида)

Тошкент шаҳри, 1937 йил 22 август.

Мен – ЎзССР НКВД УГБ 4-бўлим тезкор вакили, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Маврин 4269-рақамли тергов иши материалларини кўриб чиқиб қўйидагиларни аниқладим:

Тергов иши бўйича айбланувчи сифатида ўтаётган Фози Олим Юнусов ва Абдулҳамид Сулаймонов хибсда сақланмоқда: биринчиси 3/07-37 й.дан, иккинчиси 7/07-37 й.дан. Терговда

Юнусов ва Сулаймоновнинг аксилинқилобий пантуркчи ташкилотга мансублиги, уларнинг ушбу ташкилотдаги раҳбарлиги ва шу ташкилот аъзоси сифатида Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олишга қаратилган аксилинқилобий фаолияти исботланди.

Тергов жараёнида қуйидаги фактлар ошкор бўлди: Сулаймоновнинг чет эл разведкалари ниң бири билан алоқалари, айборларнинг пантуркчилар ташкилотининг бутуниттифоқ бошқарув марказига мансублиги.

Кейинги фактлар синчковлик билан тергов текширувани талаб қилаётгани, бироқ ишнинг тасарруф муддати ва ҳибса сақлаш вақти Юнусов учун 3/09-37 да ва Сулаймонов учун 7/09-37 да тугаётганини ҳисобга олиб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Ҳибсга олинган Юнусов Фози Олим ва Сулаймонов Абдулҳамиларнинг тергов қилиш ва ҳибсга олиш муддатини иккى ойга узайтириш тўғрисида Ўзбекистон ССР прокурори орқали СССР Марказий Ижроия Қўмитасига илтимоснома юборилсин.

ЎзССР НКВД УГБ 4-бўлим тезкор вакили, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти /Маврин/

«РОЗИМАН» ЎзССР УГБ НКВД 4-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти /Агабеков/

Айбланувчи Ҳасанов Муҳаммад Фаттоҳовични сўроқ қилиш

БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

1904 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида яшаган, хизматчи, СССР фуқароси, партиядан 1937 йил сентябрда ўчирилган, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, охирги лавозими «Правда Востока» газетасининг масъул муҳаррири, 1937 йид 7 октябрь

1935 йилдан бошлаб «Гулистон» журнали муҳаррири вазифасида миллатчи Камол Шарипов ишлаган, ўринбосари А.Аюпов бўлган, у ҳам миллатчи бўлган. Журналнинг масъул муҳаррири вазифасида миллатчи Санжар Сиддиқов ишлаган бўлиб, у Фитрат, Отажон Ҳошимов,



Бузрук, Чўлпон, Элбек ва бошқалар қатнашган миллатчи гуруҳ билан алоқада бўлган.

«Гулистан»нинг бутун фаолияти давомида бирорта ҳам соғлом, советча кайфиятдаги ходим журналга яқинлаштирилмаган. Журнал миллатчиларнинг бошпанаси бўлган, уларнинг асарлари, масалан, сургундан қайтган Ашурали Зоҳрий, Чўлпон ва бошқаларнинг асарлари чоп этилган.

1935 йилда бизнинг миллатчи ташкилотимиз раҳбари Икромовнинг топшириғига биноан мен Чўлпоннинг «Кеча» романини таҳрир қилганман. (Чўлпон олдинроқ миллатчи сифатида Ўзбекистондан сургун қилинган эди. «Кеча» романни никобланган шаклда жадидчиликни идеаллаштирас ва миллатчилик ғояларини илгари сурар эди. Бу эса бизнинг ташкилот талабларига жуда қўл келар эди. Икромовнинг таклифиғига кўра бу роман 1936 йилнинг бошида катта тиражда нашрдан чиқди.)

Менинг сўзларимдан тўғри ёзиб олинган, мен ўқиб чиқдим.

(имзо Ҳасанов)

Сўроқ қилди: УГБ 4-бўлими бошлиғи ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти (....)
ЎзССР НҚВД ходими, давлат хавфсизлиги лейтенанти Баранов

Тўғри Тригулов

1937 йил 1 ноябрь куни терговчи Тригулов А.Сулаймоновни тергов қилиш тугагани муносабати билан унга шундай савол берган: «Сизга тергов тугатилгани эълон қилинган ва тергов материаллари билан танишиб чиққансиз. Айтинг-чи, қандай эътиrozларингиз бор ва нималар билан терговни тўлдиришингиз мумкин?»

Жавоб: Тергов материаллари билан танишиб чиқдим, тергов тугаганлиги тўғрисида менга хабар қилинди, терговга ҳеч қандай эътиrozим йўқ. Терговга ҳеч қандай қўшимчалар қила олмайман. Имзо: Чўлпон

1938 йил 29 сентябрда Давлат хавфсизлиги хизмати бошқармаси 4-бўлим бошлиғи ўринбосари, Ўрта Осиё ҳарбий округи вақтинчалик

прокурори Смешников Абдулҳамид Чўлпонни тергов қилган.

Савол: Аксилинқилобий ташкилотда иштирок этганингиз тўғрисида терговда берган кўрсатмаларингизни тасдиқлай оласизми?

Жавоб: Ҳа, аксилинқилобий фаолиятим ва аксилинқилобий ташкилотда иштирок этганингиз ҳақида терговда берган маълумотларимни тасдиқлайман.

Савол: Терговга шикоятларингиз борми?

Жавоб: Терговга ҳеч қандай шикоятларим йўқ. Кўрсатмаларим ўз оғзимдан ёзиб олингани ва менга ўқиб берилганлиги учун имзо чекаман.

А.Сулаймонов

Ўзбекистон ССР УГБ НҚВД 4-бўлими бошлигининг ўринбосари, давлат хавфсизлиги хизмати катта лейтенанти Копосов томонидан тузилган айланувчи Абдурауф

Фитрат ва Абдулҳамид Сулаймонов ўртасидаги юзлаштириш баённомаси

1938 йил 2 октябрь

Фитратга савол: Айланувчи Абдулҳамид Сулаймонов билан адоватингиз борми?

Жавоб: Сулаймонов билан менинг ўртамизда ҳеч қачон ҳеч қандай адоват бўлмаган. Бизнинг муносабатимиз жуда яхши бўлган.

Сулаймоновга савол: Фитрат тўғри гапиряптими?

Жавоб: Ҳа, тўғри. Мен Фитратни жуда ҳам хурмат қилганман.

Фитратга савол: Сиз Англия фойдасига қилган жосуслик фаолиятингиз ҳақида гувоҳлик бердингиз ва инглиз разведкаси ҳинд Саид Афанди билан жосуслик иши бўйича боғлиқ бўлган бир қанча одамларнинг исмини айтдингиз. Сиз ушбу кўрсатмаларингизни тасдиқлайсизми?

Жавоб: Ҳа, тасдиқлайман.

Фитратга савол: Абдулҳамид Сулаймоновнинг Саид Афанди билан алоқаси бўлганми?

Жавоб: Мен сўнгги пайтда жосуслик фаолиятимда инглиз разведкаси резиденти Саид Афанди билан алоқада бўлганим ҳақида терговда кўрсатма бердим. Мен бу кўрсатмала-



римни тасдиқлайман. Саид Афанди билан Фулом Зафарий орқали боғланиб турганман. 1930 йили Фулом Зафарий менга ўзи ва Абдулҳамид Сулаймонов Чўлпон Саид Афандидан пул олганларини айтган. Абдулҳамид Сулаймонов Чўлпоннинг Саид Афанди билан алоқаси тўғрисида Фулом Зафарийдан билганларим мана шу.

Сулаймоновга савол: Сиз Саид Афандини танийсизми?

Жавоб: Ҳа, мен ҳинд шифокор бўлган Саид Афандини ҳақиқатан шахсан танийман. У билан 1928 йили ёки 1929 йили Самарқандда Фулом Зафарийнинг уйида танишганман. Мен касал бўлиб ётган Фулом Зафарийни кўриш учун уникига борган эдим. Мен Фулом Зафарийнинг уйида ҳинд табиб (шифокор) Саид Афандини кўрганман ва у билан танишганман. Саид Афанди билан менинг иккинчи учрашувим ҳам ўша йили Самарқандда Бахшуллахоновнинг уйида бўлган. Мен унинг уйига хотинимни излаб борган эдим. У ерда Фулом Зафарий, Саид Афанди ва Бахшуллахоновлар бўлган. Бахшуллахонов менга Саид Афанди тайёрлаган қандайдир бир ҳинд таомидан еб кетишни таклиф қилди. Мен қолиб, тушлик қилиб, кейин кетдим.

Мен хотинимни Бахшуллахоновнинг уйида излаганим сабаби, унинг уйида мусиқачи Аминжон Пўлатов яшарди. Унинг хотини билан менинг хотиним мусиқа билимлари институтида бирга ўқигандилар, шунинг учун хотиним уларнига бориб турарди.

Фитратга савол: Бахшуллахонов ва Пўлатовларни қаердан биласиз?

Жавоб: Мен икковларини ҳам инглиз жосуслари сифатида шахсан танийман.

Сулаймоновга савол: Сиз берган кўрсатмалардан аниқ бўлдики, сиз инглиз разведкаси жосуслари билан алоқада бўлгансиз. Сиз Саид Афанди, Бахшуллахонов, Пўлатовлар билан бўлган муносабатларингизнинг асл моҳияти ҳақида кўрсатма беринг.

Жавоб: Мен Фулом Зафарий билан жуда яқиндан таниш бўлганимни, Пўлатов, Саид Афанди ва Бахшуллахоновларни эса юқорида кўрсатганим миқдорида билганимни тан ола-

ман. Мен шуни таъкидлаб айтаманки, мазкур шахсларнинг жосуслик фаолияти ҳақида мен билмаганман. Мен Саид Афандидан бевосита ҳам, Фулом Зафарий орқали ҳам пул олмаганман. Мен жосус бўлмаганман. Мен миллатчи бўлганман ва бу тўғрида кўрсатма бердим.

Кўрсатмалар бизнинг сўзларимиздан тўғри ёзилган, биз ўқиб чиқдик ва бунга имзо қўямиз.

Фитрат, А.Сулаймонов.

Сўроқ қилди: Ўзбекистон ССР УГБ НКВД

4-бўлими бошлигининг ўринбосари,
давлат хавфсизлиги катта лейтенант
Копосов

Айбланувчи Сулаймонов Абдулҳамид (Чўлпон)нинг 1938 йил 2 октябрдаги тергов баённомаси

Савол: Бахшуллахонов билан қачондан бери танишсиз?

Жавоб: Мен Бахшуллахоновни 1921 – 1922 йилларда Бухорода «Озод Бухоро» газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган пайтимдан билардим. Биз бир-биirimizни танир эдик, лекин ўзаро ҳеч кўришмаган эдик. Мен Бахшуллахонов билан илк бор 1928 йили ёки 1929 йилда Самарқандда кўришганман. Ўшанда хотинимни излаб унинг дугонаси турган уйга борган эдим. Хотинимнинг дугонаси ўз эри Аминжон Пўлатов билан бирга Бахшуллахоновнинг уйида яшар экан. Бахшуллахоновнинг уйида мен ҳинд Саид Афанди билан иккинчи марта учрашдим.

Савол: Бахшуллахоновнида нима ҳақида сұхбатлашгансизлар?

Жавоб: Сұхбат фақат доривор ўсимликлар ҳақида бўлган. Саид Афанди улар ёрдамида даволар эди. Фулом Зафарий ҳам бу соҳани яхши тушунарди.

Савол: Тергов сизга ишонмайди. Бирга жосуслик қилганлар доривор ўсимликлар ҳақида ҳам гаплашиши мумкин эди. Лекин асосий мавзу ҳамкорлиқдаги жосуслик ҳаракати бўлган бўлиши керак. У ерда инглиз разведкасининг резиденти Саид Афанди ва сизнинг дўстингиз ҳамда маслакдошингиз Фулом Зафарийлар ҳам бўлган Бахшуллахоновнинг уйига қандай мақсадда таклиф этилган эдингиз?



Жавоб: Бахшуллахонов уйидаги бу (... сўзни ўқиб бўлмади) ҳақида бошқа бир гап айтолмайман. Бахшуллахонов уйидаги бошқа гапларни эслолмайман.

Савол: Фитрат билан юзлаштирилганингизда Сайд Афандидан пул олиб турганингиз фош бўлди. Бу пулларни нима учун олардингиз?

Жавоб: Шуни қатъий таъкидлайманки, мен Сайд Афандидан ҳеч қандай пул олмаганман.

Савол: 2 октябрда Фитрат билан юзлаштирилганингизда сиз айтиб ўтган Сайд Афанди билан учрашуvingиз тасодифий ҳолда бўлмагани, балки инглиз жосуси билан олдиндан режалаштирилган учрашув бўлгани тергов учун кундек равshan бўлди. Буни тан оласизми?

Жавоб: Мен буни тан ололмайман. Чунки бу нотўғри. Мен жосус бўлмаганман. Ҳамда Фитрат, Гулом Зафарий, Сайд Афанди, Бахшуллахонов ва Пўлатовларнинг жосус бўлганини билмаганман.

Савол: Гулом Зафарийнинг Сайд Афанди билан сўнгги йиллардаги алоқаси ҳақида нималарни биласиз?

Жавоб: Гулом Зафарий сургундан қайтиб келгандан кейин ҳам сўнгги йилларда Сайд Афанди билан алоқада бўлган. 1935 йилда у менга Сайд Афанди Самарқандда деб айтган. 1937 йил бошида эса Гулом Зафарий менга Сайд Афандининг Тошкентта келганини айтди.

Савол: У нима сабабдан Сайд Афанди ҳақидаги бу икки ҳолат бўйича сизга хабар берган?

Жавоб: Мен Гулом Зафарийдан Сайд Афандининг қаердалигини сўраган бўлишим керак ва менга у ҳақида гапирган. Мен ундан қандакасаллигим сабаблигина Сайд Афанди ҳақида сўраганман, албатта.

Савол: Тошкентда Сайд Афанди билан учрашганимисиз?

Жавоб: 1937 йилнинг бошида Тошкентда Гулом Зафарийнинг уйида бир марта учрашганиман. Бу учрашув тасодифий бўлган. Гулом Зафарийнинг хонадонига борсам, Сайд Афанди билан хотини ўша ерда экан. Улардан ташқари Гулом Зафарийнинг ўзбек қўшниси ҳам бўлган, фамилиясини эслолмайман. Шунингдек, яна икки нафар ўзбек йигитлари ҳам бўлган. Фами-

лияларини билмайман, илгари улар билан учрашмаганман.

Савол: Гулом Зафарийнинг хонадонида сиз Сайд Афанди билан нима ҳақида гаплашгансиз?

Жавоб: Яна доривор ўсимликлар ҳақида гаплашганимиз. Бундан ташқари, Сайд Афанди катта фарзандларига Самарқандда таълим бера олмагани учун Тошкентта келганини айтган эди. Бу жиддий бир баҳона эмаслигини тушунган эдим, чунки Самарқанд университети бор шаҳар эди. Лекин мен бунга аҳамият бермадим.

Савол: Сайд Афанди билан яна қаерда учрашгансиз?

Жавоб: Сайд Афанди билан бошқа ҳеч учрашмаганман.

Ушбу кўрсатма менинг сўзларим билан тўғри ёзилган, у билан танишиб чиқдим ва имзоладим (имзо А.Сулаймонов)

Терговни олиб борди: УГБ 4-бўлим бошлиғи ўринбосари, давлат хавфсизлиги катта майори (имзо)

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ
ИТТИФОҚИ НОМИДАН
Ҳ. У К М

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси
қўчма сессияси қўйидаги таркибда

Раислик қилувчи: Бригада ҳарбий юристи Алексеев

Аъзолари: Бригада ҳарбий юристи Зайцев ва 1-ранг ҳарбий юристи Болдирев

Котиблик қилувчи: 1-ранг ҳарбий юристи Батнер

Тошкент шаҳри, ёпиқ суд йиғилишида,

1938 йил 5 октябрь куни ЎзССР ЖК 58-, 64- ва 67-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланаётган СУЛАЙМОНОВ АБДУЛҲАМИД (Чўлпон), 1897 йилда туғилган, собиқ адабиётчи, ишини кўриб чиқди.

Дастлабки ва суд тергови натижасида аниқланишича, Сулаймонов 1918 йилда совет ҳокимиятига қарши кураш йўлини танлаган, кейин «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод» ва



«Миллий истиқол» антисовет миллатчилик ташкилотларида иштирок этган, сўнгра ЎзССР ҳудудида фаолият юргизган Совет Иттифоқига қарши буржуа миллатчилик қўзғолончи террористик ташкилотининг аъзоси бўлган ҳамда ВКП (б) ва совет ҳукумати раҳбарларига қарши курашда ушбу ташкилотнинг кураш усусларига яққол шерик бўлган.

(матнда узилиш...)

... ташкилот Фарғона водийсида босмачилар ҳаракатига бошчилик қилди, кейинчалик улар томонидан илмий ва таълим муассасаларида ҳамда адабиёт ходимлари орасида антисовет ташкилотининг яширин гуруҳлари тузилган, бундан ташқари, мафкуравий жабҳада аксилинқиlobий фаолият олиб борилган.

Сулаймоновни Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 58-, 64- ва 67-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топиб, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 128- ва 131-моддаларини ҳисобга олган ҳолда

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймоновичга олий даражадаги жиноий жазо қўлланиб отиб ўлдирилсин. Шахсан унга тегишли бўлган барча мол-мулк мусодара қилинсин.

СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1934 йил 1 декабрдаги фармони асосида чиқарилган ҳукм дарҳол ижро этилиши шарт.

Раҳбарлик қилувчи: имзо Алексеев

Аъзолар: имзо Зайцев

Имзо Болдирев

мутлақо маҳфий

МАЪЛУМОТНОМА

Сулаймонов Абдулҳамид Сулаймоновичнинг отуби ҳақидаги ҳукм Тошкент шаҳрида 1938 йил 4 октябрь куни ижро этилди. Ҳукмнинг ижроси тўғрисидаги далолатнома СССР МВД 1-махсус бўлим мининг маҳсус архивида 10-жилд, 531-рақамли варақда сақланмоқда.

СССР МВД 1-махсус бўлим 10-бўлими бошлиғи ўринбосари майор /Михалев/



ЧЎЛПОН ВА ЖАҲОН МАВЗУСИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЧИ ХАЙРУЛЛО ИСМАТУЛЛОНИНГ МЕРОСИДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАР



Профессор
Хайрулло Исматулло
(1937 – 2008)

Ўзбекистонда мудҳиши «Катта террор» бошланган 1937 йил 10 августдан 5 кун ўтиб – 16 августда Тошкентда шарқшунос олим оиласида бир ўғил дунёга келди. Унга Хайрулла деб исм қўйдилар. 1941 – 1945 йиллардаги урушда етим қолган бу бола яқин қариндошлари қўлида катта бўлди. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент чет тиллари институтида ўқиди. Бу олий ўқув юртини битиргач, 1961 йилда Тошкент давлат университетида (САГУ) Туркология факультетида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун илмий тадқиқот ишларини бошлаб юборади. Бу университетда 1964 – 1974 йилларда талабаларга дарс берган. Аммо у тез орада советларнинг қатағон тигига учрайди. 1974 йил 14 декабрда советларга қарши кураш ҳаракатида иштирок этганликда айбланиб қамоққа олинган. 1983 йил 29 декабря озод этилган. Тақдир тақозоси билан 1990 йили АҚШга қочиб кетади. Ўзга юртда Хайрулло Исматулло Ўзбекистон мустақиллиги, ҳалқимиз, ватанимиз тарихи, маданияти, қадриятлари, ривожланишининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақидаги илмий, публицистик гоялари, фикрлари билан Farb olamini taniishi shishimiz shunday yuz berган edi.

тиришдек хайрли ишнинг уддасидан чиқа олган миллатпарвар тадқиқотчи сифатида катта обрў-эътиборга эга бўлди. Аввалбоша АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетида талабаларга сабоқ бера бошлади. Кейинчалик Висконсин университетида Осиё тиллари ва маданиятлари бўлимида фаолият кўрсатди. Олимнинг 10 дан зиёд китоблари, юзлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалари ўзбек ва инглиз тилларида нашр юзини кўрди. Ўзбек ҳалқи тарихи ва адабиётини кенг ёритди. Айни вақтда, Ўрта Осиё учун аҳамияти бениҳоя катта бўлган ноёб манбаларни илмий истеъмолга киритди. Улардан айримларини келтиришимиз мумкин: «Самоучитель узбекского языка», «Ўзбекча-русча-тожикча сўзлашув», «Алишер Навоий ҳикматли сўзлари», икки жилдлик «Ўзбек тили», «Туркистан олимлари» ва «Ўзбекча-инглизча иборалар лугати» ва сўзлашув китоблари. Заҳматкаш илм соҳиби, ўзбек ҳалқининг садоқатли фарзанди Хайрулло Исматулло ўғли 2008 йил 24 августда 71 ёшида вафот этди, Висконсин штатининг Мэдисон шаҳрида мусулмонлар қабристонида дафн этилган. Бу инсон билан яқиндан танишишимиз шундай юз берган эди.

1995 йили АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университети таклифи билан илмий сафарда бўлганимда Нью-Йорк, Атлантик-Сити, Чикаго, Лас-Вегас, Лос-Анжелес шаҳарларида мозийгоҳларда, университетлар, илмий тадқиқот институтлари олимлари билан учрашувларда маъruzalар ўқиганимда, талабаларга машғулот ўтказганимда Ўзбекистон тарихининг долзарб, лекин ўрганилмаган мавзулари бўйича сухбатлар олиб борган эдим. Асли Андижондан Афғонистонга кетган,



сўнгра Афғонистон фожиалари туфайли АҚШга бориб қолган Индиана университети департамент мудири профессор Назиф Шаҳроний уйида бўлган учрашув чоғида Ўзбекистондан бориб қолган Индиана университети профессори, тилшунос, адабиётшунос, темуршунос, чўлпоншунос олим Хайрулло Исматулло, афғонистонлик профессорлар Фурғоний домла, Иноятулло Шаҳроний, Туркия, Қозогистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан келган профессорлар, докторантлар қатнашган эдилар. Бу издиҳомда ҳам тарихимизнинг ўрганилмай қолган, сохталашибирлигандар, тадқиқ этиш лозим бўлган мавзулари ҳақида дўстона фикр алмашувлар бўлган эди. Профессор Фурғоний сұхбатда: «Биз ҳозиргача ўз тарихимизни оврўпаликларнинг фикрига қараб битадиган бўлиб қолгандик, бу ўта салбий ҳолатдир. Оврўпаликлар фикрини олдин ўрганган маъқул, лекин уларнинг фикрига у қадар берилиб кетмаслик керак. Тўғри, оврўпаликлар биздан илгарилаб кетишган. Бизнинг ўтмиш тарихимиз эса аксарият араб, форс, рус тилида битилганки, уларни ҳамма тарихчи ҳам ўқий олмайди. Буни эътироф этмоғимиз лозим ва тарихни ёзишда ўша асл миллий манбаларга кўпроқ суюнмоғимиз керак», – деганди. Бу фикр ҳаммага маъқул тушган эди.

Профессор Хайрулло Исматулло Туркистон аввал подшо Россияси, сўнгра советлар мустамлакаси бўлгани учун чинакам, кўркам, бетакрор, ҳавас қилса арзидиган, ўзгалар ибрат оладиган чин тарихимизни яратиш мумкин бўлмаганди деб гап бошлаганди. Бу юртдошимиз тарихимиз ва ундаги кўплаб муаммолар, давлат, хукумат, илм-фан, дин арбобларимизнинг кўхна ва яқин тарихимиздаги буюк хизматларини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этишга советлар сиёсати ва мафкураси изн бермагани, аксинча, тарихимизни ҳар жиҳатдан камситишга уринганликларини алоҳида таъкидлаб ўтганди. Оқибатда қарийб 140 йил мобайнида миллий тарихчиларимиз ҳам мустабид марказ йўл-йўриғидан четга чиқа олмай, тарихимизни сохталашибирлишга мажбур

бўлганлар. Бу олим, айниқса, советлар салтнати даврида миллий арбобларимиз, олиму фузалоларимиз, шоибу ёзувчиларимиз, дину диёнат ахларимиз даҳшатли қатағон қурбонлари бўлганлигини ачиниб эслаганди. Айниқса, Ўрта Осиёдаги тараққийпарварлик, жадидчилик ҳаракати ва унинг буюк раҳнамолари, жумладан, Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг қатағон қилиниши, оқибатда миллий адабиётимизга мислсиз кучли зарбалар берилганини айтганди.



Ўнгда Хайрулло Исматулло, ўртада Фурғоний,
чапда Рустамбек Шамсутдинов

Профессор Назиф Шаҳроний асли андижонлик, муҳожир, Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган тарихнавис олим Мусо Тур-



Назиф Шаҳроний ва Рустамбек Шамсутдинов
Индиана университети Тарих бўлими магистрлари
 билан Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари
 бўйича сұхбат олиб бормоқдалар

кистонийнинг 2 жилдлик «Улуғ Туркистон фожиаси» асарида ҳам Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ва унинг етакчилари ҳақида бор ҳақиқат ёзилганини алоҳида таъкидлаб ўтган



эди. Назиф Шаҳроний хонадонида бўлиб ўтган бу мароқли сухбат, орадан чорак аср ўтибдики, ҳали-ҳамон ёдимда. Назиф Шаҳроний билан ҳозиргacha ўзаро илмий алоқадамиз. Асли андижонлик, советлар даврида Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1970 йиллар охирида Афғон-Совет воқеалари муносабати билан АҚШда паноҳ топган бу инсон университетимизга келиб маъruzalар ўқиди, талаба ва магистрлар билан семинар машғулотлари ўtkазди. Интернет орқали ҳамон мулоқот қилиб турамиз.

Совет мустамлакачилиги даврида қатағон қилинган ва АҚШдан паноҳ топган Ўзбекистон фарзанди Хайрулло Исматулло жадидчилик ҳаракатидаги буюк курашчи, шоир, ёзувчи, журналист Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширган. Бу ўринда унинг «ЧЎЛПОН ВА ЖАҲОН» асарини алоҳида таъкидлаш жоиздир. У бу асарни айни Индиана университетида ишлаётган вақтида ёзган. Бу асарда муаллиф Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси, 1921 йили қизил армия ва советларнинг Бухоро ҳукуматидаги миллий арбобларга қарши олиб борган курашлари, хужумлари, иғвор гарликларига бардош беролмасдан, душман қўлида ҳалок бўлишдан хавфсираб хорижга чиқиб кетишни маъқул топган ажойиб миллий арбоб Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг Чўлпоннинг хориждаги илк тадқиқотчиларидан бири эканлигини асослаб ёзган. Маълумки, 20-йилларда хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлганлар орасида 1921 – 1922 йилларда Бухоро жумҳурраиси бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Туркистон мухториятининг раиси этиб сайланган Мустафо Чўқай, 1918 йили Бошқирдистон Республикасининг президенти бўлган Закий Валидий Тўғонлар хорижга чиқиб кетганлар. Улар ташқарида туриб бўлса ҳам курашни давом эттириш, она юртини мустамлакачилардан озод этишни мақсад қилиб олганлар. Бу уч буюк сиймо ва бир гурух туркistonлик зиёлилар 1925 йили Истанбулда йиғилиш ўтказдилар.



Истанбулдаги ўзбек муҳожирларининг бир гуруҳи. Чапдан ўнгга: Мустафо Чўқай, Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Тик турганлар: Абдуқодир Ион, Мустафо Шахқулов. 1926 йил



Буюк ўзбек ёзувчиси, шоири, Чўлпоннинг садоқатли, матонатли шогирди Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек рафиқаси Зарифа Сайдносирова билан

Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1927 йили Истанбулда «Янги Туркистон» журналининг биринчи сонини нашрдан чиқаришга муваффақ бўлган. У мағкурасиз адабиёт бўлмаслиги, адабиёт мағкурасиз бўлса, жонсиз бўлишини айтган. Усмонхўжа Чўлпоннинг «Ҳалқ» ва «Зиёйи қамар» номли икки шеърини ўқувчи-



**Усмонхўжа Пўлатхўжа
ўғли – Бухоро Халқ
Совет Республикаси
Марказий Ижроия
Комитети раиси**

синда сўйладиги халқ унвонли шеърини дарж айладим. Токи Туркистон халқининг бу кунги ҳақиқий туйғуларина қорилар яқинидан ошно ўлсинлар».

Ойбекнинг «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1927 йил 17 май сонида эълон қилинган «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак» номли мақоласини эслаб Хайрулло Исматулло ёzáди: **«Деярли бир вақтнинг ўзида дунёнинг икки чеккасида икки иймонли мунаvvар – Усмонхўжа ва Ойбек буюк шоир Чўлпонга бир хил баҳо берганликларининг гувоҳи бўламиз».**¹

Бу шоирнинг хорижий дунёда чоп этилган биринчи асари ва унга берилган илк юксак баҳо ҳисобланади.

Хайрулло Исматуллонинг асарида Чўлпоннинг Францияда тарқатилган шеъри ҳақида ажойиб фикрлар келтирилган. Туркистон мухторияти раиси Мустафо Чўқай сиёсий курашнинг бирдан-бир тўғри йўли халқ оммасига ўз қарашларини етказиша, халқ билан мулоқот қилишда турли алоқа воситаларидан, айниқса, матбуотдан фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Шу боис Мустафо Чўқай 1929

¹ Хайрулло Исматулло. Чўлпон ва жаҳон. Изнанашлар, Топилдиқлар ва Тадқиқотлар. «Colpan ve Cehan: Izlanislar, Topildiqlar ve Tadqiqatlar» Xayrulla Ismatulla, Indiana Universiteti / «Colpan and world: Inquiries, Findings, and Research» by Khayrulla H. Ismatulla, Assistant Professor of Uzbek, and Research Assistant in the Department of Central Eurasian Studies of Indiana University-Bloomington, USA.

лар ҳукмига ҳавола этган. «Халқ» шоирнинг ўзбек тилида ёзилган энг машҳур шеърларидан бири бўлса, «Зиёйи қамар» усмонли турк тилига тақлид қилиб ёзилган бўлиб, ўша давр тил муаммосини ечиш учун муҳим саналган. Усмонхўжа Чўлпоннинг «Халқ» шеъри ҳақида шундай ёзган: «Бу даврнинг маҳсулларидан ўлан бир ганч (ёш) шоир умиду имон хусусинда сўйладиги халқ унвонли шеърини дарж айладим. Токи Туркистон халқининг бу кунги ҳақиқий туйғуларина қорилар яқинидан ошно ўлсинлар».

ЯПРОҚЛАР

Куз чоғи тупроқлар гезарib қолдилар...
Гезарib қолдилар куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар қизариб олдилар...
Қизариб олдилар сўнг дамда япроқлар.

Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар...
Билмадим кимларнинг қисмати узуулур.
Ёнғоқча ёпишиб, бир чангаль солдилар...
Билмадим кимларнинг умиди йўқ бўлур.

Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол тов(у)шингиз қирларда йўқ бўлсин!
Эй меним боғимдан мевамни терганлар,
У қора бошингиз ерларга кўмулсин!

Бу шеър «Фарғона» газетасининг 1923 йил 16 ноябрь кунги 119-сонида дунё юзини кўрган эди. Кейинчалик бу шеър «Хазон» номи остида берилган.

Хайрулло Исматулло асарида Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона», «Гўзал Туркистон» шеърлари чуқур таҳлил этилган, ўзбекистонлик айrim одамларнинг бу ҳақдаги фикрларига танқидий баҳо берилган.

Буюк Британия олимларидан Олав Кэроу ўзининг «Совет салтанати. Ўрта Осиё турклари ва сталинизм» номли китобида Чўлпон шахсияти ва ўзига хос ижодига алоҳида эътибор қаратган. «Чигатой мероси» бобида О.Кэроу шоир Чўлпонга алоҳида қисм ажратган, шоирнинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳусусида ўз мулоҳазаларини билдирган. Унингча, «Чигатой адабиёти» деб аталган мумтоз ўзбек адабиёти Алишер Навоий билан бошланиб, Чўлпон билан тугайди. О.Кэроу Чўлпон шеърларидан инглиз тилида мисол келтириди ва уни таҳтил қиласди. «Чўлпон 1926 йилгача миллий руҳда шеърлар ёзган. Шоирнинг илк асарларини ҳозир топиб



бўлмаса керак», – деган О.Кэроу афсусланиб. Чўлпоннинг илк шеърларини топиб ўқиш ва талабаларга ўқитиш орзуси фақат қирқ йилдан кейин рўёбга чиқадиган бўлди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Германияда «**Миллий Туркистон**» номли журнал (араб ҳамда лотин ҳарфларига асосланган ўзбек ва инглиз тилларида) фаолият кўрсата бошлаган. Бу журнал ҳам Туркистон миллий адабиётини тарғиб этишга алоҳида аҳамият берган.

Хайрулло Исматулло Чўлпон шеърияти ҳақида мана бу мисраларни битган: «**20-йилларда Туркистонда Чўлпоннинг олдига тушадиган, Чўлпондан ўтказиб шеър ёза оладиган шоир йўқ эди, озодлик ғоясини, ҳурриятни Чўлпончалик бадиий бўёқларда акс эттира оладиган шоир туғилмаганди.** Ўша даврга оид тарихий адабиётлар шуни кўрсатадики, Мустафо Чўқай билан Чўлпон йўли бир бўлган, бир эркпарвар демократ сиёsat майдонида Туркистон мустақиллиги учун курашган бўлса, иккинчи буюқ мунаvvаримиз ўз бадиий асарлари билан ҳурриятни куйлаган. Тўғри йўлни танлаган. Ҳақ ўйлидан борган, оддий халқ гами билан яшаган икки буюқ инсон бир ғоянинг, бир курашнинг икки кўриниши эдилар. Ўша даврдаги Мустафо Чўқай руҳига Чўлпон руҳи мос тушарди».¹

Хайрулло Исматулло китобида Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон», «Гўзал Фаргона» шеърлари хорижда турлича талқин этилганини шарҳлаб, ҳар икки шеърнинг аслини келтирган:

Гўзал Туркистон

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,
Ҳаммаси маҳзун. Бўлмасми дил шод?
Билмам, нечун қушлар учмас боғчаларингда?

Бирлигимизнинг қўзғалмас тоғи,
Умидимизнинг сўнмас чироғи.
Бирлаш, эй халқим, келгандир чоғи,
Безансин энди Туркистон боғи.
Қўзғал, халқим, етар шунча жабру жафолар!

¹ Кўрсатилган асар. – Б.232.

Ол байробингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин!
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон қаддин кўтарсан.

Яйраб, яшнаб ўз ватанинг гул боғларингда.

Гўзал Фаргона

Эй гўзал Фаргона, қонли кўйлагингдан айланай,
Тарқалиб кетган қора, ваҳший сочингга боғланай.
Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни босмиштири
қамиш,
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш.

Кенг чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,
Бир қора парда босибdir тупроғингнинг устини.
Кўзларинг сўлган, ўлик руҳинг билан боқдинг менга,
Кутулишнинг юлдузи асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тогларинг нега тўсолмас ёв йўлин?
Йўқмидир ўткур қилич кесмакка ёвларнинг кўлин?
Биз бутун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун,
Бул қадар қонлар тўклиди, ул даҳидир сен учун.

Ийғлама, юртим, агарчи бул кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда баҳтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Бу ҳар икки шеърни таҳдил этиб Хайрулло Исматулло «Гўзал Фаргона» шеърининг Тоҳир Чифатой қаламига мансуб «Туркистонда туркчилик ва халқчилик» китобидан кўчириб олинган ҳамда фарғоналик (андижонлик – Р.Ш.) ёзувчи Восит Саъдулла сақлаб келган нусхалари газета-журналларда босиб чиқарилган, бу икки нашрия филология фанлари доктори (ҳозирда академик – Р.Ш.) Наим Каримов ва (доцент – Р.Ш.) С.Жалилов амалга оширганлар, ҳар икки нашрда ҳам бир қатор чалкашлик, хатоларга йўл қўйилган, Н.Каримов нашрида шеърдаги айрим сўзлар атайлаб бошқа сўзлар билан ўзгартириб кўйилган деб ёзади. Масалан, Чўлпон шеърининг иккинчи ва учинчи сатрида «ваҳший» сўзи ишлатилган («ваҳший сочингга боғланай», «ваҳший бир ўрмон каби»). Н.Каримов нашрида булар иккинчи сатрда яхши сўзи билан, учинчи сатрда яхни сўзи билан алмаштирилган, натижада ажойиб бир шеърга ямоқ тушган:



Тарқалиб кетган қора, яхши (?) сочингга боғланай.

Яъни (?) бир ўрмон каби бағрингни босмишдир қамиш.

Бу сўзлар худди шоҳи кийимга ёпиштирилган бўз ямоқни эслатиб турибди. Бу ўзгартиришни Восит Саъдулла қилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки у киши ваҳший бир замонда (1942 йили) ҳибсга ташланган, ваҳшийликни ўз бошидан ўтказгани учун ҳам ҳар эҳтимолга қарши Чўлпон шеъридаги ваҳший калимасини бошқа юмшоқроқ сўз билан алмаштиришни лозим топган кўринади.

20-йилларнинг охирида Туркияда ҳам Чўлпоннинг айрим шеърлари журналларда нашр этилгани ҳақида маълумотлар бор. Бироқ бу журналлар кам нусхада босилгани ҳамда чет мамлакатларга тарқатилмаганлиги сабабли бу кунларгача етиб келмаган.

ОЛМОНИЯДАГИ ЧЎЛПОНШУНОСЛИК

Профессор Хайрулло Исматулло «Олмон чўлпоншунослари» орасидаги тадқиқодчилардан биринчиси сифатида профессор Йоханнес Бензингни кўрсатган.

Бу олим «Туркистон» номли китобида Фитрат ва Жулқунбой билан бир қаторда Чўлпон ижодини тўғри баҳолаган ҳамда унинг асарлари аҳамиятини кўрсатиб берган.¹ Унинг биринчи бор Чўлпон ижодига батафсилроқ тўхталиб ўтган асари «Ўзбек ва янги уйғур адабиёти» номли китобидир. Бу олмон олими Чўлпоннинг «Тонг сирлари» тўпламига кирган шеърларини ҳамда «Ёрқиной», «Халил фаранг», «Муштумзўр», «Чўрининг исёни» (Й.Бензинг бу асарни олмон тилига хато равишда «Жўранинг исёни» деб нотўғри таржима қилган – Х.И.), «Ўртоқ Қаршибоев» каби асарлари ҳақида фикрлар баён қилган.

Профессор Й.Бензинг Чўлпоннинг ана шу шеърларидан айримларини олмон тилига таржима қилган. Бу олим Чўлпоннинг «Турмушми бу?» номли шеърини таҳлил қилиб, ундан парча келтирган. Шеърни олмон тилига таржима қилгани ва шу орқали советларнинг ўша даврдаги мустамлакачилик сиёсатига қарши ўз муносабатини билдирганини исботлашга интилган:

Эскисин қўймоқ, янгисин олмоқ,
Ёзиқсизларни ўтга солмоқ
Янги турмушга чиқмоқлиқмидир,
Эскиликларни йиқмоқлиқмидир?²

Маълумки, Чўлпон 1937 йилда Самарқандда ўзининг «Туш» исмли нашр этилмаган шеърини халқа етказиш ҳаракатида бўлган. Унингча, совет ҳокимияти бир туш даражасида бўлган.

Олмон олими Й.Бензинг чоп этган «Турмушми бу?» тўртлиги Боймирза Ҳайит эслатиб ўтган «Туш» шеърининг бир бўлаги бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Зукко олим Хайрулло Исматулло таъкидлаганидек, йўқсуллар инқилобидан кейин эскиликка қарши кураш ниқоби остида Туркистон халқининг ўзига хос ҳаёт тарзига қарши ваҳшийларча курашган шўроларга қаратилган бу шеър ҳам сўнгги йилларда чоп этилган шоир тўпламларига киритилмаган. 2016 йили «Академнашр»да чоп этилган Чўлпоннинг тўрт жилдлик «Асарлар» тўпламига ҳам «Туш» шеъри киритилмай қолган. Ўз даврида марҳум Хайрулло Исматулло Чўлпоннинг «Туш» шеърини Чўлпонни таниган, унинг муҳлиси бўлган туркистонлик муనавварлар архивларидан ахтаришимизга тўғри келади деб ёзган эди. Афсуски, «Туш» шеъри ҳозиргача топилгани йўқ.

¹ Бензинг Й. Ўзбек ва янги уйғур адабиёти // Турк филологияси асослари. Тўплам. 2-жилд. – Висбаден, 1965. – 709 б.

² Бензинг Й. Ўзбек ва янги уйғур адабиёти // Турк филологияси асослари. Тўплам. 2-жилд. – Висбаден, 1965. – 709 б.



ДОКТОР БОЙМИРЗА ҲАЙИТ АСАРЛАРИДА ЧҮЛПОН



Доктор
Боймирза Ҳайит
(1917 – 2006)

Бу инсон 1917 йили ҳозирги Наманган вилояти Уйчи туманида туғилган, касби халқ маорифчиси, уруш бошланиши арафасида Жалолобод қурортида дам олаётган вақтда армия сафига чақирилган, фашистлар Германиясига қарши урушда иштирок этган, жанглардан бирида асир тушган, бошқалар қатори у ҳам советларга қарши «Туркистан легиони» сафида бўлган. Уруш тугагач, Олмонияда яшаб қолган, асосий меҳнат фаолияти Туркистан тарихининг долзарб масалаларини тадқиқ этишга бағишиланган. Советлар томонидан «босмачилик» деб номланган миллий озодлик ҳаракати тарихига, XX асрдаги Ўрта Осиё республикалари тарихига бағишиланган ўнлаб китоблар, 100 дан ортиқ илмий рисолалар, 400 дан зиёд мақолалар муаллифи. Бу ватандошимизнинг Туркистандаги озодлик курашчилари бўлган Мустафо Чўқай, Чўлпон, Фитрат каби шахслар ҳаёти ва фаолиятига бағишилаб ёзилган асарлари нафакат тарих, балки ғоявий кураш нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга экани жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилган. Би-Би-Си Марказий Осиё ва Кавказ хизмати раҳбари Ҳамид Исмоил шундай дейди: «**Боймирза Ҳайит мустақиллик ғоясини илгари сурган, совет истибдодидан қутулиш йўлларини ўрганганд, таҳлил этган йирик мутафаккирдир.**» ССР даврида унинг асарлари тақиқланган, унга ва асарларига қарши кўплаб мақолалар эълон қилинган. Ўзбекистон тарихи, умуман, Ўрта Осиё тарихининг XIX – XX аср даври бўйича номзодлик, докторлик диссертацияла-

рини ҳимоя қилган тадқиқотчилар, Москва, Тошкент, Олма-ота, Бишкек, Душанбе, Ашхабодда нашр этилган кўплаб монографиялар, китоблар муаллифлари ўз асарларида Боймирза Ҳайит асарларини буржуача, советларга қарши руҳда, антикоммунистик оҳангда деб кўрсатгандар. Бу ажойиб муаррих шаънига кўплаб асоссиз хуружлар қилинган. Доктор Боймирза Ҳайит Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йил августида биринчи ва охирги марта ватанини зиёрат этиш учун Ўзбекистонга келган. Ўшанда бу олим ўз ҳамроҳлари билан бирга академик Аҳмадали Асқаров бошлигигида биз яшаб турган Андижон шаҳри Пахтаобод кўчаси 49-йида меҳмон бўлган. Ўзбекча, андижонча удум билан бу табаррук инсонга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган. Эсимда, 24 август куни дам олиш бўлишига қарамай, биз хизмат қилаётган Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасига Боймирза Ҳайит, унинг рафиқаси Рут хоним туркиялик кузатувчилар билан бирга ташриф буюришган. Биринчи қаватдан иккинчи қаватга ўтиш орасида «Истиқололинг абадий бўлсин, жон Ўзбекистон» номли катта стенд бўлиб, унинг бир томонида буюк Амир Темур, иккинчи томонида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов портрети турган эди. Бу табаррук меҳмон стендни томоша қилаётганда Президент суратини кўрсатиб ҳаммага қаратса: «Бу инсон Ўзбекистон халқи тарихида абадулабад қолди. У мустақилликни эълон қилган зот сифатида тарихимизга муҳрланиб қолди», – деб айтгани ҳали-ҳамон ёдимда. Кафедрага кириш олдидаги коридорда «Тарихимизнинг долзарб масалалари» мавзууда стендга кўзи тушган Боймирза Ҳайит турмуш ўртоғи Рут хонимга ва кузатувчиларга ўзида ийқ хурсанд бўлиб шундай деганди: «Мана,



истиқлол туфайли менинг асарларимни Ватанимдаги университет талабалари ўқимоқдалар, совет даврида эса бизнинг китобларимизга қарши маломат тошлари отилган эди». Ўша стендда Боймирза Ҳайитнинг сурати ва «Мулоқот» журналида эълон қилинган бизнинг мақоламиз ҳам қўйилган эди. Ўша куни меҳмонлар профессор Мухторхон Эшонхўжаевнинг хонадонидага ҳам бўлган. Кечки ўтириш бизнинг хонадонимизда бўлган. Ўша куни кечаси Аҳмадали Асқаров ва мен машиналар ташкил этиб, Уйчига борганмиз, Олмониядан келган бу азиз меҳмонлар ўзи туғилиб ўсган маҳалла ва хонадонда бўлганида бутун атрофдаги аҳоли уларни катта қувонч билан кутиб олган эдилар. 1995 йили академик Аҳмадали Асқаров ва мен Анқарага самолётда учдик. Туркия Республикаси тарихчи олимлари ташаббуси билан кўп жилдлик «Туркий дунё халқлари тарихини яратиш» бўйича халқаро конгрессни чақириш учун ташкилий қўмита аъзоларининг йиғилишида иштирок этиш бизга насиб қилди. Шунда яна бир бор доктор Боймирза Ҳайит билан учрашиб суҳбат қилиш имконига эга бўлдим. Ўша йил сентябррида конгресс Анқарада ўтказилди. Биз «Буюк Бобурийлар салтанати тарихига доир», «Ўрта Осиёда советлар босқинига қарши истиқлолчилик кураши» мавзууда илмий ахборотлар берганмиз. Бу ҳақда Туркиядаги «Хуррият» газетаси қатор хабарлар эълон қилган эди.

1996 йили турмуш ўртоғим Фотимахон билан биргаликда Олмониянинг Баден-Баден санаториясида дам олаётганимизда бизни доктор Боймирза Ҳайит ва Рут хоним ўzlари яшаб турган Кёлн шаҳрига меҳмонга таклиф этишди. Биз поездда Кёлнга келдик. Вокзалда Боймирза Ҳайит ўз машинаси билан бизни кутиб олди. Ўйда тушлик қилганимиздан сўнг Боймирза Ҳайит иккимиз шаҳар боғида сайр қилдик. Кўп масалалар бўйича суҳбат қурдик. Улардан бирда ҳамюртимиз Абдулҳамид Чўлпон ҳақида гап кетганди. Суҳбатдошим ўзининг илмий фаолиятида советлар даврида қатағонда ҳалок бўлган жадид шоирлар ҳақида, хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар тақдери ҳақида рисо-

лалар эълон қилганини эслаб ўтди. Шунда мен Чўлпон тақдери фожиали кечганлиги ҳақида айрим фикрларни айтганман. Улардан бири ССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилиши қарори билан 1938 йил 4 – 15 октябрь кунлари Тошкентда 400 га яқин ўзбекистонлик зиёлилар, раҳбар ходимлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар отиб юборилгани ҳақида эди. Шунда Боймирза Ҳайит Абдулҳамид Чўлпоннинг қатл этилиши ҳақида тамомила янги бир тарихий фактни эслаб ўтган. Отув навбати Чўлпонга келганида отиш билан шуғулла наётган ходимнинг милтиғида ўқ тугаб қолган бўлади. Шунда отиш ўрнига асли Ленинбоднинг Хўжанд шаҳридан бўлган, миллати тожик маҳбус қўлига болта берилиб, Чўлпонни чопиб ташлаш ҳақида буйруқ берилади. Бунинг учун маҳбуснинг жинояти енгиллаштирилиши вадда қилинади. Оқибатда маҳбус қўлидаги болта билан Чўлпонни ўлдиришга мажбур бўлади. Бу маҳбус кейинчалик Иккинчи жаҳон уруши даврида ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар қатори душманга қарши жанг олиб бориш учун фронтга олинган, фашистларга қарши жанг олиб боришга сафарбар этилган. Кўпчилик қатори асир тушган. Кейинчалик асирлиқдан халос бўлиб Кёлн шаҳрида яшаётган бўлган. Шунда Боймирза Ҳайитга ўша одам билан учрашишимиз зарурлигини айтдим. У менинг илтимосимга кўра суриштирув ишлари олиб борди, бироқ ўша одам Кёлнда эмас, бошқа бир жойда экан. Сафаримиз қисқа бўлганлиги туфайли ўша одам билан учрашиш имконига эга бўлмадик.

Доктор Боймирза Ҳайитнинг Чўлпон ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари эълон қилинган мақолалари ҳақида Хайрулло Исматулло «Чўлпон ва жаҳон: изланишлар, топилдиқлар ва тадқиқотлар» номли асарида тўхталиб ўтган. Ўша асардан айрим саҳифаларни келтиришни лозим билдик.

50-йиллардан бошлаб Олмония шарқшунослигига янги бир ном пайдо бўлди. Бу 1950 йили Қўйкон хонлиги ва Алаш Ўрда тарихидан диссертация ёқлаган доктор Боймирза Ҳайит эди. Олмонияда Чўлпон фаолияти ва асарларини



кенг кўламда ўрганиш унинг номи билан боғлиқдир. Бу тарихчининг «Туркистон XX асрда», «Туркистонда рус-совет мустамлакачилиги ва империализми» ҳамда «Туркистон Россия ва Хитой ўртасида» каби китобларида, шунингдек, «Хозирги замон Туркистон адабиётининг баъзи масалалари», «Ёш ўзбек адабиёти» каби мақолаларида Чўлпон фаолиятининг, ижодининг маълум қирралари ёритилган.

Боймирза Ҳайит «Туркистонда ўлдирилган туркий шоирлар. Мазлум туркларнинг ҳаётидан парчалар» номли китобида Чўлпоннинг ҳаёти ва фожиасига оид маълумотлар билан бир қаторда шоирнинг «Ҳаёл», «Халқ», «Виждон эрки», «Кураш», «Ўзбек қизига», «Гўзал Фарғона», «Муҳит кучли экан» ҳамда «Бас энди» шеърлари хусусида фикр юритган.

Ҳатто «Большая Советская Энциклопедия»-нинг 1934 йилги нашрида (61-том, 684-бет) «Чўлпон ўзбек шеърида янгилик яратган шоирдир» деб ёзилганини Боймирза Ҳайит келтириб ўтган. Домла бу ишини ушбу сўзлар билан якунлайди:

«Шоир ҳаётининг сўнгига қадар ўз йўлидан воз кечмагандир. У янги замон Туркистон адабиётининг буюк сиймосидир. Советлар Чўлпоннинг моддий борлиғидан қутулдилар, лекин ҳануз унинг руҳидан қутула олмадилар».

Чўлпон ҳақидаги асосий фикрларини, шоир асарлари таҳлилини Боймирза Ҳайит ўзининг «Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон» номли ишида кенг ёритган. Б.Ҳайитнинг мазқур иши унинг 1964 йили Ҳиндистон пойтахти Дехлида ўтказилган Шарқшуносларнинг халқаро XVI йигилишида ўқилган маърузаси асосини ташкил этган. Бу иш бир қатор хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп этилган. Бу илмий тадқиқот ўзбек ва инглиз тилида чиқаётган «Миллий Туркистон»нинг 1964 йил 102-А сони саҳифаларида ҳам босилган.

Б.Ҳайит адабнинг ижоди ҳақида шундай ёзган: «Чўлпоннинг адабий фаолияти 1917 йилда «Халил фаранг» номли саҳна асари билан бошланган. 1920 йилда унинг 6 кўринишили «Ёрқиной» саҳна асари майдон-

га чиқди ва бу 1926 йилда қайтадан нашр этилди. 1920 йилларда унинг «Узун қулоқ бобо», «Замона хотини», «Муштумзур», «Ўртоқ Қаршибоев», «Жўранинг исёни» (?) ва «Ҳужум» каби саҳна асарлари афкори умумиятнинг диққат эътиборини қозонди. Бу асарларнинг барчаси унинг қобилияти учун буюк бир шаҳодатнома бўлиб ҳисобланади».¹

Ўз мақоласида Боймиза Ҳайит бутун эътиборини Чўлпон шеърларига қаратди. Унинг фикрича, «Чўлпоннинг биринчи шеърлари ўз ўқувчиларининг диққатини қозона олган эди. Ҳамма ундан келажакнинг Чўлпони сифатида умид қилмоққа бошлаган эди».²

Боймирза Ҳайит Чўлпоннинг илк уч тўпламидан жой олган шеърларини шундай баҳолаган: «Чўлпоннинг инсонлар қалбини ларзага келтирган, туркистонликлардаги миллий туйғунинг дил ифодаси бўлган «Уйғониш» (1924), «Булоқлар» (1925) ва «Тонг сирлари» каби шеърлар тўплами уни ҳеч вақт адабиёт тарихидан ўчириб бўлмайдиган бир сиймо ҳолига келтирди. Балки, Чўлпон ўз вақтида ўз ижодининг юксак погонасига етган бўлуви мумкин».

«Кеча ва кундуз» романи 1931 йилда эмас, балки 1936 йилда китоб ҳолида нашр этилди. Учинчидан, 1931 йилдан сўнг Чўлпоннинг тўртинчи шеърлар тўплами – «Соз» 1935 или ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан нашр этилган, яна шоир «Жўр» номли шеърлар тўпламини тайёрлаб, нашриётга топширган бўлган.

1936 йил ҳам Чўлпон ижодида сермаҳсул йил бўлган. Биринчи романи нашр этилиши билан бирга «Бу ўлканинг кўклами» («Гулистон» журнали, 1936 й. 5-сон), «Яхши бор, устоз» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1936 й. 26 июнь), «Булбул ва гул», «Банди» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1936 й. 12 декабрь) каби шеърлари матбуотда ўша йили босилиб чиқкан.

¹ Кўчирмалар «Миллий Туркистон» – МТда қандай берилган бўлса, шундайligicha, ўзгартиришсиз олинди.

² Б.Ҳайит. Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон (немис тилида) // Ислом дунёси. 1964. IX жилд. 1 – 4-сонлар.



Шоир Чўлпоннинг шеърларини бадиий жиҳатдан таҳлил этиш муаррих Б.Ҳайит вазифасига кирмаган. У тарихчи бўлгани учун ҳам шоирнинг ижтимоий фаолиятига кўпроқ эътибор қаратган. Чўлпоннинг роман ва ҳикоялари ҳақида Б.Ҳайит ҳеч бир фикр баён этмаган. Чўлпоннинг сажиясига оид бирор жиддий тадқиқот яратилмаган, эсдаликлар ёзилмаган. Бунинг сабаби шуки, Чўлпон билан суҳбатлашиш баҳтига мусассар бўлганларнинг баъзилари ҳозирда ҳам ҳаёт, аммо бу шахслар хотира қолдирмаётирлар. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Чўлпон ҳақида ўз хотираларини маълум қилишдан ҳадиксирашлар мавжуд. Маълум тоифадаги шахслар борки, бу кимсалар билган-билмаганларини «тегишли жойлар»га ўз вақтида ёзиб топширишган. Ҳозир мустақиллик даврида эса рост гапларни ёзишдан кўрқадилар.

Боймирза Ҳайит Чўлпонга оид хислатлар, қизиқ маълумотларга эга. Буюк муаррих шундай ёзган: «Чўлпон сезгир, чуқур ўйловчи, кўп сўзламайдиган, жасоратли, ҳар томонга қараб талпина бермайдиган, камтар, қўрқмасдан ижод этувчи шоир эди. Унинг дунёси ўз ҳалқи эди... У ҳуррият шоири эди. У ўз ҳалқи билан бирга эди. Шунингдек, у ўз ҳалқи дардининг садоси ҳам эди. Бундай хусусиятлар уни ўз ҳалқининг туйғулари учун таржимон сифатида майдонга чиқарар эди».¹

Хайрулло Исматуллонинг фикрича, ҳозиргача Чўлпоннинг туфма қобилиятига оид бирор жиддий тадқиқот яратилмаган, эсдаликлар ёзилмаган, адаб билан суҳбатлашишга мусассар бўлганларнинг айримлари ҳали ҳам барҳаёт бўлсалар-да, улар хотира қолдирмаётгани, бунинг сабабларидан бири ҳайиқиш экани, бирор кор-ҳол бўлишидан ҳадиксираш мавжудлигини таъкидлаб шундай хulosага келган: «Чўлпонни яхши билган, таниган, суҳбатлашган иккинчи тоифа кимсалар борки, улар шоир

ҳақида билган-билмаганларини «тегишли жойлар»га ўз вақтида ёзиб топширган кўрина дилар. Шу боисдан ҳам энди мустақиллик даврида рост гапларни ёзишдан кўрқсалар керак». Энг муҳими, Б.Ҳайит Чўлпон ижодига жуда тўғри баҳо бера олгани, советлар уюштирган хуружларга қарши курашиб келган ғарб олимларининг сардори бўлгани эътироф этилган. Ўзбекистоннинг академик адабиётшунослари буюк Чўлпонни ҳимоя қила олмаган бир пайтда муҳожирлиқдаги ватандошимиз Боймирза Ҳайит Чўлпоннинг буюклигини мардонавор исботлаб келган.

Хайрулло Исматулло бу ўринда шундай ёzáди: «**Ман этилган мунавварларимиз, улугларимиз ҳақида қанчалик кўп ёзса, Б.Ҳайит шўролардан шунчалик гап эшитди. Уни қоралаб, чапланмаган бўёқ шўро ташвиқоти захирасида қолмади. Унда Ўрта Осиё республикалари, қадимги Туркистон озод бўлган, мустақилликни қўлга киритган бир кунда энди бу заҳматкашга оддийгина «Раҳмат!» дейдиган вақт келмаганмикин?! Қачонгacha дунёга танилган бу олимимизнинг номи бошлиқчаларнинг қора рўйхатидан ўрин олиб туради?!**»

Юртдошимиз Хайрулло Исматулло Чўлпон ижоди дарсликларда ҳам ўз жойини топиши 1945 йилданоқ бошланганини қайд этган. Олмониялик машҳур шарқшунос оима Аннимари фон Габэн 1945 йили, гарчи ватан урушида енгилаётган бўлса-да, Лейпциг ва Вена шаҳарларида ўзининг «Ўзбек тили грамматикаси» дарслик китобини чоп эттирганди. Ўша дарслиқда Чўлпон ва бошқа миллий ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланган. Айни вақтда, машҳур ўзбек ёзувчилари асарларидан намуналарни ўз китобида илова тариқасида ҳам келтирган. Унинг ўзбек тили дарсликлирида Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида суҳбатлари ҳам ўрин олган. Ўша дарсликнинг иккинчи жилдида Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақида «Буюк инсон ҳар куни туғилмайди», «Кишин кийма, бўйин эгма», «Пахтажон, пахта» каби матнлар, Чўлпон асарларидан парчалар берилган.

¹ Б.Ҳайит. Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон (немис тилида) // Ислом дунёси. 1964. IX жилд. 1 – 4-сонлар; Доктор Боймирза Ҳайит. Қадири ва Чўлпан – две фигуры новой узбекской литературы Туркестана // Звезда Востока. 1992. №4. – С.198 – 204.



АМЕРИКАДА ЧҮЛПОНШУНОСЛИК

Муҳожирликдаги ўзбек олими Хайрулло Исматулло ўз асарида Америкадаги чўлпоншунослик масалаларини ҳам келтириб ўтган. XX аср 50-йилларида АҚШнинг Колумбия университети чўлпоншунослик марказига айлангани, бунда Эдвард А. Оллвортнинг хизмати катталиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Профессор Эдвард «Ўзбек адабий сиёсати», «Замонавий ўзбеклар», «Ўрта Осиё: бир аср рус зулми остида», «Билим ўчоги» каби асарларида Чўлпон ижодининг айрим қирраларига катта эътибор бергани баён этилган.



Эдвард Оллворт ва Темурхўжа ўғли.
2016 йил 31 марта. БМТнинг
Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида

Бу олим Чўлпоннинг жадидчилик жабҳасидаги ва журналистика соҳасидаги фаолиятини тадқиқ этган. Унингча, жадидларнинг газетаси «Садойи Туркистон» атрофига Ўрта Осиёдаги Чўлпонга ўхшаш энг машҳур мутафаккирлар ва сардорлар йигилган.¹ Бу ўринда Оллвортнинг мана бу фикрларини эслаш жоиздир: «**Ёзувчи Абулҳамид Чўлпон руслаштириш ёки советлаштиришга қарши ёзилган ўзининг «Бузилган ўлкага» каби шеърий фарёдини бостириб чиқарганида коммунистик тузум**

¹ Э.Оллворт. Замонавий ўзбеклар. – Б.1795.

малайлари ғазабини бир неча бор қайнатди ҳамда Ўрта Осиёдаги пролетар адабиёти кўриқчи халфалари бўлмиш кимсаларнинг сабр косасини тўлдириди».²

Э.Оллворт 1956 йилдан сўнг Абдулла Қодирининг оқланиши жуда яхши бўлгани, бироқ Чўлпон, Фитрат ва бошқа ноҳақ қораланган, таҳқир этилган мунавварлар хурмат-эътиборининг ўз вақтида тикланмаганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини таъкидлаган. У шундай ёзган: «Доктор Султонов ва унинг сафдошлари амалга оширган чала, номукаммал ишлар туфайли кўп саволлар жавобсиз қолди. Фитрат ва Чўлпон каби миллий сиймоларга нисбатан адолат ўз вақтида тикланмади».³

Тошкентда чиқаётган «Билим ўчоги» журнали тарихига бағишлиланган ишида профессор Э.Оллворт Чўлпоннинг машҳур «Бузилган ўлкага» шеърини таҳлил қилган.

«Замонавий ўзбеклар» китобида Чўлпон ва унинг атроф-муҳити тўғрисида фикр юритиб шундай ёзади: «Чўлпон ва унинг атрофидағи инқилобий руҳдаги шоир ва ёзувчилар (ўз асарларида) мутлақо ўзгача тароватга эга тил, услугуб, оҳанг, руҳ ва мазмун намойиш этиб эдилар». Бу ҳақда Хайрулло Исматулло: «Э.Оллворт домланинг бу фикрлари айрим академик китобларда Чўлпонга берилган таъриф-тавсифлардан ўзининг тўғрилиги, холислиги, одиллиги, масалага ҳалол ёндашиши билан ажralиб туради», – деб муносабат билдиран.

Ўзбекистон бўйича мутахассис, ўзбек тилини яхши эгаллаган АҚШдаги тадқиқотчилардан бири Жон Соупер 1987 йил 14 майда чоп этилган «**Икки ман этилган ўзбек ёзувчилари асарлари қайта нашр этилди**» номли мақоласида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пленумидаги Фитрат ва Чўлпон асарларини ўрганиш ва нашр этишга бағишлиланган масала-

² Хайрулло Исматулло. Кўрсатилган асар. – Б.247.

³ Э.Оллворт. Адабиётнинг йўналиши. – Б.390.



ларни ёритган, Темур Пўлат, Эркин Каримов, Аҳмад Алиев ва Озод Шарофиддиновларнинг Чўлпон ва Фитрат асарларини нашр этишга оид чиқишиларига ўз муносабатини билдирган. Озод Шарофиддиновнинг мана бу фикрларини олқишилаган ва ўз асарларида келтириб ўтган: «Чўлпонга баҳт қулиб боқмади, у оқланди-ю, бироқ шу он яна қайтадан зинданга ташланди. Ўша даврдаги ҳукмдор раҳбарларимиз, жонажон Марказқўмдаги доно ишбошилар гўё Чўлпонни тирилтириб, яна ўлдирдилар-у, шоша-пиша гўрга тиқдилар. Чўлпон янги зинданда яна зо йил ётишга мажбур бўлди. Бундай даҳшатли адолатсизликни халқа тушунтирум оқ керак эди. Шунда катталаримиз изоҳ беришди: Чўлпон шоир сифатида оқлангани йўқ, у фақат фуқаро сифатида оқланди. Бу изоҳдаги ўта мантиқсизликни бир қарашдаёқ илғаб олиш қийин эмас, ахир шоир одамнинг қайси қисми шоир-у, қайси қисми фуқаро бўлади? Лекин раҳбар одам ҳамма вақт ҳам мантиққа ошно бўлиши шарт эмас».¹

Жон Соупер мақоласида бу борада қўйидагича муносабат билдиради: «Қандай қилиб бир инсонни икки бўлакка бўлиш мумкин: бир қисми унинг гражданлиги ва иккинчи қисми унинг санъати деб? Баҳтга қарши, ўша вақтларда мана шундай гайриинсоний мантиққа қарши ҳукм чиқариш мумкин эди».

Жон Соупер ўзининг «Ўзбек ёзувчилари нинг тўла оқланиши (реабилитацияси) эҳтиёткорлик билан маъқулланди» номли мақоласида икки ёзувчи – Чўлпон ва Фитрат асарлари нашрига оид фикрларини келтирган. Фитрат ва Чўлпон ижодини жадидчилиқдан алоҳида олиб тадқиқ этиш қийинлигини таъкидлаган.

1988 йил февралидан «Шарқ юлдози»да Чўлпоннинг «Кечава кундуз» романи чоп этила бошланди. Ўзбекистонда «Саодат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдози» ва бошқа матбуот органларида чоп этилган Чўлпон ва Фитрат асарлари ҳақида Ж.Соупер: «Ўзбек қатли ом қурбонлари Чўлпон ва Фитрат асарлари, ниҳоят, қайта нашр этилди», – деб ёзганди.

Ж.Соупер Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н.А.Муҳиддинов даврида қатли ом этилгандарни оқлаш, уларнинг асарларини қайта босиб чиқариш ишлари яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ж.Соупернинг аниқлашича, Ш.Рашидовнинг вафотидан бир йил ўтгач Чўлпон ва Фитрат асарларини нашр этиш масаласида туб ўзгаришлар юз берган.

Ж.Соупер ўзбекистонлик айrim адабиётшунос олимларнинг Чўлпон ва Фитрат ҳақидаги баъзи бир фикрларидан қаноатланмаган. Профессор Хайрулло Исматулло бу борада шундай ёзади: «Ж.Соупернинг ўйлашича, сталинизм даҳшати ҳаммаёқни қоплаб олаётган бир даврда совет ҳокимияти тушунчаси қандай қилиб бу икки буюк ёзувчи эътиборини ўзига тортганигини ва шунинг натижасида ёзувчилар ўз хатоларини тушуниб етганликларини Б.Назаров ишонарли изоҳлаб бермаган».

На Чўлпон, на Фитрат «хато қилган эканман» деб юракдан ҳеч вақт тан олмаган. Фақат маълум «қизил» сатрларни ёзишга мажбур бўлганлар, тўғрироғи, мажбур этилганлар.

¹ Қаранг: Шарофиддинов О. Чўлпон ҳаракатга чорлайди //
Халқ сўзи. 1997 йил 28 ноябрь.



ЧЎЛПОННИНГ ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА

Д.Қуронов



Д.Қуронов, филология фанлари
доктори, профессор

Чўлпон ақлини таниб, онгли ҳаётга қадам кўйибди ҳамки, бир нарсани – ўзи униб-ўсаётган юрт, бу жамият янгиланишга жудаям мухтожлигини теран ҳис қилди, айни ҳис уни бу борадаги ҳаммаслаклар – жадидлар қаторига бошлади. Янгиликка мойил кўнгил бошқача йўл тутиши мумкин ҳам эмас, зеро, номи ҳам, мақсади ҳам, амаллари ҳам янгиликка эш ҳаракат эди жадидчилик. Шу ўринда халқимиз иборасини қўллаб Чўлпоннинг «танглайи янгилик деб қўтарилиган» десак, асло муболага эмас. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашларидаги мазкур хусусият ижодий фаолиятига ҳам тўла кўчган эди десак эса айни ҳақиқат бўлади. Зеро, Чўлпон то охирги асарларига қадар янгилик излаб, топғанларини татбиқ этиб яшади. Сираси, унинг машҳур «Кўнгил янгилик қидирадир» қавли ижодий кредитоси, қисқа ижодий фаолияти давомида оғишмай амал қилган дастурламали эди.

Юқоридаги шахсий ҳам ижодий фазилат Чўлпоннинг миллий адабиётимиз тарихидаги ўрнини белгилаган бош омил ҳисобланмоғи керак. Зеро, айни шу фазилат унинг ўз ижоди билан янги ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйган ижодкорлардан бири бўлиб қолишини таъминлади.

Ўн етти ёшли Чўлпон «Адабиёт надир?» мақоласида янги адабиёт яратиш зарурати ҳақида гапириб, «Агарда «баёз» ва бемаъни бир-икки дона китоблар или қолсак, маҳву инқирозий бўлурмиз», – деб ёзади. Яъни бу ўринда у мумтоз адабиётимиз анъаналарининг бевосита давоми бўлиб келаётган адабиётни назарда тутаёттир. Бу адабиёт ҳамон ўша асрий мавзулар теграсида айланар, ўқтинг-ўқтинг ёзилган ижтимоий мавзудаги битиклар ҳам тарихий конкретликдан анча йироқ, даврга боғланиши ўта заиф эди. Иккинчи ёқдан, энди бу адабиёт саройлардан мадраса ҳужраларига кўчган ва, тан олиш лозим, сезиларли даражада майдалашган, жамиятга таъсир кўлами ҳам шунга яраша, миллатни уйғотиш вазифасини зиммага олишга ожиз эди. Шунинг учун ҳам Чўлпон: «Ҳали бизга кўб тиётр ва рўмон китоблари ёзмоқ керак-дурким, бу қарз бир ҳовуч зиёли ёшларимиз или аҳли қаламимиз устларига тушадир»¹, – дея бонг уради. Чўлпон қалами бор ҳаммаслак ёшларни «миллатнинг энг танқид қилинатурғон ўринларида аралашуб юрмакка» чақиради. Чунки «аралашуб юрулса, андаги сўзларни, одамларни ўрганмоққа бўладирки, китоб бетларига кўчируб ёзмоққа материёлларнинг энг асллари

¹ Чўлпон. Адабиёт надир? // Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. IV жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.5.



халқ орасидан олинадур». Ёш адаб буни Оврўпа ёзувчилари тажрибасига таяниб таъкидлайди, чунки улар «ўзларининг яхши-ёмон одатлари орасида юрубдурлар, сўнгра қўлларига қалам олуб, яххисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатуб ёзибдурлар».¹ Табиийки, бу гаплардан Чўлпон орзулаётган адабиёт қандай бўлиши кераклигини фаҳмлаб олиш қийин эмас: ёш муаллифга кўра, адабиёт мавжуд ижтимоий воқеликни борича тасвирлаши ва унга ғоявий-ҳиссий муносабат билдириши («яххисини яхши, ёмонини ёмон кўрсатиши») керак.

Чўлпон ўзининг «Қурбони жаҳолат» ва «Дўхтур Муҳаммадиёр» деб номланган илк ҳикояларига айни шу қарашларини татбиқ этди, ижодий ниятини рўёбга чиқарди. Ҳар икки ҳикояда ҳам аниқ макон – мусир Туркистон ижтимоий воқелигига монанд бадиий воқелик яратилди ва шу ҳудудда яшаётган одамларга монанд қаҳрамонлар ҳаракатлантирилди. Шу жиҳатдан қаралса, мазкур икки ҳикоя адабиётимиздаги маърифатчилик реализми йўналишида яратилган илк насрый асарлардир. Зеро, агар, бир томондан, «Қурбони жаҳолат» 1914 йил априлида, «Дўхтур Муҳаммадиёр» эса 1914 йил июнь ойида чоп этилганини, иккинчи томондан, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг шу типдаги «Бефарзанд Очилдибой» рўмони 1914 йил сентябрида, Ҳамзанинг «Янги саодат» рўмони эса 1915 йилда эълон қилингани эътиборга олинса, Чўлпон адабиётимизда биринчи бўлиб реалистик тасвир тамойилларини тўла татбиқ этган носир деб таъкидлаб айтишимиз мумкин.

Албатта, реалистик тамойиллар адабиётни воқеликка яқинлаштириди, лекин шунинг ўзи кифоя қилмайди. Сабаби, воқеликда мавжуд нарсаларни шунчаки ҳикоя қилиб бериш ҳали санъат эмас, бундай асарнинг ўқувчини ростмана жалб қилиши, унинг онги ва қалбига таъсир ўтказиши амри маҳол. Яъни реалистик тамойиллар ўзига мувофиқ ифода йўсими ва шаклларини ишлаб чиқишина тақозо этади. Чўлпон андоза деб қараётган Оврўпа насрода воқелик шундай қайта яратиладики, ўқувчи беихтиёр ўзини ўша воқеликда ҳис қиласди,

айни пайтда, унга четдан қараб баҳо бера олади. Чўлпон ҳам «Ойдин кечаларда», «Нонушта» ҳикояларида худди шундай ифода йўсимини муваффақиятли қўллади, адабиётимизда новеллистик типдаги ҳикоянинг илк гўзал намуналарини яратди. Ушбу ҳикояларда тасвир ва диалог салмоғи кескин ортди, ривоя салмоғи эса мос равишда камайди. Яъни уларда шунчаки ҳикоя қилинмайди, балки тасвирлаб ҳикоя қилинади, натижада асар бадиий воқелиги ўқувчи тасаввурида тўлақонли гавдаланади. Ўз навбатида, тасвир салмоғининг ортиши бадиий насрда рангтасвир санъатига хос ифода йўлларидан кенг фойдаланиш имконини яратади. Жумладан, Чўлпон «Нонушта», «Қор қўйнида лола», «Тараққий» ҳикояларида тасвирий санъатга хос композицион тафаккур имконларидан моҳирона фойдаланган. Хуллас, Чўлпоннинг ҳикоя поэтикаси бобидаги изланишлари янги ўзбек ҳикоячилиги тараққиётида мухим аҳамият тутиши шак-шубҳасизdir.

«Кеча ва кундуз» биринчи ўзбек романи – «Ўтган кунлар»дан ижодий таъсирланиш, муаллифи билан ижодий мусобақа асосида яратилган десак, тўғри бўлади. Буни иккала романдаги персонажлар тизими, сюжет мотивлари ва ҳолатларидағи ўхшашликтарда кўриш мумкин. Шундай бўлса ҳам, поэтик қурилиши ва хусусиятлари нуқтаи назаридан Чўлпон романи «Мехробдан чаён»га яқинроқ. Биз сюжет мотивлари ва ҳолатларидағи муштаракликдан чуқурроқда ётувчи яқинликни назарда тутмоқдамиз. Романда драматик унсурлар салмоғини кучайтириш тажрибаси илк бор «Мехробдан чаён»да бошланган. Бироқ унда эпик ва драматик унсурлар уйғунлашиб кетмагани, ривоя ва саҳна кўринишлари мувофиқ нисбатларда олинмагани сабабли тажриба етарли эстетик самара бермади. А.Қодирий бошлаган тажрибани Чўлпон қиёмага етказди. У «Кеча ва кундуз»да ривоя, тавсиф ва диалогни зарур нисбатларда уйғунлаштириб, ривоя ритми монотонлашувига йўл қўймади. Бунга Чўлпон сюжетни драматик шиддат билан ривожлантириш, маконий ва замоний ўзгаришларни ҳаракат бирлиги ҳисобига асослаш, сюжет эпизодларини «тежаш»

¹ Чўлпон. Муҳтарам ёзгучиларимизга // Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. IV жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.6.



принципи асосида боғлаш, сюжетни кетма-кет содир бўлмайдиган воқеалар ҳисобига тармоқлантириш, бадиий вақтни параллель ҳамда ретроспектив вақтлар ҳисобига кенгайтириш каби насримиз учун новаторона усул ва воситалар ёрдамида эришди.

Энг муҳими, бу ва бошқа поэтик усул ва воситаларни Чўлпон асосий мақсад – Октябрь тўнтариши арафасидаги Туркистон ижтимоий воқелигини персонажлар руҳияти орқали бадиий тадқиқ этишга сафарбар эта билди. Натижада «Кеча ва кундуз» **ҳаётни бадиий тадқиқ этиш** (воқеликни инсон руҳияти орқали идрок этиш) **ва бадиий воқеликни ташкиллантириш** (драматик унсурлар салмоқдорлиги) **принциплари** нуқтаи назаридан миллий романчилик тараққиётида дадил одим бўлиб, ўз даври жаҳон романчилиги тараққий даражасига яқинлашди.

Чўлпон шоир сифатида танилгани билан, ижодининг аввалида носир ва публицист сифатида қалам тебратган. Ўз вақтида академик С.Мамажонов ёзганидек, Чўлпоннинг «шеъриятга айрича диққат қилиши, астойдил киришиши, уни яшаш ва кураш майдонига айлантириши 1919 йилларга тўғри келади».¹ Дарҳақиқат, шундай, Чўлпон шеърлари ёзилган саналарга бир қур назар ташлансаёқ олимнинг ҳақлигига амин бўлинади. Энди 1927 йилдан, матбуотда Чўлпонга қарши кампания бошланганидан сўнг унинг фаол лирик ижоддан тўхтагани (ўзининг таъбирича, «қаламини қантаргани») ҳамда 1935 йилда чоп қилинган «Соз» тўпламига кирган шеърлари кўпроқ муроса учун ёзилгани («қўнгилдаги роз эмаслиги») эътиборга олинса, унинг лирик мероси атиги 7-8 йиллик ижод маҳсулидир. Шу қисқа вақт ичida Чўлпон, ўз вақтида замондошлари эътироф этганлари каби, «ўзбек шеъриятига янги тўн кийдира олди» (В.Махмуд).

Энг аввал маърифий мақсаддан келиб чиқкан ҳолда, умуман, жадид адабиёти, хусусан, Чўлпон шеърияти ҳалқ жонли тилига яқинлашганини таъкидлаш керак. Бу эса жонли тилга мос – ритмик интонацион қурилишни, янги

шеър (вазнлар) тизимини тақозо этади. Чўлпон бу борада дадил ва муваффақиятли ижодий экспериментлар олиб борган шоирдир. Фитрат бир ўринда: «Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими? Мен ёздимми? Эсимда йўқ»², – деб ёзади. Олимнинг бундай дейишида бармоқ вазн тизимининг қарор топишида Чўлпон хизматларининг эътирофи бор. Иккинчи томондан, шу гапнинг ўзида бу борада кимгадир биринчиликни беришга интилиш тўғри эмас деган фикр ҳам мавжуд ва унга қўшилмоқ керак. Негаки ҳалқ жонли тилига яқинлашиш ва унга мос бармоқ тизимига ўтиш давр шеъриятига хос умумий тенденция бўлиб, бу борада кўплаб – Авлоний, Фитрат, Ҳамза каби шоирлар излангани маълум. Лекин факт шуки, бу борада эришилган ютуқларнинг бари Чўлпон ижодида мужассам ифодасини топди: ҳалқона тилда бармоқдаги энг гўзал шеърларни яратишайнан унга насиб этди. Чўлпон ўзининг «Гўзал», «Ёргу юлдузга», «Мен ва бошқалар», «Ҳалқ», «Суйган чоқларда», «Қўклам қайғуси» каби ўнлаб шеърлари билан 20-йиллар бошларида ёқ бармоқни янги ўзбек шеъриятининг етакчи ўлчови сифатида қарор топтириди, ҳалқона тил инжа ва гўзал туйғулар, ўтли ҳайқириқлару тेरан лирик-фалсафий мушоҳадалар ифодасига яроқли эканлигини кўрсатиб берди.

Чўлпон бу билан қаноатланмади, у шеър поэтикасини янгилаш йўлида фоят самарали изланди. Ўзи яхши билган турк ва рус шеърияtlаридағи эркин шеър ва сарбастни қўллаган ҳолда ҳароратли шеърлар ёзди. Энг муҳими, уларни поэтик диди муайян маромга солинган шеър асосида шаклланган ўзбек ўқувчисига маъқул қила олди. Зоро, бу борадаги тажрибалар илгари ҳам кузатилган, лекин Чўлпон истеъоди уларни қиёмага етказди. Шоир «Пўртана», «Бинафша», «Тун», «Ишқ йўли» каби эркин шеърнинг, «Тан бердим», «Икки бош бир тана», «Паранжи» сингари сарбаст шеърнинг яхши намуналарини яратди. Чўлпоннинг бу йўлдаги изланишлари эркин шеър ва сарбастнинг шеъриятимизда «прописка» олиши учун асос ҳужжат бўлди.

¹ Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №6. – Б.3.

² Фитрат. Аруз ҳақида // Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. V жилд. – Тошкент: Матнавият, 2010. – Б.227.



Чўлпон шеър архитектоникаси, график шакллантирилиши борасида кўп самарали ижодий тажрибалар олиб борди. Жумладан, мисраларни синдириш, маъно ургуси тушадиган сўзни алоҳида сатрга чиқариш, шеърни тематик-композицион қисмларга ажратиш, шеърни мисралар сони турлича бандларга бўлиш, битта мисрани алоҳида банд сифатида ажратиш каби шеъриятимиз учун мутлақо янги усуллардан кўзланган мазмун ифодаси учун самарали фойдаланди. Албатта, булар кўп жиҳатдан ижодий ўзлаштириш маҳсули, лекин, тамсил қиласа, ўзга боғдан қаламча олиб кўкартиришнинг ҳам ўзи бўлмайди, бунинг учун моҳир боғбон бўлиш керак. Айтмоқчимизки, Чўлпоннинг поэтик истеъоди зикр қилинган усуллар миллий шеъриятимиз заминида том маънода томир отиши ва барқ уриб яшнашида ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Ўз вақтида «бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир»¹ дея эътироф этилгани, бунга шунчаки лутф деб қарамаслик керак. Дарҳақиқат, Чўлпон жонли тилнинг поэтик имкониятларини бойитди, Чигатой гурунги ғояларини татбиқ этароқ соф туркий сўзларни қўллашга ҳаракат қилди. Унинг шеърларида (прозасида ҳам) ўзига хос синтактик қолиплар қўлланди. Жумладан, таъкид учун ажратилган бўлаклардан фойдаланиш, синтактик параллелизмлар, турли қўринишдаги сўз такрорлари, мисраларда такрорланувчи уюшиқ гаплар, мураккаб тузилмали қўшма гапларнинг қўлланishi – булар бари, ҳеч шубҳасиз, миллий тил имкониятларини бойитишга хизмат қилди.

Диққат қилинса, Чўлпон шеъриятида ҳатто бир қарашда оддий кўринувчи тиниш белгилари ҳам поэтик вазифа бажаришини кўриш қийин эмас. Бунга амин бўлиш учун шоир ҳаётлигига чоп қилинган тўпламларини кўздан кечириш кифоя. Зийрак ўқувчи унинг, масалан, ёнма-ён (горизонтал) қўйилган «икки нуқта», «уч нуқта», «тўрт нуқта», «беш нуқта» белгиларидан фойдалангани, кўп ўринларда аниқ бир мақсадни кўзлаб «тире» қўйгани, айрим ҳолларда эса тиниш белгиларини турли комбинацияларда қўллаганини кўриши мумкин. Чўлпон тиниш белгиларини бошқа замондош шоирлардан фарқли, ўз даврида чоп қилинган қўлланмаларда зикр қилинган қоидаларга кўпинча тўғри келмайдиган бир тарзда қўллаганки, бу ҳам мақсадлиликни тасдиқлайди. Қисқа қилиб айтганда, Чўлпоннинг бу борадаги новаторлиги шак-шубҳасиз, масаланинг ўзи эса маҳсус тадқиқ этишга лойик бир илмий муаммодир.

Юритган мулоҳазаларимиздан аён бўладики, янги ўзбек адабиётининг тараққиётида Абдулҳамид Чўлпоннинг муносаб ўрни бор. Унинг ижодий изланишлари миллий адабиётимизнинг поэтик имкониятларини кенгайтирди, бойитди. Чўлпон ўз ижоди билан жонли ҳалқ тилининг ҳамда замонавий наср ва шеърият жанрларининг турфа имкониятларини намоён қилди, турли поэтик усул ва воситаларни дадил тажриба қилиб, уларнинг миллий адабиётимизда ўзлашиб қолишига пухта замин ҳозирлади.

¹ Айн. Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон // Чўлпон ва танқид: матнларни нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Каримов. – Тошкент, 2004. – Б.29.



АБДУЛҲАМИД ҶЎЛПОН БУХОРОДА

С.Иноятов



Сулаймонжон Иноятов,
тарих фанлари доктори,
профессор

мий тадқиқ қилишга катта эътибор берилмоқда.

Мустақилликнинг биринчи йили – 1991 йилда Чўлпонга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. 1997 йилда Абдулҳамид Сулеймон ўғлининг 100 йиллик юбилейи республикамида тантанали равишда нишонланди. Ўша йили пойтахт Тошкентда «Шарқ ҳалқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижодиёти» мавзусида симпозиум ўтказилди. Ижодкорнинг она шаҳри Андижонда Чўлпон номидаги боғ, уй музейи мавжуд, унга ёдгорлик ҳайкали ҳам ўрнатилган.

Чўлпон ва унинг ижоди совет мустабид тузуми даврида ўрганилиши тақиқланган соҳа эди. Шунга қарамай, XX асрнинг 60 – 70-йилларида Туркиядаги миллатдошларимиз, Анқара университети профессорлари Аҳмаджон Ўқой ва Иброҳим Ёрқинлар у ҳақда илмий мақолалар эълон қилдилар. Олмониялик доктор Боймирза Ҳайит ўзининг «Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари» китобини А.Фитрат ва А.Чўлпон ижодига бағишлиди. Америкалик ўзбек Эргаш Шермат Булоқбоши «Гуллар макони» шеърий тўпламида «Чўлпон», «Чўлпон ўлдузига» каби

Бугунги Янги Ўзбекистонимизда озодлик ва эрк, тенглик ва адолат куйчиси, эркпарвар, инсонпарвар ва ватанпарвар адиб, шоир, драматург, журналист, муҳаррир, публицист Абдулҳамид Сулеймон ўғли Чўлпон (1897 – 1938) ижоди ва фаолиятини ил-

шеърларини эълон қилди.¹ Ҳатто Иккинчи жаҳон уруши ийлларида Германияга асир тушган миллатдошларимиздан тузилган «Туркистон легиони» ҳарбий бўлинмасининг гимни – «Гўзал Туркистон» ҳам, аслида, Чўлпон томонидан ёзилган «Гўзал Фарғона» шеъри эди.

Улуғ адиб, ношир ва матбаачи, таржимон ва ҳассос шоир, драматург Чўлпоннинг ҳаёт йўли, сермазмун ижоди Бухоро билан ҳам боғлиқ. У Бухорода 1921 йилнинг ёзидан 1922 йил баҳорига қадар яшади. Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг ўзбек тилида, ҳафтада 2-3 марта чоп этиладиган бирдан-бир нашри бўлган «Бухоро ахбори» газетасининг 41-сони (1921 йил 30 июнь) дан 67-сони (1922 йил 25 январь)га қадар бош муҳаррирлик қилди. Чўлпон «Бухоро ахбори»да «Ҳалқ», «Ағдарилиш», «Клеопатра уйқуси», «Кел бери», «Мен қочмадим», «Тарихдан...», «Куз», «Ётоқдан», «Қизариш», «Оғриганда», «Барг», «Кулмак истадинг», «Юрт йўли», «Учтўрт ўлдуз», «Баландликда» каби шеърларини эълон қилди. Машҳур «Ҳалқ» шеъри ҳам Бухорода дунёга келганлигини таъкидлаш ўринли бўларди.

Чўлпоннинг Бухорога келиши билан боғлиқ турли фикрлар бор. Баъзи муаллифлар «уни Бухорога А.Фитрат таклиф этган» (З.Эшонова) дейишиш; баъзилар «Бухоро Ҳалқ Республикасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш, жўшқин ҳаёт кечаётган жойларда бўлиш истаги Чўлпонни Бухорога унданган» (С.Алиев) дейишиади. Аслида, иккала фикрда ҳам асос бор. Чунки Бухоро Республикасида муҳим ва масъул вазифаларда ишлаган А.Фитрат Чўлпон истеъдодини яхши билар эди. 1919 йилда А.Фитрат томонидан

¹ Нагаев С. Судьба «Утренней звезды» (к 100-летию Чулпана) // Правда Востока. 1997 г. 7 август; Ҳайитов Ш. Хориждаги ўзбек ижодкорлари. – Бухоро, 1994. – Б.27 – 34.



Тошкентда тузилган «Чигатой гурунги» ташкилотининг фаол аъзоларидан бири Чўлпон эди. «Чигатой гурунги» аъзоларининг ҳар бири ўз тахаллусига эга бўлганлар. Масалан, Абдуманон Мажидий «Уйғур», Маҳмуд Мақсадов «Боту», Машриқ Юнус «Элбек», Абдулҳамид Сулаймон «Чўлпон», Абдубосит «Санжар», Абдулқаюм Рамазон «Ўқтам» деган тахаллусларни олишиди.

Чўлпон табиатан янгиликка интилувчанлиги, ўзгаришларни ўз кўзи билан кўришга иштиёқмандлиги, маслақдошлари борлиги учун Бухорога келганлиги ҳам ҳақиқатdir.

Чўлпоннинг Бухорога ташрифи масаласи қатор баҳс-мунозараларга сабаб бўлганлигини чўлпоншунослар Д.Қуронов, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, Д.Дўстқараев, О.Сафаров, Ҳ.Сафарова, С.Алиев, А.Бозорвларнинг илмий тадқиқотлари ва мақолаларидан билишимиз мумкин. Профессор О.Сафаров чўлпоншуносларнинг фикрини ўрганиб, «Чўлпон 1921 йилнинг 27 майида Бухорога келиб, ўша йилнинг 30 июнида муҳаррирлик фаолиятини бошлаган экан, у ҳолда шу оралиқда кечган бир ойдан зиёдроқ (27 майдан 30 июнгача) муддат давомида нима қилди, қандай ишларни бажарди? Ҳар қалай, беҳуда ўтказмагандир бу қимматли фурсатни?» деган хуласага келади.

О.Сафаров масалага аниқлик киритиш борасида қуйидаги савонни қўяди: «Савол туғилади: чиндан ҳам Чўлпон 1921 йилнинг майида «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррирлик учун таклиф этилганмиди? Унинг муҳаррир сифатидаги фаолияти газетанинг 41-сонидан, янада аниқроғи, 30 июндан бошланган-ку! Рост, уни муҳаррирлик лавозимига тавсия этиб, Файзулла Хўжаев томонидан маъқулланишига эришган Фитрат эди. Аммо у бошда бошқа бир муҳимроқ масалада Файзулла Хўжаев томонидан Бухорога таклиф қилингандай кўринади. Бунинг қанақа масалалигини англашда 1921 – 1923 йилларда БХШЖ ҳарбий назоратида ишлаган М.Супаевнинг қуйидаги хотираси ёрдам беради: «Бухоро ҳукуматининг Нозирлар Шўроси 1921 йилнинг 27 марта маориф ишлари бўйича кенгайтирилган мажлисда миллий армияга

чақирилган аскарларни ахлоқ ва дин ҳамда адабиёт ва санъат жиҳатидан тарбиялаш мақсадида қисқа муддатли ўқиш, ёзиш курслари ташкил қилди. Бунинг учун армия ихтиёридаги ўқимишли кишилар, зиёлиларни бу ишга жалб этди... Абдулҳамид Сулаймоннинг файрати, ташаббуси билан Бухоро ҳарбий назорати сиёсий бўлимни билан биргаликда Гарнizon клуби (собиқ қозикалон чорбогининг ташқари ҳовлиси) да Бухоро ҳалқидан миллий артистлар, саҳна мутахассислари тайёрлаш курслари ҳам очилди... Бухоро шаҳридаги театр ходимлари, бошқа жойлардан келган кўчма театр труппалари ҳам шу боғдаги саҳнага келиб театр ва концертлар қўяр, адабий кечалар уюштиради. 1921 йилнинг биринчи ярмида Манон Уйғур ва Ҳамза Ҳакимзода (1921 йилнинг апрель ойидан 15 июнгача Бухорода яшаган) ёрдамида, Абдулҳамид Чўлпоннинг ташкилотчилигига Бухоро давлат театри ташкил этилди».¹ Демак, Чўлпон муҳаррирлик фаолиятини бошлагунига қадар Бухоро аскарлари ўртасида ғоявийтарбиявий ишларни олиб борища, қолаверса, Бухорога ундан илгарироқ келиб, театр труппасини ташкил этиш ҳаракатида юрган Манон Уйғур ва Ҳамза Ҳакимзодаларга 1921 йил майининг охиридан то муҳаррирликка тайинлангунига қадар ва ундан кейин ҳам Бухорода давлат театрини ташкил этишда ёрдам бериш йўлида жонбозлик кўрсатган. Шундай бир вазият тақозо этган кезларда, М.Супаев гувоҳлик берганидек, «Абдулҳамид Чўлпон ёшлиқда топишган қадрдан дўсти Закий Валидий Тўғон Бухородалигига уларнинг ҳовлисида ва Фитратга қарашли Форобий номидаги Иккинчи мусиқа мактаби қаршисидаги Вақф ишлари идорасида (Фитрат ўша пайтда вақф ишлари бошлиғи эди) тўпланиб» тургандарни ҳам айни ҳақиқат.

«М.Супаевнинг юқорида келтирилган хотирасига кўра, – дейди Охунжон Сафаров, – Бухорода давлат театрини ташкил этиш ишларига Манон Уйғур ва Ҳамза 1921 йилнинг апрель ойидан киришган. ЎзР Марказий давлат архивида сақланаётган 1921 йилнинг 4 апрелида ёзилган 1680-рақамли шаҳодатноманинг 2-нус-

¹ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б.130.



хасида қайд этилишича, Туркистон Автоном Республикаси ҳукумати Ҳамзани маданий-оқартув ишларини ташкил этиш учун БХШЖ ихтиёрига йўллаган. Демак, дастлаб Ҳамза Бухорога келиб, маданий-оқартув ишлари соҳасидаги фаолиятини бошлаган, кейинроқ Ф.Хўжаев ва Фитратлар даъвати бидан апрелнинг ўрталаридан Маннон Уйғур ва майнинг охирларида Чўлпон унга қўшилиб ҳаракатни кучайтирганлар».¹

Тадқиқотчи О.Сафаров Чўлпоннинг Бухорога келиши сабабини фактлар асосида тасдиқлашга уринади. Уч пунктда уни асослаб беради:

Биринчидан, Туркистон Мухтор Жўмхурияти тамоман советлашиб қолгач, у жойда Туркистон мустақиллиги учун курашмоқ имкониятлари тобора чекланиб қолганлигини чукӯр ҳис этганлиги;

Иккинчидан, ўша даврда нисбатан мустақил сиёсат юргизаётган БХШЖда мустақиллик учун курашиш имкониятлари анчайин яхшилиги, шу мақсадга ўзини сафарбар деб билган кучлар Бухорода йигила бошлагани, инчунин, бутун туркий халқлар эрки ва мустақиллиги учун курашнинг йўлбошчиларидан бири Закий Валидий Тўғоннинг мазкур ҳаракат кучларини бирлаштиришни бошқариш ниятида Бухорога келганлигидан хабардорлиги туфайли кўнглида умид чақнаганлиги;

Учинчидан, Туркистондаги большевистик режимнинг уни ҳур фикрлари учун, янайм аниқроқ қилиб айтсақ, «Иштирокиён» газетасида шўро салтанати сиёсатини фош этувчи «Фарёд», «Афандистон» каби мақолалари учун таъқиб ва тазиикқа ола бошлагани туфайли вазиятдан чиқиб кетишни кўзлаганлиги натижасида воқе бўлди.

Айтиш мумкинки, ана шундай кескин бир вазиятда Файзула Хўжаев ва Фитратнинг Чўлпонни Бухорога даъват этишлари айни муддао бўлди: Чўлпонни таҳдидга солаётган катта таъқиб хавфидан халос этиб, унинг жонига ора кирди. Унинг «уйдан чиқиши кўб кўнгилсиз» бўлса-да, «тотли умидлар орқасида бўлғонини» таъкидлаш ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

¹ Сафаров О., Сафарова Ҳ. Чўлпон Бухорода: рисола / Масъул муҳаррир Н.Каримов. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – Б.42.

О.Сафаровнинг таъкидлашича, Чўлпон Бухорога газета муҳаррирлигига эмас, балки ёшлар, аскарлар ўртасида маънавият тарғиботи ва Бухорода театр труппасини ташкил этишга кўмаклашиш ниятида даъват қилинган. Буни журналист Абул Бозоровнинг «Чўлпоннинг Бухорода бўлиши» мақоласида келтирилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маҳмуд Қодиров хотирасидаги далиллар ҳам маълум даражада тасдиқлайди. Унинг айтишича: «Чўлпон Бухорога йигирманчи йиллар бошида Тошкент театрининг адабий эмакдоши бўлиб келган».

– Биз шаҳарнинг Собунгарон гузаридағи 1-мактабда ўқиб юрадик, – дея эслайди Маҳмуд ака, – бир сафар «мактабга шоир Чўлпон келди, мажлис бўлади» дейишиди. Ҳаммамиз бирпасда йиғилдик. Чунки шоирнинг номини, баъзи шеърларини муаллимимиздан эшитган эдик.

Бу учрашувдан хурсанд эдик. Синфхона-мизнинг муаллим ўтирадиган жойида янгича кийинган, бичими келишган бир йигит кўринди. Ёнида яна икки-уч киши бор эди. Мактаб мудиримиз шоир тўғрисида қисқача гапириб, тушунтиргач, ҳалиги меҳмонга сўз берди.

Шоир маърузага чиқиб, илм-маърифат, ўқиш хусусларида ваъз айтди. Она тили, адабиёт фанлари тўғрисида гапириди. Баъзи китобларнинг номларини айтиб, болаларнинг ўқиган-ўқимаганлигини сўради. Ҳеч ким жавоб беролмади. Чунки бизлар бундай китобларни кўрмаган эдик. Чўлпон афсусланди. Тез орада келиб қолишини айтиб, тасалли берди. Талабаларни яхши ўқишига даъват этди.

Бир вақт олдинги парталарнинг бирида ўтирган каттақўрғонлик Зиё деган ўқувчи қўл кўтариб, ўрнидан турди-да:

– Сизни «кўк шоири» дейдилар, шу тўғрими? – деб сўраб қолди.

– Тўғри, – деди Чўлпон, – мен само, фалак мавзуида шеърлар ёзганман. Мен осмонни, кенглиқни, тинчликни севаман, лекин фикризикрим ердаги ҳаётда. Аэропланда учиб юриб ёзмайман, ўзим ҳали аэропланга минган ҳам эмасман, – деб кулди. Болалар ҳам кулишди.



Зиё ёш ҳаваскор бўлиб, шеърлар ёзиб, машқ қилиб юради. Мажлисдан сўнг ундан: «Нега бундай қўпол савол бердинг?» – деб сўрадик. У шоирнинг самовий шеърларини, масалан, «Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб, энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман» каби назмларини ўқиган ва Чўлпон ҳақида оғизда юрган гапларни эшигтан экан.¹

Академик Наим Каримов бу учрашув Ўзбек давлат драма труппаси (ўша вақтда Марказий труппа деб ҳам юритилган)нинг Чўлпоннинг мактаб мудири бўлган ошнаси таклифи билан амалга ошган бу учрашувда талабанинг бу саволи бежиз берилмаганига эътибор қаратиб ёзди: «Чўлпонни ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам туртиб, унинг ижодий мувозанатини йўқотмоқчи бўлган кимсалар энди уни ой ва юлдузларни тасвирлагани, уларга армонли нигоҳларини тиккани учун танқид қила бошладилар. Улар «кўк шоири» деган ифодага ҳақорат маъносини бериб, Чўлпон билан уни севган, унга ишонган, унинг туйғу ва орзулари билан яшаётган китобхон ўртасига нифоқ уруғларини ташла-моқчи бўлдилар».²

Професор О.Сафаров тадқиқотида Чўлпоннинг Бухоронинг қаерида яшаганлиги ҳам аниқлаб берилган. Чўлпоннинг Бухорода қаерда яшаганини билиш ҳам ғоят қизиқарлидир. Чунки у Бухорога оиласи (суюкли хотини Обида) билан кўчиб келган эди. Журналист Абул Бозорвинг юқорида эслатилган мақоласида бу хусусда маориф ва меҳнат фахрийси Ҳасан Бобоев хотираси орқали қуйидаги далил келтирилган. Унинг эсласича:

«Чўлпон Бухорода Лабиҳовуз ёнидаги илгарида жуда обод, кўркам бўлган Бозоригул гузарида Муҳаммадқул деган кишининг ҳовлисида (меҳмонхонасида) турган. Муҳаммадқул Бухоронинг матърифатпарвар зиёлиларидан бўлган. Бу уй Абдулазизхон мадрасаси билан Абдуллахон тими ўртасидаги жойда (мазкур иморатнинг бир қисми ҳозир ҳам бор), биз-

¹ Қаранг: Сафаров О. Чўлпон Бухорода... – Б.45 – 47; Бозоров А. Чўлпоннинг Бухорода бўлиши // Бухоро ҳақиқати. 1990 й. 24 апрель.

² Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.321.

нинг кулбамизга яқин ерда. Илгарида ушбу гузар кўчасида турли рангда, чамандек очилиб турган гуллар сотилган. Бу раствада ҳар доим гул шайдолари ошиқларни, маъракабозларни кўриш мумкин бўлган. Бозоригулнинг ёнгинасида токхона усулида қурилган қадимий Мавлонои Шариф мадрасаси, хусусий карвон-сарой ва шикастабандлар хонадонлари бўлган, мадраса биноларининг бир қисми сақланниб қолган.

Чўлпоннинг аксар вақтлар гузардан чиқиб ишга кетаётганини, кечқурун бир-икки биродарни билан истиқомат жойига келаётганини кўрардим. Бу кўча ҳозир Ҳалим Ашуроев номи билан аталади. Бу кўча ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, истиқлолдан кейин тарихий номларнинг қайтарилиши туфайли яна Бозоригул деб юритилмоқда.

Маърифатли зиёли Муҳаммадқул Абдурауф Фитратнинг муҳлислидан бўлганлиги туфайли унинг таклифи билан Чўлпон оиласини ижаранишинлик шарти билан ўз ҳовлисидағи меҳмонхонада жойлаштириди. Чўлпон шу ҳовлида яшаб туриб, дастлаб БХШЖда ёшлар ва аскарлар ўртасида тарғибот ва театр тузиш, кейин «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррирлик ишларини бажарди. Сўнгра БХШЖ Маориф нозирлигига фаолият кўрсатди, шу тариқа 1921 йилнинг 27 майидан 1922 йилнинг 20 мартаға қадар – 10 ой Бухорода биринчи бор ижодий-ижтимоий фаолият кўрсатиб яшади».³

Чиндан ҳам, Чўлпон яшаган Бозоригул гузари Бухорода улуғ инсонлар умргузаронлик қилган жойлардан бири эди.

Бухоронинг тараққий этган даврларидан бири шайбонийлар сулоласи вакили Абдуллахон II фаолияти давридир. Унинг ҳукмронлиги жараёнида Бухорода бешта гумбазли савдо манзиллари ва Абдуллахон тими номи билан савдо хиёбонлари бунёд этилган. Ана шу гумбазли (куполлар) расталардан иккитаси – Тоқи Телпакфурушон ва Тоқи Заргароннинг ўрталарида Абдуллахон тими қад ростлаган. Абдуллахон тимининг орқасида Бозоригул гузари

³ Қаранг: Сафаров О. Кўрсатилган асар. – Б.48 – 49.



жойлашган бўлиб, бу мавзеда Бухорода катта шуҳрат соҳиби бўлган инсонлар дунёга келган. Шулардан Бухоро давлат университети (аввали педагогика институти)да ректор бўлган, физика-математика фанлари доктори, профессор Муҳтор Неъматович Раҳматов, таниқли композитор Муҳтор Ашрафий, Бухоро педагогика институтида узоқ йиллар проректор бўлиб ишлаган, биология фанлари доктори, профессор Маҳди Орипович Абдуллаев, Самарқанд давлат университетида проректор вазифасида ишлаган Ҳоди Орипович Абдуллаев, Бухоро давлат педагогика институтида кафедра мудири, декан вазифаларида фаолият кўрсатган профессор Аҳмаджон Бузрукович Абдуллаев, Файзулла Хўжаев Абхазияда автоҳалокатга учраб оёғини синдирганда уни бориб ўша ерда даволаган шикастабандлар сулоласи вакиллари Бурҳоновлар истиқомат қилганлар. Ана шу гузарнинг Ҳаким Ашупров номидаги кўчасида таниқли тарихчи олим Фарҳод Ҳабибович Қосимов 1941 йил 10 октябрда дунёга келган. Фарҳод Ҳабибович дунёга келган ҳовли ҳам тарихий ҳовли бўлиб, бу ҳовлида вақти-вақти билан Садриддин Айний, Усмонхўжа, Атоулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов (Мунзим), Файзулла Хўжаев каби Бухоро жадидларининг вакиллари ийғилишиб турган. Бухоро амири Сайид Олимхонга жадидлар йўллаган манифест 1917 йил апрелида ана шу хонадонда битилган. Эҳтимол, шу тарихий мавзе, тарихий хонадон Фарҳод Ҳабибовичнинг тарихий илм соҳиби бўлишига туртки бўлгандир.¹

Демак, Бозоригул гузари ҳам Чўлпонни илҳомлантирган. Энг қадрлиси, мана шу гузарда салкам бир йилда Чўлпоннинг 20 га яқин мақоласи, 15 дан ортиқ шеърлари ёзилиб, «Бухоро ахбори»да чоп этилган. Чўлпоннинг бугунги кунгача жаранглаб келаётган «Халқ дengизdir, xalқ tўlқinidir, xalқ kuchdir» сатрлари билан бошланадиган «Халқ» шеъри Бозоригул гузаридаги ҳовлида ёзилиб, биринчи Бухорода акс садо берган.

¹ Иноятов С.И. Қомусий ақл ва илм соҳиби. Тарихчи олим Фарҳод Қосимов замондошлари хотирасида. – Бухоро: Дурдана, 2021. – Б.11 – 12.

А.ЧЎЛПОН ВА З.В.ТЎГОН БУХОРОДА



Аҳмад Закий
Валидий Тўғон

Чўлпон ижодининг дастлабки йилларида унинг шеърлари нафақат Ватанимизда, балки чет элларда ҳам ўрганилган. «Айникиса, Туркия ва турк адабиёти, – деб ёзди Усмонхўжа Темурхўжа ўғли, – бутун ижоди давомида Чўлпонни ўзига тортган эди...

Асримизнинг 20 – 30-йилларида бошлаб Туркияда Чўлпон асарларини тарғиб этиш билан асли туркистонлик зиёлилар шуғулланган».

Усмонхўжа 1927 йилда ўзи нашр этган «Ени Туркистан» («Янги Туркистон») журналининг 1-сонида «Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳаввулларина бир назар» мавзудаги назарий аҳамиятга молик мақоласини чоп эттиради. Бу мақоласида Чўлпоннинг «Халқ»² ва «Зиёйи қамар» номи билан аталган икки шеърини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиб, бу шеърларни таҳлил қиласи.

Усмонхўжа мақоланинг хотимасида Чўлпон шеърларига оид фикрларини жамлаб, «Идрок эшигимиз бу давраи адабийа Туркистоннинг истиқболи учун тек мухим ҳаётий бир даври адабидир. Бу давра улгая», – деб башорат қиласи.³

Туркияда Чўлпон ҳақидаги жиддий фикрларни ўртага ташлаганлардан бири тарихчи профессор Закий Валидий Тўғон бўлган. Тўғон БХШЖ даврида бир танишининг уйида яшириниб юрган вақтларида ҳам Чўлпон билан учрашган. Закий Валидий Тўғон ўз «Хотираплар»ида Бухорода Чўлпон билан учрашгани ҳақида ёзади: «Шоир Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон) доимо бу ерга келар, мени кўрмоқ истарди... Фақат «бу ерда йўқ» деб жавоб бер-

² Чўлпоннинг «Халқ» шеъри Бухорода 1921 йил 20 июляда ёзилиб, «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 20 июлядаги 46-сонида эълон қилинган.

³ Қаранг: Temur Koca oglu... – Б.227 – 228.



дирап эдим. У бунга хафа бўларди. Бир куни «Оҳ, шу шоирлигим бўлмасайди, мен сизни кўрардим» маъносига бир шеър ёзиб қолдирибди. Кейинчалик уни (Чўлпонни) қабул этдим. Чўлпон дедики: «Эски дўстим профессор Самойлович сизни кўрмоқ истайди. Бу унинг соғ бир дўстлик орзуси эмасмикин?!». Мен унга (Чўлпонга) айтдим: «Ҳозир сендан қочганлигим эҳтиёткорлиқдан. Оғзингда сўз ушлаб туролмайсан. Самойлович дўстимдир.Faқат советлар кишининг дўстларини ва оила аъзоларини таъқиб қилиб юрадилар. Самойловичнинг бугун совет жосуси эмаслигини сен қаердан била оласан?! Чўлпон софдил ва маъсум инсон эди...»¹

З.В.Тўғон Бухорода яширин ҳолатда юрган бўлса-да, Бухоронинг адабий ва маданий ҳаёти билан жуда қизиқкан. У китобида қўйидаги воқеани эслатади: «Бухоро саҳнасида озарбайжонлик Охунзода режиссёрлик этмоқдадир. Сўнгги кунларда халқ яхши қабул этиб, томоша қилаётган асарлар Чўлпоннинг ўзбек тарихидан олинган «Пўлат» номли олти пардали драмаси ва Фитратнинг «Арслон», «Абулфайзхон» номли беш пардали асарлариdir».²

Профессор Наим Каримовнинг «Чўлпон» маърифий романига таяниб Охунжон Сафаров: «Закий Валидий 1914 йилда Чўлпон уйида меҳмон бўлганида ҳали 15 яшар шоирни «буюк ўзбек шоири» деб атагани, Чўлпон Закий Валидийнинг 1912 йилда Қозонда чоп этилган «Турк ва татар тарихи» китобини ўқигани ва муаллифга шу китобга оид муносабатини билдириб, унга фикрдошлиқ қилишини сўраб хат ёзгани ва, ниҳоят, Закий Валидий Тўғон Туркистон халқлари мустақиллиги учун кураш дастурини тузиш ниятида Бухорога келганида Чўлпоннинг у билан дастлаб Ситораи Моҳи хосада, сўнгра Харгўш қишлоғида учрашгани каби қатор далиллар яққол тасдиқлайди»³, – деб ёзади.

¹ Проф. З.В.Тўғон. Хотиралар (турк тилида). – Истанбул, 1969. – Б.369; Яна қаранг: Timur Koca oglu... SOTA HEARLEM, 2001. – Б.259.

² З.В.Тўғон. Кўрсатилган асар. – Б.521.

³ Сафаров О. Кўрсатилган асар. – Б.20.

ЧЎЛПОН «БУХОРО АХБОРИ» ГАЗЕТАСИННИГ БОШ МУҲАРРИРИ

Чўлпон Бухорога келгани билан газета муҳаррири вазифасини адо этишга киришмаган. Зеро, бу пайтда газета муҳаррири вазифасини Муҳаммад Саид Аҳорий бажараётган эди. Faқат у БХШЖнинг Ozарбайжондаги вакили этиб тайинланиб, Бокуга бориши аёнлашиб қолгач, Фитратнинг тавсияси билан Ф.Хўжаев уни «Бухоро ахбори» газетасига бош муҳаррирликка тайинлайди. Бу воқеа 1921 йил июнь ойининг охирроғида содир бўлади. Газетанинг 30 июндаги 41-сони Чўлпоннинг «Абдулҳамид Сулаймон (Юнусоф)» имзоси билан чиқди. Демак, 1920 йилнинг 7 сентябридан шунгача газетанинг 40 та сони ҳафтада 1-2 мартадан чоп этилиб турган. Чўлпон унга 1922 йил 25 январь 67-сонигача, жами 24 сонига муҳаррир сифатида имзо чекди. У газетага етти ойча муҳаррирлик қилди. Бу даврда газетада босилган шеърларига, мақола ва ҳикояларига «Чўлпон», танқидий мақола ва фельетонларига «Қаландар», Абдулҳамид Сулаймон (Юнусов), А.Сулаймон, Юнусий, Абдулҳамид С. тахаллусларини қўллади.

Чўлпоннинг «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррир сифатида чоп этган мақолаларининг маълум қисмини тадқиқотчилар О.Сафаров⁴, И.Фаниев, Н.Афоқова⁵, К.Раҳмонов⁶, Ш.Ҳайитовлар⁷ ўрганиб чиқиб, бу мақолаларни бугун кирилл алифбосига ўтириб, ундан фойдаланганлар. Биз шу тадқиқотчиларнинг ишларидан фойдаланган ҳолда Чўлпоннинг «Бухоро ахбори»да чоп этилган мақолаларидан айримларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик.

⁴ Сафаров О. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Муҳаррир, 2012. – Б.188.

⁵ Фаниев И., Афоқова Н. Жадид адабиёти ва адабиётшунослиги библиографияси. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 328 б.

⁶ Раҳмонов К. Бухоро Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920 – 1994 йиллар). – Тошкент: Абу Матбуот-Консалт, 2012. – 176 б.; Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон // Бухоро мавжлари. 2009. №3. – Б.30.

⁷ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Чўлпоннинг Бухородаги публицистик фаолияти // НамДУ илмий ахборотлари. 2004. №2. – Б.59 – 63.



Фитрат ва Ф.Хўжаевлар Чўлпонни газетага муҳаррир этиб тайинлаш орқали, аввало, газетанинг мазлум оммага таъсирини янада кучайтириш, ёш жумҳурият ҳукумати юргизаётган сиёсат моҳиятини афкори оммага ташвиқ этишда Чўлпон истеъдодидан фойдаланиш, иккинчидан, Чўлпонни имкон қадар Бухорода узоқроқ тутиб туриб, Туркистонда унга нисбатан юзага келган ғаразли муомалаю нохушликлардан омон сақлашни кўзлаган эдилар. Чўлпон ҳам, ўз навбатида, уларнинг бу ниятлари нечоғлик холислигини англашган ҳолда газетага муҳаррирлик килишга розилик берган эди. Афтидан, Чўлпон бунгача «Бухоро ахбори» газетаси аҳволи, унда босилаётган материалларнинг савияси билан ҳам обдан танишган кўринади. Шу сабабли муҳаррир сифатида имзо чеккан 41-сонидаёқ «Матбуот кучли бир давлатдир» мақоласини эълон қилиб, газетхонлар билан келажакдаги режаларини ўртоқлашмоқчи бўлади. Шу муносабат билан камтарлик қилиб ёзади: «Газета 41-сонидан бошлаб янги қўлга ўтди, газета бу кунгача яхши давом этган. Буни биз билмаймиз ва билмак учун ўқимоқни ҳам истамаймиз. Бу иш газета ўқувчиларнинг ишидур». Шундан сўнг газета атрофига «энг кучли қаламлар», «ғайратли ёшлар» жалб этилмагани, натижада ҳамма иш биргина муҳаррирга юклаб қўйилганини, бундай аҳвол билан «Газетанинг дунёда беш кучлик давлат бўлса, олтинчиси, олтига бўлса, еттинчиси» даражасига кўтариб бўлмаслигини таъкидлайди. «Бу билан у бир вақтлар АҚШ Президенти Томас Жефферсон томонидан матбуотга нисбатан берилган ва ҳозир ҳам истифода этилувчи «тўртинчи ҳокимиёт» тушунчасига ҳамоҳанг фикр айтган».¹

Бу ёзилажак мақолалар олдига Чўлпон қўйган биринчи талаб, демак, мақола қисқа, маълумотга бой бўлмоғи шарт. Иккинчи талаб: «Ҳар бир муҳим воқеага оид табиий мақолалар бўлғусидир». Демак, мамлакатда содир бўлаётган ҳар бир воқеага алоҳида мақола бағишлилан-

¹Сафаров О. Чўлпон Бухорода. – Б.69 (Изоҳ: кучли давлатлар беш ёки олтига дейлишига сабаб, Биринчи жаҳон урушидан кейин Австрия кучли давлатлар сафидан тушиб қолган. Чўлпон буни хисобга олган ҳолда мазкур фикрни билдирган (Каранг: Тарихга муҳрланган 90 йил. – Бухоро, 2010. – Б.50 – 51). Чўлпон газета курдатини кучли давлатга менгзайди).

моғи, унда воқеа қандай кечган бўлса, ўша табиий ҳолатини акс эттирувчи мазмунга эга бўлмоғи шарт. Учинчи талаб: «Ёш жумҳуриятнинг ўзининг тарақкий этмоқлиги йўлида бирмунча тўғри асосли ва яқин ҳаракатлари бўлганидек, хато ва нотўғри ишлари ҳаракатлари бўлғусидур. Матбуот халқнинг тилидур. Шундоқ бўлса ҳам, ёш жумҳуриятнинг ёш ҳукуматига қўлидан келган қадар кўмаклашиш, хатоларини тушунтириб туриш керакдур».

Бу мақола газетанинг кейинги фаолияти учун дастурий моҳиятга эга эди. Мазкур дастурий талабларни бажариш мақсадида шу соннинг ўзидаёқ «Нозирлар шўроси», «Иқтисод назорати», «Ҳукумат муфаттишларида», кейинги 7 июлдаги сонида «Нозирлар шўросида сув масаласи», «Ҳифзи сиҳҳат назоратида» рукнлари ва сарлавҳалари остида мамлакат турмушининг турли қирралари ҳақида материаллар бериб бориши ўйлга қўйилган эди.

Газетанинг ўз мустақил қиёфасига эга бўлиши учун курашиш Чўлпоннинг диққат марказида турди. Шу мақсадда у газетанинг 1921 йил 7 июлдаги 43-сонида шундай эълон билан ўз газетхонларига мурожаат қилди: Бу чоққача моддий ва маънавий жиҳатдан ҳукумат нашриётига боғланиб келган «Ахбор» газетаси 41-сонидан бошлаб маънавий жиҳатдан ўз бошига мустақил иш олиб бормоқдадур. Шунинг учун газетанинг маънавий томонига тегишли ишлар (мақола, хабар, хат ва бошқалар) тўғридан-тўғри газета идорасига юборилсин. А.Сулаймон.

Газета адреси: Г. Ст.Бухара, редакция газеты «Бухоро ахбори» («Бухарская известия»).

Чўлпон «Бухоро ахбори»да «Ҳукумат қурултойи»² мақоласини эълон қилди. Бу мақола Бухоро ҳукуматининг биринчи қурултойга тайёргарлиги олдидан ёзилган. Муаллиф дастлаб «қурултой» сўзи нимани англатишига эътиборни қаратиб, жарчиларга хос даъваткор руҳ билан мақолани шундай бошлайди:

«Шу кунларда ҳар кимнинг қулоғида «қурултой» сўзи жаранглаб турадур:

Яқинда қурултой бўлур экан, ҳукумат қурултойи экан!

²Бухоро ахбори. 1921 й. 10 июль. №44.



Бу нимадур, нима учун бўладур, қоидаси ни-
мадур?

«Қурултой» деган сўз бутунги бухороликлар
учун ёт сўздур, таниш эмасдур. Бунинг сабаби-
ни, йўлини, фойдасини Бухоро улуси бирдан
тушуна олмайдур.

Биз, Бухоро, умуман, Туркистон халқи, ўзи-
мизнинг билмаслигимиз, онгиз, эпсизлигимиз
сабабли «қурултой» сўзини англамасак ҳам, бу
сўз тарихимизнинг энг эски бир ўртоғи, қалин
бир дўстидир».

Чўлпоннинг публицист сифатидаги маҳо-
рати шундаки, мақола бошидаёқ қурултойга
халқ эътиборини қаратишни кўзлаб жарчи-
лар услубига мос даъваткор ахборот бериш
йўлини танлайди. Унда бу сўзниг бухороликлар
учун ёт сўзга, тушункисиз, нотаниш
сўзга айланганини таъкидласа-да, тагмаъно-
ни айтишни лозим топмайди. Тагмаънода эса
амирлик салтанатида бу сўз аллақачонлар ис-
теъмолдан чиқиб кетгани аксланган. Шу са-
бабли «Бухоро, умуман, Туркистон халқи» бу
сўзни англамаса-да, аслида, бу сўз туркийлар
учун бегона эмаслигини эслатишни лозим кў-
ради ва қурултой тарихига экспурсия қилиб,
унинг халқ маслаҳат кенгаши сифатидаги
моҳиятини шундай изоҳлайди: «Бурунги турк
ҳукуматларидан ҳар бири иш бошига ўтғач,
ҳаммадан бурун умумий бир мажлис чақи-
пар эди. Бу мажлисга мамлакатнинг буюкли-
ри, халқ тарафидан сайланғон оқсоқоллари,
халқ фойдасини тушунган олимлари тўпла-
нап эдилар. Янги ҳукуматнинг сиёсати, идо-
раси, салоҳияти тўғрисида гапиравар эдилар.
Кенгашиб, машварат қилиб, қонунлар ясар
эдилар ва бу қонунларнинг ижросини ҳуку-
мат кишиларига топшуруб, ўз юртларига қай-
тар эдилар. Мана шул умумий мажлиснинг
оти «қурултой» эди. Эски турк ҳукуматлари
бошлариға улуғ бир иш тушганда ҳам қурул-
той чақириб, мушкулларини халқнинг кен-
гаши билан ҳал қиласар эдилар. Тугунларини
элнинг тирноғи билан ечар эдилар. Мамлакат
идораси учун энг тўғри, энг фойдали йўл шу
эди. Лекин замон бизни бу тўғри йўлдан чиқа-
риб, узоқроқ отди».

Чўлпон шу мулоҳазалар изҳоридан кейин
Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти номини шарҳ-
лашга ўтади: «Ёш жумҳуриятимизнинг исми
Халқ Шўролар Жумҳуриятидур. Бу исм уч му-
ҳим улуғ сўздан иборатдур: «халқ», «шўро»,
«жумҳурият». Мана шу уч улуғ сўзни бизга таф-
сири этгувчи нарса олдимиздағи «қурултой»дур.
Бу қурултойда халқ (масса)нинг «жумҳурият»,
яъни аксарияти тарафидан юборилган вакил-
лар «шўро», яъни машварат қилиб, мамлакат-
нинг асосий қонунларини, ташкилий идора-
сини ҳал қилурлар. Халқимизнинг саодати,
роҳати, ватанимизнинг бахти ва тараққиysi
йўлида берилган қарорларнинг ижросини маъ-
лум бир ҳайъатга топшириб кетурлар». Чўл-
пон қурултой моҳиятини БХШЖ исмига боғлаб
изоҳлаш орқали теран жамиятшунос қиёфаси-
да намоён бўлади. Шу сабабдан ўтказилиши ку-
тилаётган ҳукумат қурултойидан кўп нарсани
кута туриб унга муносиб вакилларни сайлашга
даъват этишни-да унутмайди. У ёзади: «Халқ-
нинг тинчлиги билан тинчсизлиги, ватанинг
саодати билан фалокати, ҳукуматнинг интизо-
ми билан бузуқлиги шул қурултой натижасида
муқаррар бўлур. Юборилғон вакиллар, сайланғон
кишилар тўғри, инсофли, виждонли, ватан
ва халқ фойдасини тушунғонлар бўлса, бу
қурултойдан кейин халқ тинч, ватан масъуд,
ҳукумат мунтазам бўлур. Юборилғон вакиллар
билан сайланғон масъул кишилар инсофсиз,
сотилғон, золимнинг қўйруги, томоқ ва ақча
бандаси бўлса, ишимиз яна оқсай қолур». Чўл-
пон қурултойга вакил сайлашда ана шу ҳақи-
қатга эътибор беришни жиҳдий масала қилиб
қўяркан, мақола якунида қандай кишиларни
вакилликка сайлаш ҳақида яна алоҳида мақола
ёзажагини эълон қилади.

Чўлпоннинг ўша даврда кечаётган сиёсий
ҳодисаларга муносабатини ойдинлаштиришда
газетанинг 1921 йил 15 июлдаги 45-сонида босил-
ган «Буюк зиёфат» мақоласи айрича аҳамиятга
эга. Чўлпон уни «фельветун» деб эълон қилган.
Аслида, у ҳисобот характеристидаги мақола бўлиб,
8 июлда Русия Шўролар Жумҳуриятининг Бухоро
Жумҳуриятига тайинланган янги сафорат
ҳайъати тарафидан озод ва мустақил Бухоро



Жумҳурияти шарафига катта бир зиёфат берилгани ҳақида хабар берилади. Гап шундаки, ўша зиёфатда қатнашган Россия элчиси ўринбосари Бодров ҳам, Бухоро Марказий Инқолоб Қўмитаси раиси Абдулқодир Муҳиддинов ҳам, Афғонистон элчиси ноиби Абдурасулхон ҳам, Бухоро Жумҳурияти Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжа ҳам, Россия элчиси Юренов ҳам қайта-қайта Бухоро мустақиллигини тилга олиб нутқлар сўзлашади. Чўлпон мақолада шу нутқларни имкон қадар тўлароқ келтиради.

Чўлпон бу зиёфатдаги нутқларни таҳлил қиласр экан, Россия ҳукумати Бухорода шўролаштиришни жадаллаштираётганини доно сиёсатдонларга хос зийраклик билан тобора теранроқ англай бошлаганидан уларнинг сўзлари бошқаю ишлари бошқалигини ҳис эта олганлиги туфайли, афтидан, ўша мақолани «фельетун» деб атаган кўринади. Чўлпоннинг нақадар ҳушёр ва сезир сиёсий-ижтимоий қарашлар соҳиби бўлганини бу мақоладаги фикрлардан ҳис қилиш мумкин.

«Байрам қутлуг бўлсун!»¹ мақоласи амирлик тузуми ағдарилгандан кейин нишонланаётган Қурбон ҳайити шодиёналари билан Бухоро ҳалқини қутлаш мақсадида ёзилган. Унда муаллиф «илгари Қурбон байрамларида мингларча сўйилғон қўйлар билан бирга Мушоҳада – шартнома бир неча мингларча юрт болалари, озодлик тарафдордари» ҳам сўйилганини, «сўйилған қурбонликлар устида қўл очиб фотиҳа қилғон кишилар билан бирга мамлакатнинг бутун аламзадалари қонли салтанатнинг фаносини тилаб дуо қилганликларини айтиб, эндилиқда бу байрам «озодлик ва биродарлик асосида янги турмуш» қураётганларнинг иймон ва эътиқодлари ҳурриёт байрамига айланганини мамнуният билан таъкидлайди. Айниқса, унинг «ўз бошича бир байрам» сифатида Бухоро инқолобининг бир ийлиги арафасида нишонланаётгани, энг муҳими, «жаллодсиз, салтанатсиз, қоронғусиз ўтказиш учун ҳар қанча фидокорлиқдан тортинмай турғон йўқсул элнинг озодлик ичида кечирмақда бўлғон байрами»га айлангани уни беҳад энтиқтирган

эди. Афсуски, шўро тузуми кейинги сиёсати давомида бу байрамни қатағон қилишгача бориб етди, хайриятки, миллий истиқлол ғалаба қилди-ю, бу байрам ҳалқимизнинг иймон ва эътиқод байрами сифатида яна ўзига қайтарилди.

Чўлпон газетада мамлакат ҳаётининг турли туман соҳаларини ёритишга алоҳида аҳамият берди. Унинг учун воқеаларнинг катта ё кичиклиги аҳамиятсиз эди. Газетанинг 1921 йил 8 декабр (58-сон)даги «Театр-томоша», 10 декабр (59-сон)даги «Азимжоннинг адабий намойиши» (Шарқ чолғу мусиқий мактаби уюштирган) ва «Комил Алматий концерти хусусида», 14 декабрь (60-сон)даги «Адабиёт кечаси» каби хабар-мақолалари Бухоро маданий ҳаётидаги ўзгаришлардан оммани воқиф этишни кўзлайди. Жўмладан, «Адабиёт кечаси» мақоласида Бухорода Фитрат ташабуси билан ташкил қилинган «Шарқ чолғу асбоблари мусиқа мактаби» фаолиятига тўхталган. Унда шу мактабда мусиқа сабогини олаётган ўттиз талабанинг ўзбек миллий созлари – танбур, ғиҷжак, қашқар рубоби, най ва бошқаларда нечоғлик маҳорат билан куйлар чала олганликлари, Фитратнинг шеър ва қўшиқлар билан ёзилган бир пардали «Ўғизхон» пъесаси намойиши, Фитрат шогирдларидан бўлған уч талабанинг миллий мумтоз қўшиқларимизнинг домла Абдуҳалим каби маҳорат билан ижро этганликлари, уларга амир саройи қўшиқчиси Мирбобо жўр бўлиб тургани ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Шу билан бирга, Чўлпон ҳали бу ижроларда талай этишмовчиликлар (баъзи куйлар чалалиги, айримлари бузуб ижро қилингани) борлигини уқтиришни ҳам унутмайди.

Ўша замонларда Бухорода уюштирилган театр томошалари, концертлар «Етимхона» деган томошахонада бўлған. Шундай концертлардан бири бошқирд қўшиқчиси Азиз ал-Ҳамид (Алмаҳмуд) ва татар мусиқачиси Сайдашевлар томонидан амалга оширилган. Бу концертда Чўлпон шахсан иштирок этган ва у ҳақдаги таассуротларини «Театр-томоша» мақоласида тақиқидий руҳда шундай ифода этган: «Концертнинг энг бошида ўқилғон машҳур (қашқарча) куй нақадар бузуқ, нақадар ғайритабиий,

¹ Бухоро ахбори. 1921 й. 14 август. №47.



оврўпалашган ва қўпол эди». Умуман, на бошқирд қўшиқчиси ва на татар қўшиқчисининг ижроси унга ёқмаган, чунки улар ижросида шарқона руҳ сезилмас даражада бўлган, қолаверса, ўзбек мумтоз қўйлари ва қўшиқлари ҳам бузуқ талқин қилинган.

Концерт кечаси савиясини кўтаришда Мұхиддин Қориёқубов маҳорат билан қўйлаган ўзбек қўшиқлари, Ҳамзанинг «Файратсиз Туркистоним», Гулом Зафарийнинг «Эрк болалари» операсидан «Ёр-ёр» қўшиқ ва қўйлари ижроси айрича роль ўйнаганини таъкидларкан, умуман, кеча ҳақида танқидий баҳо билан тутгатди мақоласини. У ёзади: «Кечадан на татар, на бошқирд, на ўзбек мамнун бўлмади. Бу кечада Алмаҳмуд ўртоқ нақадар руҳсиз кўринган бўлса, рус ва оврўпа қўйларига татар қўйларини қўшиб, иккаласидан «атала» пиширган Айдашев ўртоқ ундан-да руҳсиз кўринади».

Чўлпон бутун муҳаррирлиги давомида газетанинг моддий аҳволини яхшилаш, гоявий-бадиий мундарижасини юксалтириш ва ранг-барангланшивини таъминлаш, ўз вақтида нашр этилиши ва ўқувчиларга етказилишига эътибор берди ва бу масалаларга ҳукумат эътиборини қаратишни кўзлаб «Ҳукумат нашриётининг ҳоли», «Эргашиш» каби танқидий мақолаларини ёзди. Чунончи, газетанинг 1921 йил 15 январдаги 65-сонида «Кичик ҳангома» рукнида «Қаландар» имзоси билан босилган «Эргашиш» мақоласида шундай танқидий мулоҳаза баён қилинган: «Ҳафтада икки марта чиқишига тегиши бўлган «Ахбор» («Бухоро ахбори») бир марта ҳам чиқа олмайдур. Бухоро нашриётидаги «Афандим, азизим, газета чиқармоқ учун бизнинг вақтимиз йўқ. Биз «иш варақаси» («служебная записка») чиқариш билан бандмиз». Буларнинг бу жавобларига мен жуда қизардим, уялдим, тинглай олмадим. Эртаси куни «масъул от» ва «масъул от қашлағич»га «иш варақаси» чиқса, яна индай олмайман». Чўлпон нашриётда газетадай инжиқ нашрни амалга оширишдан кўра хилма-хил «иш варақалари» чиқаришни афзал билганлардан ана шу хилда куюниб ёзади. Эрта-индин «масъул от» ёки «масъул қашлағич»га ҳам «иш варақа-

си» чиқаришга оид кесатиши билан нашриёт ходимларининг нақадар масъулиятсизликларини, ҳатто ўз манфаатини жамият мафаатидан устун қўйишдан уялмаганликларини юзларига солади.

Чўлпоннинг «Тизгин талаш» мақоласи «Бухоро ахбори»нинг 1922 йил 15 февраль 72-сонида босилган. «Тизгин талаш» мақоласи Италиянинг Генуя шаҳрида Европа давлатлари ўтказган конференция (1922 йил) қарорлари таъсирида ёзилган. Мақола ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, «Бухоро ахбори» газетасининг тўлиқ бир саҳифасини эгаллаган. Чўлпон Биринчи жаҳон урушини ривожланган мамлакатлар бутун дунё сиёсати жиловини ўз қўлларига олиш учун уюштирганлиги, ҳар иккала томон учун ҳам (Учлар иттифоқи ва Антанта) уруш адолатсиз, бойлик орттиришга қаратилганлиги ҳақида чуқур мулоҳаза юритади. «1914 йили қони қизигон бир серб йигитининг бир донағина «ўқи»ни баҳона қилиб катта ва жаҳонни қоплаган бир уруш ясадилар. Сиз ва бизнинг тилимизда «Герман уруши» деб айтилган маъракада 10 миллион одамни қириб, 40 миллион одамни чўлоқ, оёқсиз, кўлсиз, кўзсиз, қулоқсиз қилиб тўхтадилар».¹ Уруш тугаган бўлса-да, сиёсий жанжаллар давом этаётганлиги, инглиз-француз, француз-немис, италян-япон, япон-американ зиддиятлари кучлилиги мақола матнида атрофлича таҳлил қилинган. Версал-Вашингтон шартномаларидан қўнгиллари тўлмаган ғолиб мамлакатлар (Англия, АҚШ, Франция) дунё сиёсатида етакчилик сари «ҳийла ва найранглар билан», «кураш майдонига чиққан хўroz ва қўчқорлардек» (Чўлпон) йўл тутаётганлиги тўғрисидаги фикрлари ҳақиқат эканлигини икки жаҳон уруши оралиғидаги тарихий воқеалар тасдиқлади.

А.Сулаймон Чўлпарда 1920 йилларда Европа ва Шарқ дунёсидаги ижтимоий муаммолар: оммавий ишсизлик, паст турмуш тарзи, зулм ва зўравонлик кабилар ҳақида афсус ва надомат билан ёзади. Мамлакатлар ўртасида тинч-тотувликка асосланган дўстона муносабатлар ўрнатилиши, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик жаҳон

¹ Қаландар. Тизгин талаш // Бухоро ахбори. 1922 й. 25 февраль. №72.



тараққиётининг энг муҳим кафолати эканлиги мақола охирида эслатиб ўтилади. Хуллас, Чўлпоннинг Бухородаги қисқа, лекин сермазмун фаолияти унинг таржимаи ҳолидаги энг муҳим давр бўлиб қолди.

Чўлпон муҳаррирликдан кетганидан кейин ҳам газета билан ҳамкорлигини давом эттиради. Ҳар гал Бухорога келганида янги шеър ва мақолаларини унда эълон қилиб турди. Чунончи, 1923 йилнинг баҳорида Бухорода бўлганида «Ўликларга қарши», «Уч-тўрт юлдуз» ва «Баландликда» каби учта шеърини ёзиб, шулардан «Ўликларга қарши» насрий шеърини «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил 7 май сонида эълон қилдирган.

Чўлпон ўзи муҳаррирлик қилган «Бухоро ахбори» газетасига айрича муҳаббат билан қарди, имкон қадар унинг ҳар бир сонини кузатиб борди, газетанинг полиграфияси, ундаги мақола ва шеърларнинг савияси билан муттасил қизиқиб турди. Шу муносабат билан «Тилимизнинг ишланиши» деган маҳсус мақола ёзиб, 1923 йилнинг 11 апрелида «Туркистон» газетасида эълон қилди.

Чўлпон мақолани сўнгги пайтларда газета эришаётган ютуқлар ҳақидаги мулоҳазалар билан бошлайди: «Бухоро ахбори» йўлдошимизнинг шакли, босилиши ҳозир хийла текислашди. Сўнгги вақтларда бу газетанинг ўз вақтида мунтазам чиқиб турғони кўруладир.

Қоғозларининг яхшилиғи, ҳарфларининг очиқлиғи, расмлик чиқиб туриши жиҳатидан бу газеталаримиз орасида биринчи ўринни тутадир. Ҳалқимиз нодон, китоб мутолаға рагбатсиз. Уни шунга ўргатмак ва қизиқтирумак учун матбуотнинг очик, аниқ, чиройли босдирлиши катта аҳамиятлиkdir. Туркистон, Бухоро ва Хива газеталари бунга айrim диққат қилишлари керак.

«Бухоро ахбори» йўлдошимизнинг бу тўғридаги файратини олқишлиймиз» (Қаранг: Адабиёт надир. – Б.145).

Кўриниб турибдики, Чўлпон ўзига яқин тутиб газетани «Йўлдошимиз» деб айтаётир. Шундай яқинлик туйғуси газетадаги ҳар бир ўзгаришни, жумладан, газета шакли, мунтазам

босилиши, қофози, ҳарфлари ва расмларининг сифат жиҳатдан яхшиланганини кўриб қалбан қаноат ҳосил қилишига, қолаверса, бу ҳалқимизда матбуотга, китобга ҳавасни кучайтиришга олиб келишини эътироф этишига олиб келган. У ҳатто шу фазилатларига кўра «Бухоро ахбори»нинг бошқа шундай нашрлардан олдинда туришини таъкидлаб, Туркистон ва Хивадаги газеталарни ҳам шу даражада нашр этиш лозимлигини уқтиради.

Шу билан бирга, Чўлпон газета фаолиятини янада яхшилаш, ўқимишлилик даражасини кўтариш мақсадида унда йўл қўйилаётган айrim камчиликларни ҳам рўйи-рост мисоллар билан бирма-бир кўрсатиб ўтади.

«Бухоро ҳокимиятининг расмий тили ҳам ўзбекчадир. Бухородек форс-эрон таъсирига ортиқ ютулуб кетиб, ўз тилидан ажralиб қолфон билан ўлка учун, у ердаги қўпчилик авом учун тилнинг аҳамияти жуда зўрдир. Ҳолбуки, «Ахбор» йўлдошимизда бу жиҳатга сира диққат этилмайдир ёки этила олмайдир» (Ўша манба. – Б.145). «Чигатой гурунги»да қатнашиб, ўзбек тилининг соғлиги учун кураш сабогини олган Чўлпон учун «Бухоро ахбори» газетаси тилида «ярим татар ва ола-була ўзбек шеваси»да, форс-тожикча сўзлар билан аралаш-қуралаш ҳолда битилган мақола ва шеърларнинг сероблиги ғайритабиий туюлиши табиий бир ҳол эди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-йиларида ўзбек адабий тилини яратиш учун кураш бошлашга асос бўлган ҳолат ҳам худди шу – ярим татар, ярим турк, ярим форс-тожик сўзларни билиб-билимай қўллашдан иборат иллат эди. Чўлпон бу жараённинг салбий оқибатларини чуқур англаб етгани учун биргина газета – «Бухоро ахбори» мисолида шу иллатни аниқ далиллар билан кўрсатиб, уни бартараф этиш чоралари ни ҳам таклиф қилди.

Чўлпоннинг барча орзу-истаклари беиз кетмади, албатта. Газета юз йилдан зиёдроқ фаолияти давомида – «Бухоро ахбори»дан «Озод Бухоро»га, «Озод Бухоро»дан «Бухоро пролетари»га, «Бухоро пролетари»дан «Бухоро ҳақиқати»га, «Бухоро ҳақиқати»дан «Бу-



хоронома»га ўта туриб унга дастлабки муҳаррирлардан иккинчиси бўлиб ишлаган, унинг фаолиятини жонкуярлик билан ташкил этган буюк шоир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг шу ўгитларига амал қилиб келаётгани учун ҳам бухороликларнинг севиб ўқийдиган газетасига айланиб, уларга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Чўлпон биринчи бор Бухорода 1921 йил 27 майдан 1922 йил 20 марта қадар 10 ой давомида яшаган. У «Бухоро ахбори» газетасининг 1921 йил 30 июнда чоп этилган 41-сонидан 1922 йил 25 январигача чиққан 67-сонигача бош муҳаррирлик қилган. Унинг муҳаррирлигига газетанинг 24 та сони босмадан чиққан, уларда Чўлпоннинг 13 мақоласи, 15 шеъри эълон қилинган.

Чўлпон иккинчи марта Бухорода 1923 йилнинг 28 апрелидан 8 майигача бўлган. Шу даврда «Ўликларга қарши», «Уч-тўрт юлдуз» ва «Баландликда» каби учта шеърини ёзиб, шулардан «Ўликларга қарши» шеърини «Бухоро ахбори»

газетасининг 1923 йил 7 май сонида эълон қилдирган (Сафаров О. Кўрсатилган асар. – Б.80; Болтабоев Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б.132).

Чўлпон учинчи марта 1928 йил 18 майда Бухорода бўлганлиги тўғрисида Наим Каримов «Чўлпон» маърифий романида қўйидаги эпизодни келтиради.

«1928 йилнинг 18 майи бутун ўзбек санъати учун, айниқса, Чўлпон учун мусибатли кун бўлди. Шу куни кечаси Турсуной ваҳшийларча ўлдирилди. Унинг етти жойига санчилган пичоқ ўзбек халқини эндинга 16 ёшга тўлган, ҳали ўн гулидан бир гули олчилмаган, келажаги буюк фарзандидан жудо этди... Бухоро Регистон майдонида буюк Турсуной билан видолашибишилди. Мотам митингига сўз айтган Чўлпон сўзламади – йиглади, йигламади – дод-фифон қилди. Унинг фифонидан бутун Бухоро юм-юм кўз ёш тўқди».

Демак, А.С.Чўлпон Бухорода уч марта бўлганлиги, турли сабабу баҳоналар билан Бухорои шарифга ташриф буюргани аниқ.



АБДУЛЛАХОН II ҲУКМДОРЛИГИ ДАВРИДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ

Т.Ф. Ҳасанбоев, Жиззах ДПИ докторанти

Ўзбек миллий давлатчилиги қадимиятини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланиб, бу воқелик ватан тарихида салмоқли из қолдирган сулолалар, уларнинг буюк вакиллари ўтмишини ўрганишга бўлган қизиқиши ва масъулиятни янада оширади. XVI асрда Бухоро хонлигига фаолият кўрсатган шайбонийлар сулоласи ҳам айнан шундай ўзининг кўп қиррали, қизиқарли тарихига эга сулолалардан бири ҳисобланади. Ушбу сулола ҳукмдорлари орасида Абдуллахон II алоҳида нуфузга эга бўлиб, унинг тўлиқ исми Абдулла ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожа Муҳаммад ибн Абулхайрхондир.

Абдуллахон II (1534 – 1598) Кармана ва Миён-қол ҳукмдори бўлган Искандархоннинг ўғли эди. У ёшлигидан ноёб истеъодод соҳиби бўлиб вояга етди, айниқса, ҳарбий санъатда жуда мөҳир бўлиб, тарихчи Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ёзганидек, «....ўқ узиш, камон тортиш, тиф ва найза уриш сирларини билишда юз таҳсин, минг оফарин билан ўша замондаги етук сultonлардан ўтиб кетган» [2: 93] эди.

Шайбонийлар сулоласининг құдратли ҳукмдори бўлиб етишган Абдуллахон II (1556 – 1598) нафақат йирик давлат арбоби, саркарда, балки илм-фан, маърифат, маданият ҳомийси ҳам ҳисобланган. Абдуллахон II Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан кейин парчаланиб кетган мамлакат ҳудудини қайта бирлаштириш, марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ёшлиқ чоғидан қаттиқ кураш олиб борган.

Марказий Осиёning йирик тарихий-маданий ўлкалари қаторидан муносиб ўрин олган, қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган Уструшона мамлакати ва унинг шимолий, шимоли-ғарбий, ғарбий ҳудудлари ҳисобланмиш Жиззах воҳаси ҳам Абдуллахон II ҳукмдорлиги даврида унинг диққат эътиборидан четта қолмаган.

Тарихдан маълумки, XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида Темурийлар давлати кучизланиб қолганлигидан фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ Дасти Қипчоқнинг чорвадор қабилалари Мовароуннаҳр воҳаларини эгаллаб оладилар ва ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Бу даврда яратилган ёзма манбалардан бири – Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» дostonида Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳар-кентлари қаторида Жиззах воҳаси ҳақида ҳам анча маълумотлар келтирилган. Темурийлар сулоласининг инқирози, янги сулола – шайбонийлар ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ давр тарихий воқеалари баёнига багишланган ушбу асарда Жиззах Шайбонийхон ёки унга муҳолиф кучларнинг лашкаргоҳи, муҳим ҳарбий стратегик маскани сифатида таърифланади.

«Шайбонийнома» асарининг «Имом-уз-замон, халифат-ур-раҳмон Самарқандни олған йилнинг қишинда мўғул устиға черик тортиб Хоника хонни вилоятларин, Шоҳруҳияни чоптурғони» ҳақидаги бобида Шайбонийхоннинг Самарқанддан Дизак (Жиззах) қалъаси томон келганилиги, кейинчалик бу қалъадан ўтиб кетиб, укаси Махмуд Султонга мўғулларга қарши кўшин тортиб, Шоҳруҳия, Шош, Сайрам шаҳарлари устига юриш қилиш ҳақидаги топшириғини берганлиги ҳақида [5: 92 – 96, 126], бундан ташқари, асарнинг «Ҳазрати имом-уз-замон, халифат-ур-раҳмон мўғул устиға бориб, Ўратепа қўргонида Муҳаммад Ҳусайн Мирзони қабогони ва ул ёлбориб сулҳ тилағони» ҳақидаги бобида эса Шайбонийхоннинг Ўратепа қўргонига юриши, бу юриш давомида жуда катта кўшиннинг Сабот (Савот)да (Зомин яқинидаги кент – Ҳ.Т.) тўпланиши, Ўратепанинг мустаҳкам қалъа эканлиги, ундаги буржу борулар құдрати, қўргоннинг оқил ҳокими сифатида Муҳаммад Ҳусайн ва у билан тузилган



тинчлик сулҳи ҳақида маълумотлар келтирилади [5: 130 – 134].

Шайбонийлар даврида фаолият кўрсатган тарихнавис Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан форс-тожик тилида ёзилган «Абдулланома» («Шарафномаи шоҳий») асари ҳам Жиззахнинг XVI асрдаги тарихи, ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳаётда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида маълумот берувчи қимматли манбадир.

Шайбонийларнинг энг номдор, қатъиятли хонларидан бири бўлган Абдуллахон II (1556 – 1598) Мовароуннахрни бирлашириш, марказлашган давлат тузиш ва уни мустаҳкамлаш учун ўз умрининг катта қисмини жангу жадалларда ўтказади. Тинимсиз курашлар давомида ҳукмдор бир неча марта муҳим сиёсий, ҳарбий тадбирлар билан ҳозирги Жиззах шаҳри, унинг ён-теварагидаги қалъа-қўргонлар – Учтепа, Кўкгумбаз, Работи Малиқ, Ём, Пешағор, Ардаҳшон, Аччи, Зомин, Сабот ва бошқа кентларда бўлган [3:71].

«Абдулланома» муаллифининг ёзишича, 1578 йилда «Соҳибқирон ҳазрат» Бобо Султон билан урушиш қасдида Зомин томон черик тортади. Қўшин Ипор мавзеига етганда «шавкатли шаҳриёр ҳузурига Ҳинд мамлакатининг подшоси Жалолиддин Муҳаммад Ақбар томонидан атоқли совғалар, кароматли ҳадялар билан элчи келиб, итоаткорлик ва бўйинсунишдан хабар берувчи элчилик мазмунини арз қиласди» [2:301].

Дарҳақиқат, бу ерда ҳижрий 986 йилда (1578 й.) Мовароуннахрга келган Мирзо Пўлат бошчилигидаги Ҳиндистон элчилиги ҳақида маълумот берилган. Тарихий манбалардан маълумки, бу даврда Абдуллахон Мовароуннахрдаги рақиблари устидан тўла ғалаба қозонмаган, бунинг устига, Самарқанд ҳокими Жувонмардалихон, Тошкент ҳокими Бобо Султон ёрдамига ишониб Абдуллахонга қарши исён кўтарган эди.

Абдуллахон Ақбаршоҳ элчисининг қайтишига рухсат бермайди. Чунки элчининг номақбул таассурот билан Ҳиндистонга қайтишини истамайди ва элчига рақиблари устидан қозоннажак ғалабасини намойиш қилмоқчи бўлади. Шу сабабли лашкар элчилар ҳамроҳлигидан

Жиззахга қўнади. Таъкидлаш лозимки, Ипор мавзеи «локализация»си бўйича олиб борилган изланишлар ҳозирча самара бергани йўқ. Археолог М.Пардаевнинг берган оғзаки маълумотларига қараганда, ушбу мавзе ҳозирги Булунғур ва Фаллаорол туманлари оралиғида бўлган. Бундай фикрнинг юзага келишига манбадаги Абдуллахон II бошчилигидаги «...лашкар элчилар ҳамроҳлигидан Дизах (Жиззах)га қўнди» деган маълумот асос бўлган. Демак, мантиқан фикрлагандага ҳам 1578 йилда Абдуллахон II Самарқанддан Жиззах томон йўлга чиққандан сўнг элчилар келган бўлса-да, у Самарқандга қайтмаган. Шунингдек, лашкар Жиззахдан Зомин томонга ҳам ўтиб кетмаган ва Жиззахга қайтмаган. Қўшин йўлда давом этиб, Жиззахга қўнган.

1578 йилнинг 4 июль, якшанба куни Жиззахга ўзбек султон катта сипоҳ билан ташриф буюради. «Абдулланома»да бу борада қўйидағи маълумот мавжуд: «Аъло ҳазрат унинг учун икки кун тўй берди. У ерда (Жиззахда – П.А.) аъло ҳазратнинг буйруғига мувофиқ дин низоми Амир Қулбобо ва Мавлоно Ҳайдар (Муҳаммад) мунший лашкарни кўриқдан ўтказдилар. Уч кун давомида тўда-тўда кишилар келиб, исмларини ёздиридилар. Ул ҳазратнинг хос сипоҳи, кичик султоннинг (яъни Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин султоннинг – П.А.) мавқабида бўлганлар сони уларга озиқ-овқат тайёрловчилардан ташқари ўттиз минг кишига етди» [6: 12 – 13].

Ушбу манба маълумотларидан кўриниб турбидики, Жиззах воҳаси шайбоний ҳукмдорларнинг фаолияти давомида алоҳида ҳарбий-стратегик аҳамият касб этган ҳудуд бўлган.

1579 йил ёзида Абдуллахон Тошкентдалик пайтида Бўзахўр султон ўз тарафдорлари билан Самарқандни эгаллайди. Абдуллахон тезлик билан Тошкентдан қайтиб, аввал Учтепа (ҳозирги Ш.Рашидов тумани маркази – Ҳ.Т.)га, сўнг Жиззахга келади. Жиззахда душман ҳақида тўлиқ маълумот тўплайди. Лашкар ва отларга дам бериб, Самарқанд учун жангга тайёрланади. Бу воқеалар манбада қуйидагича баён этилган: «Панжшанба куни эрталаб оламни босиб олевчи отни жавлон урдирган ҳолда Уч-



тепага тушди. У ердан бир кишини Дизахга Али Мардон баҳодир ҳузурига юборди. Ўша кечаси туни билан йўл юриб, жума куни эрта тонгда шундай биёбондан чиқиб, Дизах музофатларидан бирига тушди. Ўша замондаёқ қутли ҳукм бўлди. «Хизматчилар сув бериб сероб қилиш ибодатларни афзалидир» иборасига мувофиқ тия карвонларига сув ва озиқ-овқат ортиб, пиёда ҳамда ҳориганлар қарисига чиқиб, (уларни) сероб қилсинлар ва уларни қонхўр биёбондан чиқариб аҳоли яшайдиган жойга етказсинглар. Ўша куни пешин намози вақтида (душманни) ёқувчи хоқон жойидан кўчиб, Дизах деган мавзеда яшаш байробини тикид» [2:347].

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдулланома») асаридан шайбонийлар даврида Жиззах воҳасига катта эътибор берилгани, ундан ҳарбий-стратегик макон сифатида фойдаланилганлиги, Жиззах қалъаси, айниқса, Абдуллахон II (1556 – 1598) даврида муҳим лашкаргоҳга айлангани, ушбу ишлар билан бир қаторда баъзи ободончилик ишлари, жумладан, Туятортар канали, Сардобалар қурилиши ҳам амалга оширилганини билишимиз мумкин.

Тарихий ёзма манбаларда баён этилишича, Туятортар (анҳори) канали XVI асрнинг иккинчи ярмида, Бухоро хони Абдуллахон II (1556 – 1598) даврида қазилган. У Зарафшон дарёсининг Работи Хожа баргоҳи – боштӯғондан бош олган. Унинг умумий узунлиги 97 км. Туятортар суви Зарафшондан, шарқдан шимоли-ғарб йўналиши бўйича оқиб Фармонтепа, Дўстмат, Тайпоксой, Шўрбулоқ, Музбел, Тозауруг қишлоқлари орқали Гул қишлоғига яқин жойда Сангзор дарёсига қўйилади. Жиззах воҳаси сув таъминотини яхшилаш учун қазилган Туятортар канали орқали Зарафшон дарёси сувининг тахминан 1/7 улуши Жиззах воҳаси сув таъминоти учун оқизилган [1:7: 51 – 56].

Этнографик маълумотларга қараганда, ўрта аср ирригатор-мироблари Туятортар шоҳарифи (канали)ни қазишдан аввал сув ўзани йўналишини аниқлаш учун бир усул қўллаган. Яъни Зарафшон сув айирғичи (Варақсар) «Работи Хожа» худудидан шимоли-шарқий йўналишда бир түяни омоч (сўқа)га қўшиб, ҳайдаб юбо-

ришган. Назоратсиз қолган жонивор омочни тортиб ҳозирги Фаллаорол тумани (аввалинг янгиқўргон) Тоза уруғ қишлоғи чеккасидан оқиб ўтадиган Сангзор дарёси қирғогигача келган ва шу ерда тўхтаган. Ахборотчиларнинг айтишича, омоч қолдирган из бўйлаб шоҳариқ ўзани тушган. Маълум бўлишича, тия жонивор аксарият ҳолатда энишга-пастликка қараб юрган, юқори-баландликка кўтарилимаган. Шу сабабли Абдуллахон II даврида қурилган шоҳариқ Туятортар номи билан аталган. Туятортар шоҳарифи суви айни вақтда ҳақиқатан ҳам Тоза уруғ қишлоғи атрофидан Жиззах воҳасининг асосий оқар сув манбаси ҳисобланмиш Сангзор дарёсига қўйилади.

Шайбонийлар даврида Жиззах воҳаси ҳудуди фақатгина ҳарбий мақсадлар ва улар билан боғлиқ жараёнларда эмас, балки савдо-сотиқ, элчилик алоқалари тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Яъни Марказий Осиё минтақасининг муҳим савдо йўллари кесишигандан чорраҳасида жойлашган Жиззах воҳасида Фарғона водийси ва Хўжанддан Ўратепа орқали келувчи карвон йўли Тошкентдан Мирзачўл орқали келган йўлга қўшилиб, бу ердан Самарқандга ва Нурота тогининг шимолидаги текислик бўйлаб Нуротага борувчи йўл бошланарди. Жиззахдан Самарқандга асосий йўл Илонўтди дараси орқали ўтгани маълум. Бу йўл Фарғона ва Тошкентдан Самарқандга аравалар билан боришига имкон берган ягона йўналиш бўлганлиги боис бу даранинг аҳамияти ниҳоятда катта эди [4:202].

Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк ипак йўлининг аҳамияти бир қадар ошганлиги, нафақат маҳаллий савдо-сотиқ муносабатлари, балки халқаро савдо-элчилик алоқаларининг ҳам йўлга қўйилганлиги туфайли Жиззах воҳаси Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳар ва қишлоқларини боғлаб турувчи, катта нуфузга эга занжир вазифасини ўтаган. Бундай аҳамиятли жиҳатни Жиззах воҳаси XVI аср шайбонийлар даврида, жумладан, Абдуллахон II замонида ҳам сақлаб қолган.

Сўнгги ўрта асрларга оид бўлган Қўқондан Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах орқали Самарқандга келувчи йўл тафсилотлари Мир Иззатуллонинг «Маъсири Бухоро» («Бухоро-



га саёхат») асарида келтириб ўтилган. Унга кўра, Жиззахдан кейин Илонўтди дарасидан ўтилиб, Янгиқўрғон, Муллабулоқ, Қўшкўприк ва Қорақалпоқ каби иирик қишлоқлар орқали Самарқандга борилган [4:203]. Бу даврда Шарқ ва Фарб мамлакатларини боғлаб турувчи чорраҳада жойлашган Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтган карвон йўллари бўйлаб бир кунлик йўл масофаси ҳисоби бўйича карвонсарой ва сардобалар барпо этилган. Сардобалар қурилиши Амир Темур ва темурийлар ҳамда шайбонийлар даврида анча кенг миқёсда олиб борилган. Жиззахдан Сирдарё кечувларига, Бухородан Қарши орқали Амударёнинг ўрта оқимидағи Керки ва Келиф кечувларига олиб борувчи йўлларда қурилган сардобалар бундан далолат беради. Айниқса, XVI аср иккинчи ярмида шайбоний Абдуллахон II томонидан кўплаб сардобалар қурилган эди. Қоровулбозор сардебаси, Якка сардoba, Жиззах-Чиноз оралиғидаги чўл ҳудудида жойлашган з та сардoba ва бошқа бир қатор шундай иншоотлар бунга мисолидир [4:285 – 286]. Буларнинг ҳаммаси XIV – XVI асрларда фаолият кўрсатган икки буюк саркарда – Амир Темур ва Абдуллахон II нинг ўз давлатларидағи савдо-сотик, элчиллик ҳамда маданий алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилган амалий тадбирлари ҳисобланади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб қуидагиларни хулоса қиласиз:

- Шайбонийлар даврига оид манбаларда Жиззах ва унинг шаҳар-кентлари, асосан, ҳарбий ҳаракатлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларда тилга олинади. Бу даврда Жиззах ҳудуди ҳам шайбоний ҳукмдорлар, ҳам уларнинг ғанимлари учун ўз ҳарбий мақсадларини амалга оширадиган, алоҳида аҳамиятга эга лашкаргоҳ вазифасини ўтаган. Шайбоний Абдуллахон II давлатининг ҳарбий куч-кудратини ўзга мамлакатларга, жумладан, Ҳиндистон ҳукмдори вакилларига кўрсатиб қўйиш учун Жиззахда қилинган лашкар кўргиги бу ҳудуднинг қай даражада ҳарбий нуфузга эга эканлигини исботлаб беради.

- Абдуллахон II (1556 – 1598) даврида Жиззах воҳасига катта эътибор берилган бўлиб, ундан ҳарбий-стратегик макон сифатида фойдала-

ниш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, баъзи ободончилик ишлари, жумладан, Туятортар канали, сардобалар қурилиши ҳам амалга оширилганини шайбонийлар даврида яратилган манбалар маълумотларидан билишимиз мумкин.

3. Демак, сўнгги ўрта асрлар тарихида Жиззах воҳаси ҳудуди фақатгина ҳарбий мақсадларда эмас, балки савдо-сотик, элчиллик муносабатларида ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Темурийлар ва шайбонийлар даврида Буюк ипак йўлиниң аҳамияти бир қадар ошган бўлиб, маҳаллий савдо-сотик муносабатлари, ҳалқаро савдо-элчиллик алоқалари ҳам йўлга қўйилганлиги туфайли Марказий Осиё минтақасининг муҳим савдо йўллари кесишган чорраҳада жойлашган Жиззах воҳаси бу даврда фаолият кўрсатган давлатларнинг ҳар томонлама ривожи учун катта ҳисса қўшган маданий ўлка ҳисобланган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

- Анарабаев С. Туятортар канали қурилиши тарихи // Археологлар ҳикоя қилади. – Тошкент, 1974.
- Хофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (Шарафномайи шоҳий). I китоб / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. – Тошкент, 1999.
- Ҳасанбоев Т. Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврлардан ҳозирги кунгача). Конференция материаллари. – Жиззах, 2020.
- Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимиги йўллари. – Тошкент, 2008; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент, 1989.
- Пардаев А.Ҳ. Жиззах беклиги Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан XIX асрнинг бо-йилларигача). Дисс. автореф. – Тошкент, 2004.
- Гуломов Я.Ф. Туятортар ва Жиззах // Коммунизм сари. 1962 й. 14, 16, 18 ноябрь; Гуломов Я.Ф. Жиззах тарихига доир // Қизил Ўзбекистон. 1963 й. 3 январь.



БУХОРО ВА ҚОЗОҚ ХОНЛИГИ ҮРТАСИДАГИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТ- ЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИННИНГ ЎРНИ (XVII асрнинг биринчи ярми)

А.Б.Мусаев

Фарғона водийси тарихи бўйича салмоқли илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Жумладан, ўрта асрлар тарихи бўйича Б.Усмонов, С.Юлдашев, А.Нишоновларнинг самарали изланишлари натижасида водийнинг ижтимоий, сиёсий тарихи ҳамда маданий ҳаёти бўйича қўпгина жумбоқли масалалар ўз ечимини топмоқда.¹ Юқоридаги тадқиқотларнинг тадрижий давоми сифатида водийнинг аштархонийлар даври тарихига оид изланишларни олиб бориш дол зарблик касб этмоқда.

Маълумки, XVII асрнинг бошларида Мовароуннахрнинг шимоли-шарқий ҳудудлари учун аштархонийлар ва қозоқ хонлари ўртасида рақобат кучайган. Дастребки тўқнашувларда қозоқлар устун келиб, Сирдарё бўйлари ва Тошкентда ўз ҳукмронликларини ўрнатишган. Фарғона водийси ҳам бу курашлардан четда қолмаган. Айрим адабиётларда водий қозоқлар тасарруфига ўтганлиги ҳақида илмий хуносалар берилмоқда. Шунинг учун ҳам тарихий манба ва илмий адабиётларни таҳлил этиш орқали юқоридаги фикр-мулоҳазалар қанчалик асосли экантигини

кўриб чиқиши зарурияти пайдо бўлди.

Аштархонийларнинг биринчи ҳукмдори Боқимуҳаммадхон (1601 – 1605) даврида мамлакат бирлиги сақланган, жанубда сафавийлар 1602 йили мағлуб этилган бўлса-да, Тошкент ва Фарғона водийси учун кураш учнчалик омадли кечмади. 1605 йили Боқимуҳаммадхон қозоқлар билан курашдан сўнг ортга қайтиб, кўп ўтмай вафот этгач, тахтга унинг укаси Валимуҳаммадхон эга чиқди. Валимуҳаммадхон давлат ишларига кам эътибор берган. Ўз вақтини баъзида майшат, баъзида эса пирлар суҳбати билан ўтказган.²

Унинг даврида ҳам асосий ташки хавф мамлакатнинг шимоли-шарқий чегараларидан эди. Туркистон ҳудудлари, Тошкент воҳаси ҳамда Фарғона водийсининг марказий ва шарқий қисмлари Аштархонийлар давлати таркибига кирмаганди. Бу вақтда Тошкент ва Туркистон ҳудудларида ҳукмронлигини ўрнатган қозоқ сultonлари доимо Зарафшон воҳасига ҳужум қилиб турган. 1606 ва 1609 йилларда Сабронда ўрнашган қозоқ сultonни Абулай Самарқандгача бостириб келиб, унинг атрофини талон-торож қилган эди. 1609 йили Валимуҳаммадхон амир Муҳаммад Боқибий қалмоқ бошчилигига қозоқларга қарши қўшин юборди. Мовароуннахр лашкари томонидан қозоқ қўшини мағлуб

¹ Usmonov B. Inclusion Of The Fergana Valley Into The State Of Amir Timur // History Research Journal. Vol. 5. Issue 5. September-October 2019. – P.1154 – 1158; Yuldashev S.B. The impact of the Aksu battle on Ferghana // ERPA International Journal of Research and Development. 2020. Vol. 5 (8). – P.60 – 64; Nishonov A. Review of the Fergana valley in memorial works during the Shaybani rule // Priority directions for the development of science and education. International scientific and current research conferences. – Austin, USA. 2021. – P.162 – 167.

² Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Бахр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2006. – С.113.



етилиши натижасида Тошкент шаҳри аштархонийлар тасарруфига ўтган. Шаҳарга Валимұхаммадхон яқинларидан Мұхаммад Султон ибн Турсун Мұхаммад¹ ҳоким этиб тайинланган.¹

Фарғона водийсидаги вазият бу пайтда қандай бўлғанлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Тошкент воҳасидаги сиёсий воқеаларнинг таҳлили икки хил мулоҳазани билдириш имконини беради:

Туркистон, Тошкент, Аҳси, Андижон ҳудудларида 1604 – 1605 йилларда Абдулғаффор ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Кўп ўтмай Тошкент яқинидаги Қорақамиш мавзесида қозоқ султонлари Эшимхон ва Баҳодирхон томонидан Абдулғаффор ўлдирилгандан сўнг Фарғона водийсининг марказий ва шарқий қисмларида қозоқлар ҳукмронлиги ўрнатилган бўлиши мумкин.

Водийда маҳаллий амирларнинг мустақил ҳукмронлиги бошланган. Сабаби, XVII аср бошларида андижонлик бир гурӯҳ маҳаллий амирлар Тошкентни эгаллашиб, у ерда Келди Мұхаммадхон ҳукмронлиги ўрнатилган эди. 1624 – 1625 йилларда Имомқулихон томонидан амалга оширилган Фарғонага юриши айнан Келди Мұхаммад ўғли Хонзоданинг илтимоси билан амалга оширилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бизнингча, иккинчи мулоҳаза кўпроқ ҳақиқатга яқин. Келди Мұхаммадхон вафот этгандан сўнг Фарғонадаги ҳокимият амалда унинг ўғли Хонзода қўлига ўтган. У ташқи сиёсий вазиятдан келиб чиқиб баъзида қозоқ султонларига, баъзида эса аштархонийларга бўйсунган. Бу бўйсуниш мавжуд сиёсий жараёнларда фақатгина расмий характер касб этган. Аслида эса Хонзода мустақил фаолият олиб борган.

Валимұхаммадхон ҳукмронлигининг қолган даври Имомқулихон ва Надрмухаммадга қарши курашда ўтганлиги учун Тошкент ҳамда Фарғона водийсини марказий ҳокимият ихтиёрига қайташ масаласи ортга сурилди. 1611 йили

¹ Валимұхаммадхон амакиваччаси, баъзи адабиётларда Поянда Мұхаммад деб ҳам аталган. Алексеев А.К. Политическая история Турай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Бахр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петербург. ун-та, 2006. – С.113.

Имомқулихон Самарқанд яқинида сафавийлар ёрдамига таянган Валимұхаммадхонни мағлубиятга учратди. У мазкур курашда ўзига ёрдам берган қозоқ султони Эшимхоннинг Тошкент ва Туркистон ҳудудларида ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган. Эшимхоннинг ўғли Жонибекка Самарқанд яқинидаги Соғаржни инъом этган.² Бошқа қозоқ султони Абулай султонга мулк берилмаган. Мулклар тақсимоти масаласида Фарғона водийси ҳақида ҳам сўз юритилмаган. Бу ҳам Фарғона водийсининг марказий ва шарқий қисмлари қозоқларнинг таъсирида бўлмаганлигини кўрсатади. Ҳудуднинг бу қисмида марказ Андижон шаҳри бўлғанлиги манбаларда таъкидланган.³ Фақатгина Фарғона водийсининг ғарбий қисмлари, яъни Хўжанддан Марғilonгача бўлган ҳудудлар аштархонийларнинг тўғридан-тўғри бошқарувида бўлган.⁴

Ушбу масалани ёритишда Роберт Д. Мак Чеснейнинг бир неча фикрлари аҳамиятлидир. У ўзининг мақоласида Боқимуҳаммадхон ва Келди Мұхаммадхонларнинг қарама-қаршилигини ёритиб, 1604 йилнинг баҳорида Самарқандда икки ҳукмдор тўқнашганлигини таъкидлаган. Мағлуб бўлган Келди Мұхаммадхон ортга қайтиш вақтида вафот этган. Боқимуҳаммадхон томонидан 1605 йилда Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларига уюштирилган иккинчи ҳужум пайтида Келди Мұхаммадхон фарзанди Хонзода тилга олинади.⁵ Лекин бу тўқнашув қаерда бўлғанлиги ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Роберт Д. Мак Чесней билдириган юқоридаги фикрлар Фарғонанинг марказий ва шарқий қисмлари қозоқ султонлари тасарруфида бўлмаганлигини кўрсатади.

² Ахмедов Б.А. История Балха (XVI – первая половина XVIII в.). – Ташкент: Фан, 1982. – С.107.

³ Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод, примечания, указатели Б.А.Ахмедова. Отв. ред. А.К.Арендс. – Ташкент: Фан, 1977. – С.17.

⁴ Bregel Yuri. An historical atlas of Central Asia.p.cm. (Handbook of Oriental Studies Section eight. Central Asia; vol.9). – Leiden Boston: Brill, 2003. – P.57.

⁵ Robert D. McChesney. Central Asia vi. In the 16th – 18th Centuries // Encyclopædia Iranica. V/2. – P.176 – 193, available online at <http://www.iranicaonline.org/articles/central-asia-vi> (accessed on 30 December 2012).



Мұхаммадёр ибн Араб Қатагоннинг таъкидлашича, Келди Мұхаммад вафот этганидан сўнг Тошкент қозоқ султонлари Эшимхон ва Баҳодирхон қўлига ўтган. Бизнингча, Хонзода Фарғонадаги ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолган. Шунингдек, «Мусаххир ал-билод» асари муаллифи Туркистонда Абулманғит уруғидан чиққан соҳта шайбоний Абдулғаффор султон Эшимхонни мағлубиятга учратгандан сўнг нафақат Туркистон ва Тошкент, балки Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари – Андижон ва Аҳси ҳам унга бўйсунгандигини қайд этади.¹ Бундан кўринадики, Андижон ва Аҳси ҳокими Хонзода Абдулғаффор султоннинг таъсирини маълум даражада тан олган. Абдулғаффор султон Қорақамишда Эшимхон ва Баҳодирхонлар томонидан ўлдирилгандан сўнг Тошкент яна қозоқ султонлари қўлига ўтган бўлса-да, Фарғона водийси уларга бўйсунмаган. Қозоқ хонларидан бири Абулай султон водийни эгаллагунга қадар ҳудуд қозоқларга бўйсунгандиги ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Бу вақтда водийни ўз қўлида тутиб турган Хонзода учун тобора мустаҳкамланиб бораётган аштархонийлар таъсирида бўлиш манфаатли эди.

И момқулихон таҳтга чиққач, асосий эътиборини мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмiga қаратган. Бу даврда Қозоқ хонлиги Эшимхон бошчилигига кучли давлатга айланган ҳамда Сирдарё ҳавзаси ва Тошкентда мустаҳкамланиб олишга ҳаракат қилаётган эди. И момқулихон 1612 – 1613 йилларда Талас водийсида қозоқтарни мағлубиятга учратиб, уларнинг мазкур ҳудудлардаги таъсирини бирмунча камайтиришга эришди. «Муқимхон тарихи» асаридан бу ҳақда батафсил маълумот олиш мумкин. «Қозоқ ва қалмоқ қабилалари, – деб ёзади муаррих, – азалдан бўйсунмасликка ўрганган бўлиб, (ҳозир ҳам) тўда-тўда бўлиб мамлакат (Мовароуннаҳр)нинг чекка ҳудудларига чопқин қилдилар. Қаттиққўл хонлардан ер юзининг хоқони (И момқулихоннинг) ғолиб қўшин-

лари олий узанги атрофида йиғинсинлар деган буйруқ содир бўлди. 1021 (1612/1613) йили (жаноби олийлари) қудратли шоҳона байробини баланд кўтариб, юриш бошлади. Туркистоннинг чегараларидан тортиб Ашпара ва Қоратовнинг охирги ҳудудларигача ёв қозоқлар, қорақалпоқлар ва қалмоқларни ўлдириб, боғлаб, яралаб яхшигина таъзирини берди».² Бу ғалабадан сўнг И момқулихон Тошкентни Аштархонийлар давлати таркибиға қўшиб олган. И момқулихоннинг 1612/1613 йилдаги ушбу юришидан кўзланган асосий мақсад Тошкентни қайтариб олиш ва имкон қадар кўчманчиларни Даҳти Қипчоқнинг ичкарисига суриб ташлаш эди. Ушбу маълумотлар баён қилинган манбаларда водий ҳақида сўз юритилмаган бўлса-да, И момқулихоннинг мазкур ғалабаси унинг водийдаги таъсирини ҳам кучайтирган. Закий Валидий ўзининг мақоласида Фарғона водийсидаги аштархонийлар даврига оид ёрлиқлар ичида И момқулихон номидан берилган дастлабки ҳужжат 1614 йилга тааллуқли эканлигини таъкидлаши фикримизни асосслайди.³

Бироқ аштархонийларнинг Тошкентдаги ҳокимияти узоқ давом этмади. И момқулихон Бухорога қайтгач, Тошкентда қўзғолон бошланган. Қўзғолончилар томонидан И момқулихоннинг ўғли, шаҳар ҳокими Искандар ўлдирилган. Гарчи И момқулихон Тошкентни ўз тасаррӯфига қайтарса-да, кўп ўтмай, яъни 1613 йилда қозоқ султони Турсунхон шаҳарни эгаллайди. И момқулихон Турсунхоннинг Тошкентдаги ҳокимиятини эътироф этиб, ундан ўз манфаати учун фойдаланишга ҳаракат қилган. И момқулихон ва Турсунхон учун Туркистондаги қозоқ хони Эшимнинг жиддий рақиб эканлиги уларни яқинлаштирган. Шу сабабли Бухоро хони учун ўз ноиби сифатида Турсунхоннинг Тошкентни бошқариши маъқул бўлган. Ушбу сиёсий жараёнларни ёритган тарихий манбаларда Фарғона ҳақида сўз юритилмаганлиги

² Мұхаммад Юсуф Мунши. Муқимхонская история / Перевод с перс.-таджик., примечания и указатели А.А.Семенова. – Ташкент, 1956. – С.86 – 87.

³ Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год XX (11 декабря 1914 г. – 11 декабря 1915 г.). Вып. 2. – Ташкент, 1916. – С.77.



водий Турсунхон таъсирида бўлмаганлигидан далолат беради.

Имомқулихон ва Турсунхоннинг ўзаро яқинлиги натижасида Эшимхон маълум вақт Шарқий Туркистонга кетишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай Турсунхон ўз номидан танга зарб этиб, амалда мустақил сиёсат юрита бошлади. Тошкентга қаноат қилмасдан, Фарғона водийсини ҳам ўз мулкларига қўшиб олишни мақсад қилди. Унинг бу ҳаракатлари Имомқулихон билан муносабатларининг ёмонлашувига сабаб бўлди.

1621 йили Шоҳрухиядаги дарё бўйида аштархонийлар ва Турсунхон ўртасида йирик жанг бўлиб ўтди. Жангда йигирма минг жангчисидан айрилган аштархонийлар лашкари мағлубиятга учради.¹

1623 йили Шоҳрухия қалъаси яқинида навбатдаги йирик жангда ҳам Турсунхоннинг қўли баланд келди. Бу жангда қатнашган Турсунхон лашкари 100 минг нафар жангчидан иборат бўлиб, шундан 10 мингини қирғизлар ташкил этган. Имомқулихон лашкарининг сони 160 минг атрофида бўлиб, қозоқ султонларидан бири Абулай султон аштархонийлар томонида эди. Аммо жанг бошланиши билан Абулай султон аштархонийларни тарқ этади. Бу эса Имомқулихон қўшинининг мағлубиятига сабаб бўлади. Кляшторний ва Т.Султонов ҳаммуалифлигидаги асарда ҳамда 1997 йили чоп этилган 5 томлик «История Казахстана (с древнейших времен до наших дней)» китобининг 2-томида Абулай султон бу пайтда Имомқулихоннинг Андижондаги ноиби сифатида баён қилинган.² Икки жанг бўлиб ўтган жой сифатида тилга олинган Шоҳрухия қалъаси бу вақтда Бухоро ва Қозоқ хонлиги ўртасидаги чегара бўлганлиги англашилди.

Ана шу воқеадан сўнг Турсунхон асосий эътиборини Фарғонага қаратди. Турсунхоннинг бу юришга жиддий тайёрланганини

шундан билса бўладики, ўзининг яна бир асосий душмани бўлмиш, юқорида таъкидланган Эшимхон билан иттифоқ тузди. Бирлашган қозоқ лашкари 1624 йилда водийга бостириб кирди. Бу пайтда Андижон ва Ахси волийси бўлган Хонзода бирлашган қозоқ қўшинига қаршилик кўрсата олмасди. Шу ўринда 1623 йилги Шоҳрухия жангидаги Андижон ҳокими сифатида қайд этилган Абулай султонга тўхталсак. 1611 йилда Имомқулихон амакиси Валимуҳаммадхонни енггач, ўзига ёрдам берган қозоқ султонлари Эшимхонга Тошкент ва Туркистонни, унинг ўғли Жонибекка эса Соғаржни берганлигини юқорида таъкидладик. Абулай султон ҳам гарчи ёрдамга келган бўлса ҳам, Миёнқолни талаганлиги учун мулк берилмайди. Натижада у Мўғулистонга кетиб, у ерда Кошғар хони Шужоддин Аҳмад (1610 – 1618)нинг ўғли Темур султонга қарши бирлашган қозоқ ва қирғизларга бош бўлиб кураш олиб боради. Кейинчалик Темур султонга ўз қизини бериб, у билан алоқаларни яхшилайди.³ Лекин 1614 йилда Темур султон вафот этгач, Абулай султон номи Шоҳрухия жангига оид манбаларда учрамайди. Демак, Абулай султон шу йиллар атрофида Шарқий Туркистондан Фарғона водийси томон келган ҳамда Имомқулихон уни Талос юришидан сўнг Андижон ва Ахси ҳокими этиб тайинлаган. «Матлаб ут-толибин»да вақти аниқ айтилмаса-да, Имомқулихон томонидан Ахси ва Андижон ҳокими этиб тайинланганлиги эслатилганлиги⁴, қолаверса, Имомқулихон номи учрайдиган водийга оид илк ёрлиқнинг санаси 1614 йилдалиги шундай холосага келишимизга асос бўлади. Лекин Абулай султоннинг Андижон ва Ахси ҳокими эканлиги бу ҳудудларнинг қозоқ-қирғизлар таъсирида бўлганлигини англатмайди. Фақатгина 1623 йилги Шоҳрухия жангига аштархонийларнинг таъсири водийнинг марказий ва шимоли-шарқий қисмидаги бироз заифлашганини, бунинг сабаби эса 1621 йилги

¹ Eskandar Beg Monshi. History of Shah Abbas the Great Volume II / Translated by Roger M. Savory. – Boulder, Colorado: Westview Press, 1930. – P.1185.

² Кляшторный С.Г., Султанов Т.И. Казахстан. Летопись трех тысячелетий. – Алма-Ата, 1992. – С.300; История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). В пяти томах. Том 2. – Алматы: Атамура, 1997. – С.415.

³ Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника / Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф.Акимушкина. 2-е изд. – СПб.: Петербургское лингвистическое общество, 2010. – С.269.

⁴ Абулабbos Мұхаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Хусайний ас-Сиддиқий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар Г.Каримий, Э.Миркомилов. – Тошкент, 2016. – Б.202.



жанг натижалари билан боғлиқ эканлигини күрсатди. Гарчи Абулай султон 1623 йилдаги жаңгдан сүнг манбаларда учрамаса-да, у қозоқ хонлари Турсунхон ва Эшимхон хизматига кира олмасди. Сабаби, ушбу икки қозоқ хони келажакда ўз рақиби бўлган Абулай султонга амалий ёрдам бермаслиги аниқ эди. Шоҳрухиядаги икки жанг натижасидан сүнг Бухоро хонлигининг шимоли-шарқий ҳудудларида аштархонийлар мавқеига салбий таъсири кўрсатди. Устига-устак, Абулай султоннинг Андижонда йўқлигидан фойдаланган маҳаллий амирлар унинг ўрнига Хонзодани ҳудуд волийси қилиб тайинлашларидан сүнг Абулай султон яна катта эҳтимол билан Шарқий Туркистонга кетган. Натижада Андижон ва Ахсида 1623 – 1624 йилларда Хонзода ҳукмронлик қилган. Турсунхон аштархонийларнинг вақтинча кучсизлангани ҳамда водийда у учун қулай шароит вужудга келганлигидан фойдаланиб 1624 йилда у ерга ҳужум қиласди. «Баҳр ул-асрор» асарида бу тўғрида қимматли маълумотлар берилган. «Шу билан бирга, тинчлик паноҳи ҳузурида Андижон аҳолисидан илтимоснома ва хабарлар олинди. [Улар] ўша вилоят ҳукмдорининг қонунсизлиги ва адолатсизлигидан нолиб, самимият жиловини ғалаба хизматчиларига буришни илтимос қилдилар. [Илтимослар ва хабарлар] хоннинг баланд қулоғига Ялангтўшибий ва Шукурбий орқали келтирилиб, [хон саройининг] улуғворostonasi ишончидан баҳраманд бўлган. Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилган илтимослар аллақачон режалаштирилган ният учун қўшимча эди. Бу йўналишда бориш қарори, ниҳоят, қабул қилинди».¹ Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ёрдамни Хонзода эмас, балки водийдаги маҳаллий кучлар сўрагани маълум бўлади. Тарихчи Т.Султонов эса ёрдамни бевосита Хонзода сўраганлигини қайд этган.²

Андижон ва Ахсидан келган мурожаатларнинг Ялангтўшибий ҳамда Шукурбий орқали И момқулихонга етказилганлиги Бухоро хонига

¹ Тулибаева Ж.М. История Казахстана в аштарханидских источниках // Доклады НАН РК. – Алматы, 2013. №4. – С.126 – 140.

² Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана: Астана Даму-21, 2006. – С.223.

бу икки амирнинг таъсири кучли бўлганлиги-дан келиб чиққан эди. Ушбу амирлар орқали И момқулихонни водий томон юриш қилишга кўндириш осон кечган. Аштархонийлар қўшини Ялангтўшибий бошчилигига Фарғонага ёрдам учун жўнатилади. Ўша пайтдаги мавжуд сиёсий вазиятни таҳлил этадиган бўлсак, бу кўмақдан асл мақсад Фарғонани тўлиқ Бухоро хонлигига қайтариш эди. Фарғона водийсида-ги имкониятлар билан янада кучайган И момқулихоннинг мамлакат шимолидаги кўчманчи қозоқ ва қалмоқларга қарши кураши самарали бўлиши табиийдир. Буни тушунган Бухоро хони қўшининг энг кучли саркардалари – Ялангтўшибий ва Шукурбийни қўмондон этиб тайинлайди. Улар водийга келган пайтда қозоқ қўшини Ахсини қамал қилаётган эди. Икки томон лашкарининг Ахси яқинида бўлиб ўтган тўқнашувида аштархонийлар мағлуб этилади. Бухоро қўшинларини бутунлай тор-мор этилишидан Ялангтўшибийнинг ҳарбий маҳоратигина қутқариб қолади.³ Рус олими А.К.Алексеев Ахси жангидан сүнг водийнинг бир қисмини Турсунхон ва Эшимхон биргаликда бошқарган деб ҳисобласа⁴, Т.Султонов қозоқ султонлари бу ерда бир қанча қалъяларни талаб, Тошкент ва Туркистонга қайтган деб хулоса берган.⁵ Бизнингча ҳам икки қозоқ султони водийни эгаллашмаган, балки уларнинг ҳужуми кўчманчиларнинг ўтроқ ҳудудларга амалга ошириладиган ҳар доимги ҳужумларидан бири бўлган, холос. Шунингдек, воқеаларнинг кейинги ривожида Турсунхон ва Эшимхон номи Андижон ёки Ахси билан биргаликда тилга олинмаслиги, уларнинг 1627 – 1628 йиллардаги курашлари пайтида Андижон ҳокими сифатида яна Абулай султон номи қайд этилиши Т.Султонов берган маълумот тўғри эканлигини исботлайди.

1624 йилда Андижонда Хонзода ҳукмронлиги тугатилган ва қозоқлар бу ерларни талонторож қилиб ортларига қайтган. Натижада

³ Алексеев.А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Баҳр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2006. – С.123.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Султанов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана: Астана Даму-21, 2006. – С.224.



Абулай султонда қайтадан бу ерларни эгаллаш учун қулай шароит вужудга келган. Қолаверса, аштархонийларнинг кетма-кет мағлубияти Имомқулихонни Абулай султон ҳаракатларига монелик қилишдан тұхтаттан. Аксинча, Бухоро хони Абулай султоннинг қизига уйланиши орқали улар үртасидаги аввалги адоварат анча илиқлашған. Абулай султон Андіжон ва Ахсина аштархонийлар номидан бошқаришни давом эттирган. Бухоро хони ва қозоқ султони үртасидаги иттифоқ, албатта, Тошкент ва Туркистандаги бошқа қозоқ хонларининг манфаатларига мос келмас эди.

Қозоқ султонлари ичида Бухоро хони учун эңг хавфлиси, албатта, Турсунхондир. Турсунхон уч томондан үзига душман қайфиятида бўлган сиёсий кучлар билан чегарадош бўлиб қолади. Абулай султон қозоқ султонлари ичида эңг жанговари ҳисобланади. Унинг Андіжон ва Ахсидаги ҳукмронлик даврлари ҳақида маълумотлар кўп эмас. У расман аштархонийларнинг Андіжон ва Ахсидаги ноиби сифатида худудни бошқарса-да, кўп ҳолларда мустақил сиёсат олиб борган. Унинг сиёсий фаоллиги 1626 – 1627 йилларда кучая бошлайди. Сабаби, Турсунхон ва Эшимхон үртасидаги низо улар үртасида охирокибат урушни келтириб чиқарди. Сайрам яқинида икки қозоқ султонлари үртасидаги жанг Эшимхоннинг ғалабаси билан тугади.¹ Мағлуб бўлган Турсунхон Тошкентта қайтар экан, у ерда навбатдаги омадсизликка учради. Турсунхон Эшимхонга қарши Сайрамга кетган вақт Хўжанд ҳокими Құнғирот Имомқулихон ва унинг Үратепадаги ҳокими Суюнчбийга Тошкентта ҳужум қилиш учун қулай вазият юзага келганлиги ҳақида хабар етказади. Мавжуд ҳолатдан унумли фойдаланиш учун аштархонийлар Тошкент томон юриш қилишга қарор қилишиди. Қавучабий ва Суюнчбийга иттифоқчи сифатида Андіжон ҳокими Абулай султон ҳам кўшилиб, биргаликда улар Пискентта ҳужум қилишиади. Бу пайтда Пискент Эшқора султонга тегишли бўлиб, қаттиқ жангдан сўнг бу худуд эгалланади. Иттифоқчилар Шоҳрухияга ҳамла қилишиб, у ернинг ҳокими Мурод султоннинг

¹ Кляшторный С.Г., Султанов Т.И. Казахстан. Летопись трех тысячелетий. – Алма-Ата, 1992. – С.302.

жангиз таслим бўлишига эришишди ҳамда у Бухорога тобе эканлигини билдирид.² Фаргона водийсидаги ҳар икки ноиб ҳамда Үратепа ҳокими Суюнчбийнинг Турсунхонга берган бу зарбалари якунда қозоқ хонининг ҳалокатига сабаб бўлди. Лекин шуниси қизиқки, иттифоқчилар тўғридан-тўғри Тошкентта ҳужум қилишмай, унинг атрофидаги муҳим қалъя ва шаҳарларни эгаллаш билан кифояланишиди. Бизнингча, бунинг бир қанча сабаблари мавжуд:

Имомқулихон уларга айнан шундай топшириқ берган. Чунки амирлар бевосита Тошкентга ҳужум қилишса, исталган пайт Эшимхон Турсунни қўллаб-қувватлаши мумкин эди. Шу туфайли Имомқулихон эҳтиёткорлик билан Тошкент атрофини эгаллаб, Эшимхоннинг бунга қандай муносабатда бўлишини кутган;

Бухоро хонида бу ерда қозоқ хонлари – Турсунхон ва Эшимхондан кўра Абулай султон кўпроқ хавотир уйғотган. 1623 йилги Шоҳрухия жангидаги Абулай султоннинг хиёнати якунда аштархонийларга қимматга тушган эди. Агарда Эшимхон кутилмаганда Турсунхон тарафга ўтиб кетса, Абулай султон яна Имомқулихонга сотқинлик қилиши Бухоро хонини чўчитган.

Тошкент катта ва мустаҳкам шаҳар бўлиб, уни Фаргона, Үратепа ноибларининг лашкари билан босиб олиш қийин эди. Шунинг учун амирлар шаҳар атрофини эгаллаш орқали шаҳар таъминотига салбий таъсир қилишни режалаштиришган.

Андіжон, Хўжанд ва Үратепа ноибларининг ортидан Жиззах ҳокими Бек ўғли ва қозоқ хони Эшимхон ҳам Турсунхонга зарба беришга қарор қилишади. Вазият қўлдан чиққанлигини билган Турсунхоннинг яқинлари уни ўлдиришиб, бошини Эшимхонга жўнатишиди. У эса Бек ўғли орқали Имомқулихонга юборди ҳамда Бухоро хонидан Тошкент ва Туркистанни бошқариш учун фармон олди.³ Аммо Турсунхоннинг тўлиқ мағлубиятга учрашида катта роль ўйнаган Фаргона ноибларига қандай ҳурмат

² История Казахстана в персидских источниках / Отв. ред. М.Х.Абусейтова; сост. М.Х.Абусейтова. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Том V. Извлечения из сочинений XIII – XIX веков. – С.362.

³ История Казахстана в персидских источниках / Отв. ред. М.Х.Абусейтова; сост. М.Х.Абусейтова. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Том V. Извлечения из сочинений XIII – XIX веков. – С.363.



күрсатилғанлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Кеинги воқеаларнинг ривожидан келиб чиқадиган бўлсак, Абулай султон Эшимхоннинг қозоқ улусига катта хон бўлганлигини яхши кутиб олмаган. Чунки унинг нияти ҳам, аслида, катта хон бўлиш ёки ҳеч бўлмаса Тошкент бошқарувини қўлга киритиш эди. Абулай султоннинг таъсири Тошкент ҳисобига кучайиб кетишини эса И момқулихон асло хоҳламасди. Асосий манзили Туркистон бўлган ҳамда эътиборини қалмоқларга қарши курашга қаратган, шу сабабли Бухоро билан яхши муносабатда бўлишга интилаётган Эшимхон И момқулихон учун маъқул эди. Балки, шу сабаблар кейинчалик яна И момқулихон ва Абулай султон муносабатларига рахна солгандир.

1628 йилда Эшимхоннинг вафот этиши навбатдаги сиёсий бекарорликни юзага келтирди. Қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш учун Абулай султон зудлик билан Тошкентни эгаллаб, ўз номига хутба ўқитди. Бу И момқулихонга бўйсунмаслик ва у билан тўқнашув бўлишини англатарди. Бухоро хони дарҳол унга қарши қўшин тортади. И момқулихон ўзи Жиззахга келиб жойлашган.¹ Бухоро қўшинлари Балхдан келган ёрдамчи лашкарлар ҳисобига анча кучайган эди. Икки томон қўшини Қаймасда тўқнашади ва томонлар катта йўқотишларга учрайди. «Матлаб ут-толибин»га кўра, жўйбор шайхлари хонни қўллаш учун 9 та отни эгарлаб, Мирзо Йўлбўлди мирохур бошчилигига Бухоро хони учун юборган. У ўн беш кундан сўнг Тошкентга келган маҳал Тошкент аштархонийлар томонидан эгаллангани баён қилинади.² Демак, Қаймасдаги тўқнашувдан сўнг Абулай султон Тошкентни ўн кундан ортиқ вақт қўлида тутиб турган. Якунда Абулай султон Мўгулистонга чекинди.

Шундай қилиб, Абулай султоннинг Андижон ва Аксидаги ҳукмронлиги 1628 – 1629 йилларда якунланди. Галабага эришган Бухоро хони дастлаб Тошкент, кейин эса Андижон ва Ахсини қўлга киритади. Демак, аштархонийларнинг Фарғона водийсидаги тўлиқ ҳукмронлигини

¹ Абулабbos Мұхаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Хусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар F.Каримий, Э.Миркомилов. – Тошкент, 2016. – Б.346.

² Кўрсатилған асар. – Б.346 – 347.

айнан 1628 йилда ўрнатилган десак бўлади. Тошкент ноibi этиб Боқимуҳаммадхоннинг ўғли Абдуллоҳ султон тайинланган. Андижон эса И момқулихоннинг ўғли Пирмуҳаммадга берилди. Бу И момқулихоннинг қозоқлар устидан эришган энг катта муваффақияти эди. Бухоро хонлигининг шимоли-шарқий чегаралари деярли 1598 йилдаги ҳолатга қайтди.

Лекин Пирмуҳаммаднинг Андижондаги ноиблиги узок давом этмаган. 1630 – 1631 йилларда Абулай султон Андижонни эгаллаб, Пирмуҳаммад султонни ўлдириди.³ И момқулихон дарҳол Абулай султонга қарши ўзининг моҳир саркардаларидан бири Шукурбий оталиқ бошлилигига қўшин юборган. Абулай султон аштархонийларнинг қўшини олдида ожизлиги учун Андижонни тарк этишга мажбур бўлди. У катта эҳтимол билан яна Мўгулистанга кетган. Абулай султоннинг кейинги ҳаёти ҳақида маълумотлар яқдил эмас. Т.Султонов, А.Алексеевга кўра, у Мурод ясовул деган шахс томонидан ўлдирилган.⁴ «Матлаб ут-толибин»да бир оз бошқачароқ маълумот берилган. Унга кўра, И момқулихон томонидан Андижон ва Ахсига ҳоким этиб тайинланган Абулай султоннинг қизи Бухоро хонига турмушга чиққан, уларнинг 6-7 яшар фарзанди ҳам бор эди. И момқулихон амирлари орқали Абулай султонни ҳузурига чорлайди, қозоқ султони аштархоний ҳукмдор билан қариндош эканлиги учун унинг даргоҳига ташриф буюради. Шу лаҳзада И момқулихоннинг фарзанди чечак касалидан вафот этади. Маърака пайтида дархонада бир гуруҳ амирлар Абулай султонни ўлдирашади. Бундан хабар топган И момқулихон фитнада Назарбий найманни айблайди. Назарбий найман Жўйборга қочиб, Тожиддин Ҳасанхожадан паноҳ сўрайди. Бухоро хонининг энг яқин мулозимлари – Шукурбий оталиқ ва Нодир девонбеги жўйбор шайхидан Назарбий найманнинг гуноҳини

³ Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Бахр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2006. – С.124.

⁴ Султонов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана, Астана Даму-21, 2006. – С.87; Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Бахр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2006. – С.125.



Имомқулихондан сўраб беришини ўтинишади. Тожиддин Ҳасанхўжа эса Имомқулихонни меҳмон қилиб, Назарбий найманнинг гуноҳини сўраб берди ва Назарбий Бухоро хони мажлисига кирди. «Матлаб ут-толибин»да келтирилган бу маълумотлар бир оз шубҳали. Юқорида бўлиб ўтган воқеалардан сўнг Абулай султоннинг Имомқулихон ҳузурига бориши ишончсиз. Шуннинг учун Т.Султоновнинг «Баҳр ул-асрор»га таяниб Абулай султон Мурод ясавул томонидан ўлдирилган деб баён этиши ҳақиқатга яқин.

Шундай қилиб, узоқ курашлардан сўнг Фарғона водийсида аштархонийлар ҳукмронлиги Имомқулихон даврида тўлиқ ўрнатилди.

Имомқулихоннинг ёрлифида Фарғона водийси Ўзгангача бўлган ҳудудлар саййид Бурхониддин Қилич авлодларига берилганлиги келтирилган.¹ Бу водийдаги бошқарувда Бухоро хони маҳаллий руҳонийларга таянганини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан хulosса шуки, Имомқулихон даврида ҳам аштархонийларнинг қозоқлар билан кураши давом этди. Бу курашлар сўнгида аштархонийлар Тошкентни тўлиқ ўз кўлларида тутиб қола олмаган. Лекин Фарғона водийси дастлаб расман, кейинчалик эса амалда тўлиқ Аштархонийлар давлати таркибиага қўшиб олинди.

¹ Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения «Баҳр ал-асрап». – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2006. – С.135.



ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛЬШЕВИКЛАР МИЛЛИЙ СИЁСАТИДАГИ ТИЛ ВА ЁЗУВ МАСАЛАСИ

Рашидов Ойбек Расулович

Туркий тилларда гапирадиган халқларнинг орасида «умумтуркий» адабий тилни яратиш фояси большевиклар томонидан пантюркистик фоя деб аталди. Бу фоя совет мафкурасида буржуа миллатчиларининг фояси деб тарғиб қилинди. Большеvikлар миллий сиёсатида «умумтуркий» адабий тилни яратиш фояси реакцион иш бўлганлиги ва буни буржуа миллатчилари астойдил тарғибот қилган бўлсалар-да, натижага эриша олмаганилигини қайд этадилар. Умумтуркий тилни яратиш фоясига қаршилик кўрсатган большевиклар ўзларини оқлаш учун қуйидагича важни келтирганлар: «Умумтуркий тил, аникроқ қилиб айтганда, буржуа миллатчилари жаргони фақат бир тўда ўзбек буржуа миллатчиларигагина тушунарли бўлиб, оммага тамомила ёт эди».¹

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, давлат тили масаласи ҳал қилинмасдан, иш юритиш рус тилида олиб борилди. Миллий раҳбар кадрларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 1918 йил июнда Туркистон АССР худудида ўзбек (туркий) тилига давлат тили мақоми берилди.² 1918 йил 20 августда Туркистон МИКнинг «Туркий тил ва унинг бош лаҗжаси тўғрисида»ги декретига мувофиқ мазкур давлат тили рус тили билан тенг деб белгиланди. Бу ҳақида 1918 йилда Туркистон МИК ва ХКС томонидан имзоланган «Барча совет муассасаларига маҳаллий

тилни жорий этиш тўғрисида»ги декретда³ ҳам туркий тил республика аҳолисининг миллий тили сифатида эътироф этилди. Бироқ туркий тилга давлат тили мақоми берилган бўлса-да, маҳаллийлаштириш жараёни бошлангунига қадар амалда иш юритиш рус тилида олиб борилди. Бу даврда Миллий ишлар халқ комиссарлиги ходимлари зиммасига рус тилида ёзилган буйруқлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа топшириқлар матнини маҳаллий тилларга таржима қилиш вазифаси юклатилган.⁴

Туркистон АССРда туркий тил ва унинг имлоси масалалари миллий зиёлилар томонидан «Иштирокион» («Коммунист») газетасида мунтазам ёритиб борилган. Туркистонда туркий тилнинг имло қоидаси масаласи биринчи маротаба Еттисувда чиққан «Қўмак» газетасида кўтарилиган. Тошкентда тузилган «Чигатой гурунги» томонидан чоп этилган «Битим йўллари» номли рисола ҳам туркий тил ва унинг имло қоидаларига бағишлиланган.⁵ Бундан кўринадики, «Чигатой гурунги»нинг вазифаларидан бири она тили ҳисобланган туркий тилнинг соғлигини сақлаш ва такомиллаштиришдан иборат бўлган. Чунки бу пайтда туркий тилга рус тили ва бошқа европа тилларига мансуб сўзлар кириб келаётган эди.

1919 йил сентябрида Туркистон Коммунистик партиясининг фавқулодда чақирилган IV съезди айнан миллий масалага бағишлиланган. Съездда Турар Рисқулов совет миллий сиёса-

¹ Кориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1956. – Б.69.

² Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.155.

³ Ўзбекистон МА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 10-варақ.

⁴ Ўзбекистон МА, Р-36-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 185-варақ.

⁵ Туркистонда тил ва имло масаласи // Иштирокион. 1919 йил 7 декабрь. 236-сон.



тида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кескин фикр билдириб, миллий манфаатларни ҳимоя қилиб чиқади. «Халқ ҳокимияти бўлиши учун меҳнаткашлар ва бошқа эзилган халқни инқилобий ривожланиш жараёнига жалб қилишнинг маҳсус усуслари керак. Уларнинг энг илғор иштирокчиларини совет бошқарувига қўшиш зарур. Бироқ бунинг учун чекка ўлкаларнинг маълум мустақиллиги керак. Яъни маҳаллий мактаб, суд, маъмурият, бошқарув органлари, сиёсий ва маърифий ташкилотларни тузиш ҳамда уларга она тилида ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг барча соҳаларида тўлиқ фойдаланишнинг кафолатини бериш лозим».¹

1923 йил 6 июля қабул қилинган СССР Конституциясида умумдавлат тили Октябрь инқилобининг рус тилисидир деб таъкидланди.² Бироқ Ўрта Осиё совет республикалари саналган Туркистан АССР, БХСР ва XXСР конституцияларининг бирортасида давлат тили тўғрисида ҳеч нарса дейилмади. Давлат идораларини маҳаллийлаштириш хусусида бир қатор қарорлар қабул қилингач, ушбу республикаларда иш юритиш тили сифатида рус тили билан параллель равища маҳаллий тилларга ҳам рухсат берилди.

1923 йил 29 августда қабул қилинган Туркистан АССР МИКнинг 130-қарори 14 та қисмни қамраб олган бўлиб, ушбу қарор Туркистан МИК раиси И.Хидирадиев, Туркистан ХКС раиси Исмоилов, Туркистан МИК котиби А.Шутемов ва Киселевлар томонидан имзоланган. Мазкур қарорнинг 1-қисмида: «Барча декрет ва қарорлар, албатта, рус, ўзбек, туркман ҳамда қирғиз тилларида нашр этилади»³, – деб қайд қилинган.

Туркистан АССР МИКнинг 130-қарорига биноан республика ҳудудидаги барча муассасаларнинг иш юритиши 4 та тилда олиб борилиши тартиби белгиланди. Бунда рус ва з та маҳаллий: ўзбек, қирғиз [қозоқ] ва туркман тилларида олиб борилиши назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб Туркистан АССРнинг вилоятлар

¹Мусбюро Р.К.П.(б) в Туркестане. 2 и 3 Туркестанские Краевые конференции Р.К.П. 1919 – 1920 г.г. – Ташкент: Туркестанское Государственное Издательство, 1922. – С.47.

²Ўзбекистон МА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 22-варақ.

³Ўзбекистон МА, Р-17-иш, 1-рўйхат, 367-иш, 71-варақ.

бўйича давлат тиллари белгиланди. Жумладан, Еттисув, Сирдарё ва Амударё вилоятлари қирғиз тилида, Фарғона ва Самарқандда ўзбек тилида, Туркман вилоятида эса туркман тилида иш юритиш тизими жорий қилинди.⁴

БХСР ташкил топиши билан мамлакатнинг давлат тили масаласи муҳим бўлиб турди. 1921 йил 11 марта Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ўзбек (туркий) тилини мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон қилди.⁵ Бу ҳақида ҳукуматнинг расмий матбуотида ҳам маълумотлар келтирилган. «Бухоро Халқ Шўролар Жумхуриятида аксарият омманинг тил уруғи турк бўлганлигидан уларнинг тили ҳукумат тили қилиб қабул қилинди. Бугун Бухоро Халқ Шўролар Жумхуриятининг ҳукумат тили асоси туркча бўлган чифатойча сўзлайдир».⁶ Афсуски, Бухорода ўзбек тили ҳукумат тили деб эълон қилинган бўлса-да, амалда расмий ҳужжатлар рус тилида юритилди. Шу давр матбуотида келтирилган баъзи материалларда давлат органлари ва муассасаларида йиғилишлар рус тилида олиб борилганлиги, ҳукумат тили туркий тил деб кўп таъкидланаётган бўлса-да, амалда бунга риоя қилинмаётганлиги таъкидлаб ўтилган.⁷

Бухоро Халқ Совет Республикаси конституциясининг 11-моддасида ҳар бир инсон ўз она тилида таълим олиши лозимлиги белгиланган: «Ҳар миллатнинг мактабларда ўз тилларида таҳсил олишга ва ўз она тилларида таълим бериладиган мактаблар очишга ҳақлари бўлганлигини эътироф этади».⁸ Бироқ мазкур конституцияда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни қонуний эътироф этилмади.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши большевиклар миллий сиёсатининг янги босқичи ҳисобланади. Маз-

⁴Ўзбекистон МА, Р-26-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 45-варақ.

⁵Ражабов К., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бутунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.166.

⁶ Муҳиддинов А. Тилимиз ва маъориф назорати // Бухоро ахбори. 1921 йил 10 май. 35-сон.

⁷ Абу Бакр. Тил масаласи // Бухоро ахбори. 1921 йил 21 август. 46-сон.

⁸ Бухоро Шўролар Жумхуриятининг асосий қонуни [Конституцияси] // Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 12-варақ.



кур янги босқичда араб имлоси ўрнини лотин ёзуви эгаллади. 1926 йилда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг IV сессиясида биринчи марта янги ўзбек (лотин) алфавити масаласи муҳокама қилинганди эди.¹ Ушбу сессияда лотин алфавити марказий комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу комитетнинг ишига ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Комитети раиси Й.Охунбобоев раҳбарлик қилди. Айни вақтда, маҳаллий ижроия комитетлари ҳузурида ҳам ана шундай комитетлар тузилди. 1927 йилда янги алфавит бутуниттифоқ марказий комитети ҳам ташкил этилди. Янги ўзбек (лотин) алифбоси 1927 йил 28 – 29 майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек, қозоқ ва қирғиз жумхуриятлари вакилларининг кенгашида қабул қилинган.²

Янги алфавитни тез фурсатда жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳукумати лотин алифбосини амалга ошириш режасини ишлаб чиқди. Унга биноан мактабларда янги алифбо асосида дарс ўтиш, саводсизликни битириш, ўқитувчиларни тайёрлаш, майда миллиатлар орасида ушбу алифбода ишчиларни тайёрлаш, тўғараклар ташкил этиш ва идора ишчиларни ҳозирлаш масалалари белгиланди. Шунингдек, маориф муассасаларида, нотариал ишларда, даврий матбуотда, ноширлик ишларида ҳам лотин имлосининг ўрни белгиланиб, адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмалар ушбу ёзувда чиқарилиши қайд этилган.

Республикада лотин ёзувига ўтиш режасига биноан бу ишларни икки йиллик муддатда амалга ошириш, яъни 1928/29 ўқув йилидан бошлаб, 1929/30 ўқув йили охиригacha етказиш белгиланди. Шу тариқа 1929 йилнинг 1 декабрь санасида Ўзбекистон ССРда араб алифбосидан лотин ёзувига ўтилди.³

Янги ўзбек алфавити марказий комитети 1928 йил январидан «Аланга» номли адабий-бадиий журнал нашр эта бошлади. Ўша йил-

нинг августидан бошлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасига илова тарзида «Қизил тамға» номли ҳафталиқ газета чиқиб турди.⁴ 1929 йилнинг 1 февралидан бошлаб Ўзбекистон ССР худудида ўзбек, тоҷик, уйғур, яхудий тилларида 11 та газета ҳамда 7 та журнал лотин имлосида чоп этилиши йўлга қўйилди. Журналлардан «Коммунист» (15 минг нусха), «Муштум» (15 минг нусха), «Янги қишлоқ» (4 минг нусха), «Маориф ва ўқитувчи» (4 минг нусха), «Худосизлар» (4 минг нусха) чоп этилди. Мазкур нашрлар динга қарши тарғибот ва ташвиқот қилиш, диний байрамлар, урф-одатлар, анъаналар ҳамда араб имлосида яратилган дурдона асарларнинг ҳалқ учун «зараарли» эканлигини тушунтиришга хизмат қилди. Шундай қилиб, 1920 – 1930 йилларда динга қарши кураш шиори остида олиб борилган айрим бебошликлар натижасида ҳалқимиз қўлида сақлаб келинаётган кўпгина нодир қўлёзмалар йўқолиб кетди. Ўша йилларда аҳвол шу даражада кескинлашиб, ҳавфли тус олгандики, кимнинг уйидага арабча ёзувдаги бир-икки китоб топилса, уни сўраб-суриштириб ўтирмай қамашарди. Ислом динига қарши кураш баҳонасида қанчадан-қанча нодир китоблар йўқотилди.⁵

Лотин имлосига ўтиш масаласи бўйича мамлакатда аҳоли орасида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмади. Натижада янги алфавит эски араб ёзуви тарафдорлари қаршилигини келтириб чиқарди. Баъзи жойларда диний пешволар, руҳонийлар ва ислом эътиқодида бўлган маҳаллий аҳоли араб алфавитида қолишини лозим кўриб, лотин имлосида таълим олишни кофирилик деб атадилар. Совет даври адабиётларида келтирилишича, лотин алфавитида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ҳаётти ҳавф остида қолган. Масалан, 1928 йилда Асакада руҳонийлар қишлоқ мактабига ўт қўймоқчи ва янги алфавитда дарс бергани учун

¹Ўзбекистон МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4488-иш, 1-варақ.

²Ўзбекистон МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4497-иш, 2-варақ.

³Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.200.

⁴Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1956. – Б.238.

⁵Салмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати (1917 – 1960 йиллар). – Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б.67.



ўқитувчини ўлдирмоқчи бўлишган.¹ Бу каби қаршиликлар большевикларни лотин имлоси масаласида муроса қилишга мажбур этган. Шунинг учун ҳукумат томонидан араб ва лотин ёзувидаги ишларни баробар олиб боришга рухсат берилган.² Шу тариқа янги ёзувга ўтилган дастлабки йилларда республикадаги иш юритиш ва ҳужжатчилик ишлари з та: кирилл, араб ва лотин имлоларида олиб борилди.

1934 йил марта ёзувчиларнинг Бутун Ўзбекистон съездидаги сўзлаган нутқида А.Икромов ўзбек ёзувчилари ва санъат ходимларига атоқли совет ёзувчилари А.М.Горький, М.Шолоховдан, атоқли рус артистлари, мусиқачиларидан доим ўрганишни маслаҳат беради. У республикада юз берган социалистик ўзгаришлар ҳақида, замондошлар ҳақида, ўзбек терминологиясини ўзгартириш – араб тилидан кирган барча жонсиз терминларни чиқариб ташлаш зарурлиги, интернационал терминларни ишлатиш, уларни ўқувчилар кенг оммаси учун тушунарли қилиб бериш кераклиги, халқ ижодидан фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапиради.

Акмал Икромов Ўзбекистон меҳнаткашларини рус тилини ўрганишга даъват этиб шундай деган эди: «Рус тилини билиш шундай зўр қуролки, биз шу қурол ёрдамида марксча ва ленинча назарияни эгаллаймиз, биз шу қурол ёрдамида чинакам пролетар маданиятини эгаллаймиз. Рус тилини билиш билан биз жаҳон пролетариати оиласига тезроқ қўшиламиз. Рус тили Октябрь революцияси тилидир. Биз бу тилни ўрганмоғимиз лозим».³

1930 йилларнинг охириларида бир қатор миллий республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам лотинлаштирилган алфавитдан рус имлосига ўтиш ҳаракати бошланди. Янги алфавитни тузиш ғояси ташаббускорлари бу масалани миллий республикаларда яшовчи халқларнинг рус халқи билан доимий алоқада бўлиб туриши ва улар маданий тараққиётининг

истиқболи шунга боғлиқ эканлиги борасидаги соxта омиллар билан асослашга ҳаракат қилдилар. Ниҳоят, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети 1940 йил 8 майдага «Лотинлаштирилган ўзбек ёзувини рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Мамлакат ривожининг ҳар бир босқичида ўзбек тилини кенг тараққий эттиришга кўмаклашувчи барча имкониятлардан оқилона ва мумкин қадар кўпроқ даражада фойдаланилганида эди, бу тараққиёт янада жиддийроқ бўларди. Мазкур соҳадаги хатоликлар, энг аввало, ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланишнинг аста-секин торайиб бориши билан белгиланади. Ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли жумҳуриятдаги кўплаб министрликлар ва идораларга она тилида хатлар, аризалар, шикоятлар билан мурожаат қила олмас эди. Иш юритишда ҳам ўзбек тилидан фойдаланиш анчагина чекланиб қолди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, транспортда, алоқа ташкилотларида ва бошқаларда ўзбек тилидан фойдаланишда кўпгина нуқсонларга йўл қўйилди. Айрим ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида, энг аввало, инженер-техник ва табобат йўналишидаги ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ҳол юз берди. Яъни ўқитиш асосан рус тилида олиб борилди. Ўзбек тили ўз ўрнини аста-секин рус тилига бўшатиб бера бошлади. Ахвол шу даражага бориб етдики, барча йиғинлар, мажлислар, ёзишмалар рус тилида олиб бориладиган, маърузалар рус тилида ўқиладиган, диссертациялар шу тилда ёзиладиган бўлди.⁴

Инқиlobдан кейинги даврларда марказлашган давлат сиёсатининг бир ёқлама талқини сабабли тилимиз иккинчи ва ундан кейинги паст ўринларга тушиб қолди. Ўзбек тилининг лугат бойлиги кескин ғариблашди. Шундай ҳол кадрлар сиёсатида ҳам ўз аксини топа бошлади. Одамлар раҳбарлик лавозимларига, энг аввало, уларнинг рус тилини билишлари ҳисобга олиниб тавсия қилинди. Ўз она тилини яхши би-

¹ Кориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, 1956. – Б.238 – 239.

² Ўзбекистон МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3654-иш, 152-варақ.

³ Ҳасанов К. Акмал Икромов (Ҳаёти ва фаолияти). – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – Б.119 – 120.

⁴ Юсупов Э., Туленов Ж.,Faфуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сұхбатлар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.100.



лувчи, бироқ етарли даражада рус тилини эгаллай олмаган иқтидорли миллий кадрлар узоқ вақт мобайнида четда қолиб кетдилар. Жумхуриятда вужудга келган бундай аҳвол европалик аҳолининг туб миллатлар тилини ўрганишга бўлган ички эҳтиёжини сусайтириб юборди. Ўттизинчىйилларда Ўзбекистонда яшовчи руслар, украинлар ҳозирги авлод кишиларига қараганда миллий тилларга кўпроқ қизиқишар ва уларни яхшироқ билар эдилар.¹

Ўзбекистон ССР конституциясида миллий тилларда таълим олиш ҳамда миллий маданиятларни ривожлантириш учун шароит яратиш каби миллий ҳаёт ва ўзликни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган умумэътироф этилган қоидалар ўз аксими топган эди. Бироқ амалда «миллатларнинг яқин келажакда қўшилиб кетиши» ҳамда «ягона совет халқи»нинг шаклланиши ҳакидаги назария ҳаётга татбиқ этилди. Ана шу фоя таъсири остида миллий тил ва миллий маданиятга беписандлик билан қараш ҳукмронлик қилган ҳолда миллий манфаатларни ҳимоя қилган илгор фикрли шахсларга қарши «миллатчилик» ниқоби остида аёвсиз кураш олиб борилди.²

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё республикаларида социалистик миллатларни бирбирига яқинлаштириш орқали большевиклар миллий сиёсатда кўп миллатли совет халқини вужудга келтиришни назарда тутишган эди. Шу мақсадда большевиклар миллий республикаларда тил ва ёзув ислоҳотини амалга оширидилар. Совет бошқаруви тизимида ижро учун юборилган рус тилидаги ҳужжатларнинг маҳаллий аҳоли томонидан тушунилмаганлиги ҳамда ижроси бажарилмасдан орқага қайтиб келганлиги сабабли миллий тилларга йўл очиб берилди. Бироқ бу қисқа муддат амалда бўлиб, кейинчалик иш юритиш рус тилида олиб борилди. Аввал араб имлосидан лотин ёзувига, кейинчалик лотин ёзувидан кирилл имлосига ўтилиши маҳаллий аҳолининг илм олиши ҳамда саводли бўлишига катта путур етказди.

¹ Юсупов Э., Туленов Ж., Гафуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сұхбатлар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.100 – 101.

² Бобојонова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941 – 1990): Тарих фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б.13 – 14.



РЕПРЕССИЯ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ В ГОДЫ ВОЙНЫ (1941 – 1945)


(Документы и материалы)

Р.Т.Шамсутдинов, Д.И.Хомидов

В Узбекской национальной энциклопедии приведены следующие материалы о Сатти Хусайне: «СОТТИ ҲУСАЙН (тажаллуси; асл исм-шарифи Ҳусаинов Сотти) (1906, Қўқон – 1942-5.9, Тошкент) – танқидчи ва адабиёт-шунос. Москвадаги кечки Адабиёт институтида ўқиган (1934 – 35). «Ёш ленинчи» газетасида муҳаррир (1927 – 28), Москвадаги СССР халқлари музейида воиз, «СССР ҳукумати қонунлари мажмуаси» журналиниңг ўзбекча нашрида муҳаррир (1934 – 37), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари (1937 – 38), Тил ва адабиёт институтида директор (1938 – 40), Ўзбекистон КП (б) МКДа бўлим мудири (1941 – 42). Сотти Ҳусайннинг «Дуохон» ва «Жоҳиллик балоси» илк пьесалари 1921 – 22 йилларда ёзилган ҳамда Қўқон шаҳар маданият клубида саҳналаштирилган. «Лойқалар» («Ғалаба») пьесаси 1930 йилда Ўзбек давлат драма театри саҳнасида қўйилган. Шундан кейин у «Қизил таёқчилар» (1935) ва бошқа пьесаларни ёзган. Сотти Ҳусайн матбуот, театр, мусиқа, адабиёт, таржима масалаларига бағишиланган мақолалар эълон қилган. У Ҳамза меросини ўрганиш ишини бошлаб, «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва фаолияти» (1941) монографиясини чоп этган ва Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ини Ю.Султонов билан бирга нашрга тайёрлаган» (Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 8-том. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б.23 – 24).

Перед нами письмо члена ВКП (б) с 1929 года Сатты Хусайлова от 12 августа 1938 года, адресованного на имя секретаря ЦК ВКП (б) И.В.Сталину и наркома внутренних дел СССР Н.И.Ежова, которое гласило:

«11 августа я послал Вам письмо авиапочтой о поведение работников НКВД Узб.ССР. Я этим письмом хочу обратить Ваше внимание на следующее:



*11-го августа с.г. я принес на квартиру
Лиситина Ильи Петровича – нач. з отдела
НКВД сводку о Усмане Юсупове, которую он
просил, примерно такого содержания, как я
Вам писал. Тов. Лиситину это не понрави-*



лось и сказал: «Я от Вас ожидал другой, более сильной сводки. Ведь у Юсупова никакой борьбы то не было. Он сам на активе и на VII съезде заявил, что он (Юсупов) никогда не боролся против Икрамова. Вы знаете показания Икрамова, Ходжаева о том, что они

зации. Это меня возмущало. Я резко это отверг. Сказал, что я знаю много недостатков и пороков Юсупова и знаю, что он за последние годы почти прекратил борьбу и вообще плохо боролся с ИКРАМОВЫМ. Но и знаю много его достоинств и об этом я говорил и

48

160

2.

и вообще плохо боролся с ИКРАМОВЫМ. Но и знаю много его достоинств и об этом я говорил и пишу. Потом ЛИСИТИН понизил тон разговора и предложил еще раз написать о ЮСУПОВЕ более крепко. Таким образом, меня хотят несколько раз заставить писать об одном, чтобы поймать меня на слове и затем вынудить подтвердить ихнее ложное умозаключение об Усмане ЮСУПОВЕ. Пока что мне запретили говорить с ЮСУПОВЫМ. После того, как я напишу им о ЮСУПОВЕ по предложению ЛИСИТИНА, я должен умело подойти к ЮСУПОВУ и вынять у него все. Узнать у него, а что говорил он в Москве, что ему сказали, его отношение к ЯКОВЛЕВУ и т.д. У меня осталось такое впечатление, что они - АПРЕСЯН и он имеют определенное предубеждение, выводы о ЮСУПОВЕ, но фактами не располагают и хотят, чтобы я выручил их. Я не знаю как мне быть. Решил обратиться к Вам.

ХУСАЙНОВ

Мой адрес:
Ташк. З-я Аккурганская 5
ХУСАЙНОВ Сатты
12.VIII-38 г.

Копия с копии верна:

ПОМ.НАЧАЛЬНИКА СЛЕДСТВЕННОЙ ЧАСТИ
ПОДПОЛКОВНИК *Лиситин*

(ОЖЕРЕЛЬЕВ)

Копии данного документа находятся
в архивно-следственном деле № 11-697
по обвинению Лиситина Членство в терро-
рист. группе.

ПОДПОЛКОВНИК *Лиситин*
(Ожерельев)

были в одной организации, а были разговоры о том, что они враждовали. Я Вас предупреждаю, потом Вам будет плохо. Вы скрываете, не все говорите» и т.д.

Короче говоря, он хотел, чтобы я написал ему, что Юсупов и Юлдашев с Икрамовым одни люди, даже состояли в одной органи-

пишу. Потом ЛИСИТИН понизил тон разговора и предложил еще раз написать о ЮСУПОВЕ более крепко. Таким образом, меня хотят несколько раз заставить писать об одном, чтобы поймать меня на слове и затем вынудить подтвердить ихнее ложное умозаключение об УСМАНЕ ЮСУПОВЕ. Пока



что мне запретили говорить с Юсуповым. После того, как я напишу им о ЮСУПОВЕ по предложению ЛИСИЦИНА, я должен умело подойти к ЮСУПОВУ и выпытать у него все. Узнать у него, что говорил он в Москве, что ему сказали. Его отношение к Яковлеву и т.д. у меня осталось такое впечатление, что они – Апресян и он имеет определенное предубеждение, выводы о ЮСУПОВЕ, но фактами не располагают и хотят, чтобы я выручил их. Я не знаю как мне быть. Решил обратиться к Вам.

Хусаинов. Мой адрес: Ташкент, 3-я Аккурганская 5, Хусаинов Сатты. 12.VIII-38 г.»

Копия с копии верна: Пом.Началника следственной части подполковник (подпись) Ожерельев

Копия данного документа находится в архивно-следственном деле №697 по обвинению Лисицына Игнатья Петровича. (подпись) Подполковник Ожерельев. (Архив службы государственной безопасности Узбекистана фонд 14998)

Автор письма Сатты Хусаинов был арестован 8 августа 1941 года со стороны сотрудников НКВД УзССР. В архиве сохранилось постановление об аресте С.Хусаинова, в котором говорилось:

«Утверждаю: Нар.
Ком. Внутренних дел
УзССР, старший майор
госбезопасности
А.Кобулов 31 октября
1941 г.

Арест санкционую:
Прокурор УзССР
Волков 31 октябрь
1941 г.

Постановление (на арест)

Я ст. следователь КРО НКВД УзССР – Сухолозов рассмотрев поступившие материалы о преступной деятельности Хусаинова Сатты 1906 года рождения, сын торговца, член ВКП (б) с 1929 года, работает в институте искусства-ведения, проживает в г. Ташкент.

НАШЕЛ

Материалами следствия НКВД УзССР устанавливается, что Хусаинов Сатты является активным участником антисоветской националистической организации, ставшей своей целью отторжение Узбекистана от Советского Союза, и создание буржуазно-демократического государства. Допрошенный один из руководителей этой организации Азимов Сулейман показал:

«Я виновен в том, что был одним из руководителей контрреволюционной, националистической организации, ставшей своей целью свержение советской власти в Узбекистане.

В эту организацию я был вовлечен Юлдашевым Мухамеджаном, который возглавлял всю организацию. В этой организации сыграли активную роль Хусаинов Сатты, Кары-Ниязов и Захидов Вахид».

Допрошенный другой участник этой националистической организации Латыфов Юнус на следствии показал:

«... В одной из бесед в августе 1939 г. Азимов говорил мне: «Восточные народы – Турция, Иран, Афганистан живут самостоятельно и сами распоряжаются своей судьбой. Таким же должен быть и Узбекистан. В Узбекистане есть выдающиеся люди для которых интересы народа выше всего. Возьми Кары-Ниязова, Юлдашева Мухамеджана, Хусаинова Сатты, Захидова Вахида, меня, тебя и многих других. Разве мы не должны бороться за свободу и благополучие нашего народа?».

ПОСТАНОВИЛ:

Хусаинова Сатты арестовать, а по месту жительства произвести обыск.

Старший следователь КРО НКВД УзССР (подпись) Сухолозов».

Нарком Внутренних дел УзССР, старший майор госбезопасности А.Кобулов 24 ноября 1941 г.¹ принял постановление о водворение Сатты Хусаинова в карцер. Об этом свидетельствует следующий документ в котором говорилось:

¹ Для исполнении (подпись) А.Кобулов. 24.XI.



«Я старший следователь КРО НКВД УзССР – Сухолозов рассмотрев поведение на следствии арестованного участника контрреволюционной, националистической организации Хусаинова Сатты

НАШЕЛ:

Хусаинов Сатты на допросах ведет себя провокационно, уклоняется от ответов на поставленные вопросы, грубит со следствием, всячески запугивает следствие, возводит клевету, а поэтому

ПОСТАНОВИЛ:

За провокационно-клеветническое поведение на следствии, уклонение от дачи показаний и грубость, Хусаинова Сатты водворить в карцер на 10 суток.

Старший следователь КРО (контрразведывательный отдел) НКВД УзССР (подпись) Сухолозов




Сотти Ҳусаинов ва
Райхон Алимбаева

года обявил голодовку, а 16 апреля приостановил его, а 6 мая С.Хусаинов вновь восстановил голодовку.

Особое совещание НКВД СССР на своем заседание от 12 августа 1942 году вынес постановление о расстреле Сатты Хусаинова. Приговор был исполнен 5 сентября 1942 году. Заместитель начальника первого специального отдела НКВД УзССР Капустин подписал справку о приведение смертного приговора.

СУЛАЙМОН АЗИМОВ



Она-отамиз сабаб бўлган, улар ҳамиша ўзбек тилида гапиради, бизлар билан ҳам, эр-хотин, ота-онамиз ҳам. Уларки ўзбек тилида гапиргандан кейин қулоғимизга ўзбек тили эштилади, бас, биз ҳам ўзбек тилини ўрганамиз улардан.

Мана, Ўзбекистонни икки миллионга яқин одам тарқ этган деяпсиз. Афсуски, совет ҳокимиюти етмиш йилча ҳукм сурган бўлса, аксарияти оламдан ўтиб кетди. Сиз ўшаларнинг орасида катта бўлгансиз, уларнинг ватанга бўлган муносабати қандай эди, ўша хориждаги пайтларда қанақа бўлган, уларда умид бормиди бирор кун ватанимизга қайтамиз деб? Бу умидлар қанчалик ушалди ёки ушалмади?

Ташқаридаги ҳамма ҳамشاҳарларимизнинг умиди ватанда эди. Яъни яна қайтиб борсак деган фикрда эди, лекин ҳеч Совет Иттифоқи йўқолмади. Биз шундай қолдик чет мамлакатларда. Вақтики Арабистонга келдик, бир амакимнинг куёви Ваққос қори домла ҳарамга имом эдилар. У киши бизни Афғонистондан даъват қилиб Арабистонга чақиргандар. Келганимиздан кейин у киши бизларга туриб айтдиларки, энди келдинглар, шу ерда қоласизлар, бу Саудий Арабистон фуқаролигини олиб берсак. Акам туриб айтдиларки, ҳай, дадамдан сўрайлик. Дадам изн берсалар, олайлик. Кейин акам билан бирга дадамнинг олдиларига бордик. Шунаقا, Ваққос қори домла шунақа деяптилар, агар сиз изн берсангиз, биз фуқаролик оламиз дедилар. Дадам туриб айтдиларки, мана, бир-икки йил уч йил ичida ватанимиз озод бўлади, тўғри ватанга кетамиз, нима қиласми бу ерда қолиб, яъни ўша муқаддас ерда ҳам, ўшанда ҳам Ўзбекистонга бориши орзулари бор эди.



Демак, ҳар доим ватанга қайтамиз деган орзу билан яшашган?

Кейин мустақиллик бўлди. Ислом Каримов ҳазратлари чавкага (мансабга) ўтирилар, бир конфиронс бердилар шу чет мамлакатлар учун ва бошқа масалалар учун. Битта вазирлари туриб айтдики, чет мамлакатда бизнинг қанча ўзбек ҳамشاҳарларимиз бор, улар ватаннинг орзусида. Шуларга йўл кўрсатсан, қайтиб улар ватанга келишса деган мазмунда гапириб ўтирилар. Бундан кейин Ислом Каримов чет мамлакатдаги ҳамшаҳарларимиз ҳозирча тураверсин, ояндада (келгусида) кейин бир фикр қилалини дедилар.

Тушунарли, демак, уларнинг аксарияти-нинг орзуси Ўзбекистонга бутунлай қайтиб кетиш ёки исталган пайт муаммосиз бориб ҳоҳлаганларича яшаб қолиш бўлган. Умуман, мустақиллиқдан кейин ватанга бориб-келиш қанақа бўлди, сиз муаммосиз ҳоҳлаган пайтингиз бориб келдингизми, неча марта бориб келдингиз?

Мустақиллиқдан кейин бўлди, мустақиллиқдан илгари бориши йўқ эди мамлакатга.

Демак, виза олиб, виза асосида бориб келасиз?

Ҳа, виза асосида бордик. Аввал тўрт йиллик виза беришди, ундан кейин неча йил ўтгандан кейин буни ҳам йўқ қилиб, бир йиллик берадиган бўлишди. Кейин бир йиллик ҳам йўқ бўлди, бир ойлик виза, ҳозир ҳам бир ойлик визада турибмиз.

Хабарингиз бор, Ўзбекистонда ҳокимият ўзгарди яқинда. Президент ўзгарди, жуда кўплаб соҳаларда ҳозир ислоҳотлар режаси бор ва шунга асосан ишлар бошланяпти. Ҳорижда яшаётган ўзбекистонлик сифатида янги ҳукumatдан шу масалада Ўзбекистонга бориб-келиш масаласида, масалан, қанақадир орзу-умидларингиз борми?

Албатта, янги раиси жумхурдан (президентдан) умидимиз шуки, бизнинг чет элдаги ҳамшаҳарларимизга бир янгилик қилиб, бориб-келиш ёки бориб қолишиликка изн берилса кўп яхши бўлади. Албатта, чет мамлакатдаги ҳамшаҳарларимизнинг орзуси шу.

Ўзбекистонда туғилганингиз билан, хорижда улгайдингиз, фарзандларингиз ҳам шу хорижда туғилиб улгайган ва ҳаммаси ўзбек тилида яхши гапиради. Бунга қандай эришдингиз, ўзбек тилини сақлаб қолиш қийин бўлмадими?

Ўзбек тилини сақлаб қолиш учун биз эр-хотин ҳамиша ўзбек тилида гапирап эдик. Авлодларимиз (фарзандларимиз) ҳам биз билан ўзбек тилида гаплашарди. Албатта, бошқа тил, бегона тил қайси муҳитда бўлса, буни ўзлари ўрганишади. Масалан, Америкада инглизча тилни кўчада ўргана олади. Лекин уйда биз билан ўзбек тилида гаплашади. Мана шу сабаблар билан авлодларимиз ўзбек тилида бемалол гапириб туришади.

Демак, ота-онанинг ўрни муҳим тилни сақлаб қолишда. Ота-она гапирса, фарзандлари ҳам ўрганади. Иккинчи, учинчи авлодга ўтганда масала қандай бўляпти? Неваралар, масалан?

Энди бизнинг авлодларимиз, улар ҳам ўз авлодлари билан ўзбек тилида гапириб ўтса, учинчи авлод ҳам ўзбек тилини ўрганади. Ўзбек тилида гапиради, агар ўз ҳолига қўйиб берса, у вақтида ўша муҳит улар устига ҳоким бўлиб, муҳит тилини ўрганишади-ю, шу билан тилимиз йўқолади.

Фарзандларингизда ҳам, набираларингизда ҳам ватанга, Ўзбекистонга қанақадир боғлиқлик борми ҳозир?

Ҳаммаларида бор, менинг авлодларим ҳам масининг орзуси шу. Кейин яна бир мавзу бор: бу Туркiston жамияти борасида, Брукленда Туркiston Американ Ассосейшн (жамияти) бор, биз бунинг асоси(ни) Афғонистонда боштаганмиз. Афғонистонда шу улфатлар билан бирга бўлиб Туркiston жамияти қурайлик деганмиз.

Бу жамиятни қуришдан асосий мақсад нима бўлган?

Мақсад, бизнинг ҳамшаҳарларимиз авлодларини ўша вақтда мактабга беришмас эди, шуларни мактабга бериш учун ҳамшаҳарларимизни тарғиб қилайлик дедик.



АБДУЛМАЖИД ФОЗИ ЎФЛИ – ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДАГИ «ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИ» АЪЗОСИ



Менинг таваллуд топган жойим – Марғилон, 1941 йилнинг охирида ҳарбий хизматга чақирилдик. Уруш бошлангандан кейин уч-тўрт ой Самарқанд яқинидаги Каттақўргон деган ерда ҳарбий машқ кўргандан сўнг, ўзбек, қозок, қирғиз тўпланиб, ичида озроқ руслар ҳам бор эди, жабҳага юбориши. Туркманистоннинг Иссиқ Сув – руслар Красноводск дейди у ерни – портидан баржага миниб Бокуга ўтганмиз. Кавказ йўлидан то Тбилиси, Абхазия ва Кабардин-Балкарга бориб, мудофаа хаттига (фронт линиясига) келганимизда олмон армиясининг ўровида қолганмиз. Уч ой ўровда қолганимиздан кейин туркманистонлик бир полковник – политрук дейишарди – сиёсий маъруза берарди, рус полковниги бор эди, у командир эди. Уч ойдан кейин иккаласи ўтириб қарор қилиб таслим бўлишган. Биз – аскарларни Польшадаги Холм лагерь ва Легионово деган ердаги асиirlар кампига (лагерига) жойлаштиришган эди. Ўша ерда оғир вазиятда турганимизда раҳматли Вали Қаюмхонбек ва Мустафо Чўқайбеклар Олмония ҳукуматига мурожаат қилиб, бизни асиirlикдан кутқариш чораларини қидириб топишиди ва Олмония ҳукумати билан тенг ҳуқуқ асосида имзоланган келишув бўйича легион қурилди. Мен легионга 1943 йили кирдим. Бу легион ҳақида баъзи ёзган нарсам бор, истасангиз, сизга ўқиб бераман.

Мана, сиз Туркистон легионини тилга олдингиз, тарихда бу ҳодисани ҳар хил талқин қилишади, ўзингиз яхши биласиз, совет даврида буларни миллат хоинлари, ватан хоин-

лари деб эълон қилишган. Шу боисдан ҳам легионда иштирок этган бир инсон сифатида қандай баҳолайсиз, бу легионни ташкил этишдан асосий мақсад нима бўлган?

Асосий мақсад ўзбекистон, яъни Туркистон номи билан ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистон сўзини ишлатмасдан Туркистон, Туркистоннинг озодлиги, мустақилликка чиқиши ҳаракати йўлида легион қурилган. Легионнинг бошқарувчилари Мустафо Чўқай ва Вали Қаюмхон бўлган. Афсуски, Мустафо Чўқайбек Польшанинг асиirlар лагерида туркистонликлар билан кўришиб сухбатлашган вақтида тиф касаллигига учраб, Берлин касалхонасида вафот этган эди. Шунда Вали Қаюмхон Миллий Туркистон комитетининг раиси бўлиб ёлғиз ўзи ишлаган эди. Унинг ёрдамчилари, масалан, Туркистон легионининг радиоси бор эди. Унда Эргаш Шермат Булоқбоши, Ҳусайн Икром, доктор Мақсудбек – булар радиода ишлашар эди. Боймирза Ҳайит легионнинг ҳарбий ишлари билан машғул эди. Вали Қаюмхон легионнинг сиёсий ишлари билан, ҳукумат билан алоқада бўлган.



Мана, сиз ҳозир бир неча тарихий шахсларни санаб ўтдингиз. Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Мустафо Чўқай – бу инсонлар ким эди? Умуман, томошабинларга қисқача маълумот бериб кетсан шу ерда, масалан, Германияга улар қандай бориб қолган ва у ерда шу пайт нима қилаётган эди? Қисқача шуни ҳам гапириб беринг.



Бухоро Жумхурияти бўлган вақтида Абдурауф Фитрат маориф вазири бўлган. У аълочи талабалардан беш-олтитасини танлаб, Олмония ва Францияга таҳсил олиш учун юборган. Олмонияда таҳсилни битириб Вали Қаюмхон қолган. Мустафо Чўқай Францияда қолган. Қолганларнинг кўплари Туркияга боришиган. Масалан, Тоҳир Чигатой, профессор Иброҳим Ёрқин, доктор Солих, булар Туркияга жойлашган. Энди легион билан қолганларни ажратиш керак бўлган. Олмон аскарларининг униформаси яшил рангда бўлган, легиондагиларнинг формаси мовий рангда бўлган ва рамз сифатида легионерлар кийимининг чап қўлига Самарқанддаги жоме масжидларидан бирининг расми туширилган. Айни шу расм камар тўқасига ҳам туширилган эди.

Туркистон легиони умумий Германия армиясидан бошқарувда қанчалик мустақил ёки алоҳида бўлган?

Туркистонликлар ўзи мустақил бўлган. Командирлари ҳам, зобитлари ҳам алоҳида ўзларидан бўлган. Масалан, зобитлардан биттаси раҳматли Рўзи Назариддин, Исоқжон Нарзиқул яқинда вафот этди.

Улар ҳам Америкада яшашганми?

Ҳа, булар ҳаммаси шу ерда яшашган. Ҳусайн Икром, Эргаш Шермат Булоқбоши Виржинияда яшарди. Энди, легионни, биласиз, бўлим-бўлим қилиб, бир қисмини Украинадаги фронтга, бир қисмини Сталинград фронтига, бир қисмини Болқон давлатларига юборган. Бизники Болқонга тушиб қолганди. Юнонистонда олти ой тургандан кейин мени, Бобожон деган ҳамشاҳримизни, вафот этган, Оллоҳ раҳмат этсин, бир қирғизистонлик йигитни, бир қозогистонлик йигитни – тўрт кишини Эльзас-Лотаринг деган жойга немис тилини ўрганиб легионда тилмошлиқ қилиш учун кичик зобит етиштириш мактабига юборишиган эди. Бу мактабни тугатиб, ўзимизнинг батальонга қайтиш олдидан Югаславиянинг, (яъни) Хорватиянинг Окучани деган ерида батальонни Юнонистондан қайтишини кутиб тургандик ва уруш тугагандан кейин биз Австрияга киришга мажбур бўлдик. Чунки Австрияни Британия билан Руссия ишғол қилган эди.

Туркистон легионида тахминан қанча туркистонлик аскар бўлган?

Туркистонликлардан 200 минг аскар бўлган.

Уларнинг барчаси асир тушган ва Туркистон ёки Марказий Осиёлик 200 минг атрофифида аскар йигитлар бўлган.

Бундан ташқари, 162-номерли бир қанча батальондан ташкил қилинган туркий миллатлар дивизияси деб қурилди, алоҳида. Булар ичида озарбайжонликлар, кавказликлар, туркистонликлар, қирим татарлар ҳам бор эди. Энди унга қўмондон қилиб олмон генералини тайин қилишди. Менда унинг сўзлари бор, баёнотлари бор, ўқиб бераман ҳали. Биз таслим бўлгандан кейин биз беш-олти киши бўлиб Клагенфурт шаҳрининг қишлоқларида дехқонларнинг ёнига кириб олдик. Киролмаганларни инглиз аскарлари ўрмонларда дараҳт кестиришди, ишлатишиди.

Шу Туркистон легиони қайта жангга ташлангандан кейин совет армиясига қарши жуда кўп туркистонликлар ҳалок бўлган бўлса керак. Тахминан рақамларини биласизми, қанчаси тирик қолган, қанчаси ўлган?

Масалан, сизга биттасини айтиб берай, раҳматли Исоқжон Қобилов, Қодиров деган зобитлар бошчилигида Украина фронтига борганимиз. 1200 кишилик батальондан 350 киши қайтиб келганимиз. Қолгани талафот берилган, ўлган.

Русларга қайта асир тушганлар ҳам бўлганми?

Йўқ, асир тушганлар йўқ. Кейин Мюнхеннинг Митилволт деган ерида ҳарбий казармалар бор эди, у ерда янгидан батальон тузиб, кейин бизни Юнонистонга юборишиган. Бу 200 минг аскардан қолган бўлса, балким, ярми дейми, ярмидан озроқми ҳаёт қолган, аскарлар кўпи, биласиз-ку, айниқса, Сталинград фронтида қолмиқ чўлида вафот этишган.

Туркистон легионини ташкил қилишдан Мустафо Чўқай, Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайитнинг мақсадлари ватанни советлар тузумидан озод қилиш бўлган деб гапирдингиз. Уларнинг самимиятига шубҳамиз



Йўқ, лекин агар Германия хақиқатан бу урушда советларни енгиги чиққанида, улар шу легион асосчилари хоҳлагандек Туркистонга озодлик беришига қанчалик ишонган бўлардингиз?

Олмон ҳукумати ҳатто баёнотларида дейдик, Венада ўтказилган Туркистон комитетининг қурултойидан кейин олмон ҳукумати расман эълон қилган: Туркистон миллий комитетини Туркистоннинг вақтли ҳукумати, легионини Туркистоннинг миллий армияси деб тан оламиз деб баёнот берган Гитлер ҳукумати.

Демак, Туркистон эгалланган тақдирда бошқарув мана шу легионга топшириларди деб ишонардингизми?

Мустақиллик (бўлиб), агар Туркистон қутулганда эди, Вали Қаюмхон вақтли ҳукуматнинг бошлиғи бўлар эди. Легионерлар Туркистон ҳукуматининг расмий армияси бўлар эди. Буни олмон ҳукумати расман эълон қилган. Биз Австрияга киришда инглизларга таслим бўлганмиз. Легионнинг бошқа қисмлари Олмонияда таслим бўлган. Уларники осонроқ бўлган. Чунки бизникини рус зобитлари от миниб қишлоқма-қишлоқ айланиб, текшириб юрган қўлга тушираман деб. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йил охири – 1946 йилда Австриянинг Клагенфурт шаҳри, Линц шаҳри, Грац шаҳри ва бир қанча шаҳарларида муҳожир, ватансиз муҳожирлар лагерини ташкил қилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугади, Германия таслим бўлди. Бундан кейин Туркистон легиони аъзоларининг, туркистонлик асирларнинг тақдирни нима бўлди, уларга нисбатан бўлган муносабатда оддий немис аскарларидан фарқли муносабат бўлдими?

Йўқ, айни муомала, олмон ҳукуматининг аскари қандай таслим бўлган бўлса, легионерларга айни муомала (бўлган). Аскарларга унча қийинчилик йўқ. Қўлга тушганларни ишлатишди, инглизлар ўрмонларда даражат кестириб ишлатишди. Дехқонлар ёнига бориб яшириниб ўзини сақлаб қолганлар кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти лагерига киришди. Лагерга киргандан кейин ҳам совет ҳукумати тинчимай пропаганда қилиб, асирларни Ватанга қайта-

риш ҳаракатини бошлаган. Ялтада имзоланган келишув бўйича Рузвельт ва Черчил Сталиннинг талабига бўйин эгиб, совет ватандошларини қайтариб бериш келишувига имзо қўйган. Шунинг учун совет ҳукумати тинмай пропаганда қилди. Масалан, лагерларга кинолар олиб келди, ўзбек, Туркистон ҳалқига «Тоҳир ва Зухра» киносини олиб келди, уч-тўрт ой қўйиб берди. Русларга «Каменный цветок» деган киносини олиб келди. Энди «Тоҳир ва Зухра» киносини кўрганлар Ватанга қайтиш учун ичи қайнайди, аммо боришдан қўрқади. Раҳматли биринчи турмуш ўртоғим фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, исмини Тоҳир қўямиз, қиз бўлса, исмини Зухра қўямиз деди.

Демак, сиз Германияда уйлангансиз?

Ҳа, лагерда уйланганман. Шунда уч-тўрт ой давомида ҳар куни кечки вақт бориб «Тоҳир ва Зухра»ни кўриб ўтирамиз.

Қайта-қайта битта фильмни кўравергансизми?

Ҳа, «Тоҳир ва Зухра»нинг битта жойи эсимда қолибди, ҳозир айтиб берай. Зухранинг дадаси, ўша замоннинг сultonи буйруқ беради. Қиличдан тез, тифдан ўткир бу фармойиш. Тезда берилсин сардорларга ороиш, йўлда менга қарши хандақ қаздирмиш, Зухрани ҳам тўғри йўлдан оздирмиш, оқизилсин Тоҳир ушбу дарёга, қилмишлари ибрат бўлсин дунёга дейди.

Ялта конференциясида иттифоқчилар ўртасидаги келишув бўйича совет армиясининг асирларини совет ҳукуматига қайтариш бўйича келишилган. Нима бўлиб сиз ва бошқа туркистонликлар Германияда ва бошқа давлатларда қолдингиз, Совет Иттифоқига қайтарилимадингиз?

Энди мажбурий қайтаришда ёлгон ваъдалар билан бир қанча кишини алдаб, совет пропагандасига ишонтириб, Булганин эди ўша вақтда раис, фармон чиқарган эди. Олмонияга асир тушганлар ё бошқа сабаблар билан чет элларга чиқиб кетган ватандошлар, олмон ҳукуматига хизмат қилган, у ёқда асир тушган совет ватандошлари қайтиб келса, жазога тортилмайди, афви умум қилинади деб ваъда берган. Бу ваъдага ишониб борган одамлар ҳаёти тамом бўл-



ди, ё Сибирда ўлиб кетди, ё бошқада. Масалан, ҳайвон ва мол ташийдиган вагонларга солиб, Чехословакиянинг чегарасига олиб боришган, Сталинга таслим бўлгандан кўра ўлганим афзал деб билак томирини кесиб ўзини ўзи ўлдирган одамлар бўлган легионерлардан.

Германияда лагерда уйландим дедингиз. Кейинги оилавий ҳаёт қандай бўлди, ўшанда бир фарзанд кўрдингизми, ўша даврда лагерда оила билан яшаш қийин бўлмаганми?

Лагерда уйланганмиз, югославиялик Капитанович деган домла (ўқиган) никоҳи билан мусулмонча уйланганмиз. Ундан кейин Клагенфуртдаги лагерга Туркиядан бир ҳайъат келди юзбоши Исматбек бошчилигига. Ҳамма Туркияга олинадиган (олиб кетиладиган) менга ўхшаган муҳожирлар рўйхатини қилиб олиб кетишиди. Энди Туркияни кутиб ўтириш бор, бу ерда ишлаш бор, лагернинг ҳаёти маълум, ҳаёт қийин, уч маҳал овқат пиширишади, уч маҳал овқат беришади, иш йўқ. Биз ҳар куни шаҳарга чиқиб эълонларни ўқиймиз, иш қидирамиз. Мен Туркияга боришни кутмасдан Франция эълонини кўриб қолдим, беш йил шартнома билан ишга олинади деган бир эълон бор эди. Шу эълонга биноан қўл қўйиб, оиласам қолди, чунки бориб иш бошлашингиз керак, улар уй-жой беради. Бир-икки ой ишлагандан кейин уй-жой беришиди, оиласамни олиб кетдим. Иш шу, кўмир конида ишлайсиз. Беш йил шартнома билан кўмир конида бир ярим йилми, икки йилми ишлагандан кейин Франциянинг бошқа бир шаҳрида металл буюмлар ишлаб чиқариладиган заводми дейсизлар, фабриками дейсизлар, ошналарим иш топиб, у ерга мени таклиф қилишди. Энди бу кўмир конидан бир доктордан қофоз олиб, бу одамнинг соғлиғи кўмир конига тўғри келмайди деган бир нима ёздириб олиб, шартномани бузиб, бу ишга кирдим. Бу иш ундан ҳам оғир, аммо хатари оз. 1953 йилгача ишлаб, 1953 йили Туркияга кўчиш ҳаракатини бошладим. Икки уч маротаба Парижга Туркия элчихонасига бордим, элчи жуда яхши одам эди. Ўғлим деди, сенга паспорт бераман деди. Бу паспорт билан

Туркияга кирасан деди. Ёқтирасанг қоласан, ёқтирасанг айни паспорт билан Францияга қайтиб келишинг мумкин деди. Хўп дедим. 1953 йил биз Туркияга кўчдик. Франциянинг Марсель шаҳридаги портидан Туркиянинг «Тарсус» кемасига миниб, бир ҳафтада Истанбулга бордик. Истанбулнинг Қоракўй божхонасидан ўтдик. Кейин Истанбулда шу ерда ишлаб, иш қидириб ҳар куни (кўчага) чиқамиз. Иш, иш, иш, куни билан пиёда юраман, чунки Боязидга бориш учун бир тарафга трамвай 15 қуруш эди, энди болалар бор, з нафар бола бор, уларни боқиши керак. Францияда тўплаган пулни битириб қўймайин деб пиёда юриб иш қидирадик. Чунки бир тарафга 15 қуруш, бир тарафга 15 қуруш, икки борди-келди бо қуруш, бо қурушга битта нон берарди Туркияда ўша вақтда. Кейин болалар мактабга бора бошланган вақтида Туркияда сағчи-сўлчи деган ҳаракат бошланган эди.

Сиёсий гурухларми?

Менинг катта ўғлим Анқара университетида (ўқир) эди. Ўша ерда буни тўхтатиб дейишибдики, биз тарафимизга ўтасан, ўтмасанг, сени бешинчи қаватдан таштаймиз, сўлчиларга кирмаган битта студентни ташлаб юборишибди бешинчи қаватдан. Менинг ўғлим олти ой уйда ўтирди, бир семестр йўқотди. Кейин дедим, бу болаларнинг мактаби (ўқиши) бўлмайди. Мен бир ҳаракат қиласай-да, имкон топсам, Америкага бориб жойлашай, булар мактабини битирсан дедим. Келиб бу ерда мактабга киришди, мактабларини ҳам битиришди.

Америкага келишингизга ким ёрдам берди?

Туркияга 1953 йили борганимиз, йигирма йилдан кейин, 1973 йили Америкага келдик. Ўша легионда бирга бўлган ошнам Исоқжон Нарзикул менга кафил бўлиб бу ерга олиб келди. Бу ерда иш (топиб) берди.

Демак, уруш тугагандан кейин собиқ асиirlар Туркистон легиони аъзоларини умумий бир давлатга кўчириб жойлаштириш дастури бўлмаган. Ҳамма ўзи мустақил равища йўлини топиб турли давлатларга чиқиб кетганми?



Қайси мамлакатга мурожаат қилған бўлса, чорасини топган бўлса боради. Масалан, Туркиядан келган ҳайъат рўйхат қилиб олган. Улар бориб, Туркияниг Адана деган шаҳрига жойлашди. Туркияда уй-жой ҳам беришди. Баъзилари Мисрга кетишди, баъзилари Америкага келишган. Кўпи Американинг ҳозирги автомобиль ишлаб чиқардиган Детройт шаҳрига келишган, ана шу ерга ишга келишган кўпи. Ўзбеклар ҳам бор, украинлар ҳам бор. Ўзи лагерда бутун миллатлар аралаш, югослав бор эди, ўзбек, қозоқ, қирғиз, мамлакатларини олмонлар ишғол қилгани учун от араваси билан бутун оила (бўлиб) кўчиб чиқсан қорачойлар бор эди. Қорачой, қабардин, балқарлар – уларнинг (бари) оиласи (билин) чиқишган (эди). Уларнинг асирик билан иши (алоқаси) йўқ. Улар ҳозир Нью-Жерсининг Патерсон деган ерига жойлашган, ўша ерда яшашади ҳаммаси.

1990 йиллар бошига келиб Ўзбекистон мустақил бўлди, Совет Иттифоқи парчаланиб кетди ва Туркистон легионининг асосчилари орзу қилған кунлар келди дейишимиз мумкин. Бундан кейин Марказий Осиё давлатлари янги ҳукуматларининг Туркистон легиони собиқ аъзоларига муносабати қанақа бўлди?

Мустақилликдан кейин профессор Хайрулло деган бир одам чиқиб, биз ўз вақтида Туркистон легионига хизмат қилганларни, ватандан чиқиб кетганларни ватан хоини деб пешоналарига тамфа босган эдик, бундан пушаймонмиз, энди булар келса, бағримизни очиб, яхши кутиб оламиз деб гапирган эди. Ана шу гапларга ишониб борган бир қанча киши Сибирга кетди. Бир қанча киши, масалан, Боймирза Ҳайит мен ҳаётимнинг сўнгини шу ерда ўтказман, мана шу ерда ўлмоқчиман деди, бўлмади. Икки ҳафтадан сўнг чиқиб кетишга мажбур қилишди. Мустақилликдан кейин сеқин-секин яхши борди-келди очилди, виза ишлари қулайлаштирилди.

Ватанга бордигизми ўзингиз?

Ватанга уч марта бориб келдим. Биринчи сида ўғлим билан бордим, мустақиллик бўлган 1991 йили бордим. Ундан сўнг ўзим икки марта

бордим. Энг охиргиси 2001 йили бориб, бу киши билан танишиб, бу кишига уйландим.

Ҳозир Ўзбекистонда янги ҳукумат келди, хабарингиз бор, ўтган йили президент ўзгарди, янги ҳукуматдан хорижда яшаб қолган ватандошлардан бири сифатида қанақа орзу-умидларингиз бор?

Янги ҳукумат ҳақида бизнинг ҳеч бир маълумотимиз йўқ, чунки интернетда баъзан яхши нарсалар ёзилади, баъзан ёмонлаб ёзишади. Айниқса, рус матбуотида ёмонлаб ҳам ёзишади. Унинг учун, менимча, кутиш керак. Янги сайланди, энди, қани, кўрайлик, қанақа ишлар қиласи. Ўзбекистоннинг тараққиёти учун қандай хизмат қиласи. Бу ҳали маълум эмас.

Ўзингиз каби инсонларга қанақа муносабат бўлишини хоҳлардингиз Ўзбекистон ҳукумати томонидан?

Ўзбек ҳукумати ўз вақтида ўзбек фуқароси бўлган, бирор-бир сабабдан чиқиб кетган ўзбек ватандошларига визани бекор қилиши керак, менимча.

Визани бекор қилиш керакми?

Визани бекор қилиш керак. Бунинг ўрнига, масалан, раҳматли Каримов вақтида Қирғизистон Ўзбекистонга виза, Ўзбекистон Қирғизистонга виза, бир-бирига виза қўйиши. Ҳолбуки, совет даври ҳукумати чўкиб, инқирозга учраган вақтида ҳаммамиз умид қилгандикки, бешта жумҳурият бирлашиб, битта катта давлат қуради, номи Туркистон бўлади деб. Унинг ўрнига тамоман бошқа нарса чиқди, бир-бирига виза қўйиш, бир-бирига итоатсизлик, яхши ният билан кутилган нарса бўлмади. Ҳозир ҳам агар бирлашса, беш жумҳурият: Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон (репортажда шундай келган) бирлашса, катта бир давлат бўлади. Бунда мутлақ ўзбек, қозоқ ёки қирғиз президент бўлиши шарт эмас. Навбатлашиб Швейцария системасида, масалан, ўнта-ўн бешта ноҳия бор, хар икки-уч йилда бир ноҳиядан битта одам чиқиб, бутун мамлакатга раис бўлади. Шу асосда тўрт йил ўзбек бўлсин, тўрт йил қозоқ бўлсин, тўрт йил қирғиз бўлсин, тўрт йил туркман бўлсин, битта давлат бўлсинки, ҳеч ким уни эзолмасин. Ҳозир Путиннинг



қўлидан келса, Ўзбекистонни, Қирғизистонни яна қўшиб олади, ҳаракати бор.

Демак, бирлашишимиз керакми?

Ҳа, бирлашиш керак. Мана шу бешта жумҳурият бирлашиб туриб битта давлат курса, Путин-Мутинлар яқинлаша олмайди ёнингизга. Чунки парча-парчамиз, жуда осон ейишга, осон, тайёр.

Катта раҳмат сұхбат учун. Шу ерда, менимча, яқунласак ҳам бўлади. Бугун биз

Пенсильвания штатида асли ўзбекистонлик, Иккинчи жаҳон урушида Туркистон легионида совет армиясига қарши курашган, ватан озодлиги ғояларига ишонган, кейинроқ Туркия, Франция ва Америкага келиб, бугун Америкада истиқомат қилаётган Абдулмажид отанинг хонадонларида меҳмон бўлдик. Шу ерда бугунги дастуризмизга яқун ясаймиз, келгусида учрашгунча хайр, саломат бўлинг.



ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ХАЛҚЛАРИ ДҮСТЛИГИДАН КИЧИК БИР ЛАВҲА

**Фарғона водийсида Қирғизистон спортининг
ривожланиши ҳақида хотиралар**

Пўлат Собиров

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан Ўрта Осиё республикалари давлат чегараларининг очиб берилиши бу минтақадаги халқларнинг азалий, тарихий алоқа ва дўстлигига янги қуч ва илҳом бағишилади. Қирғиз Республикаси миллий ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Мирзаҳалим Каримов Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат чегараларининг очиб берилиши кўзларимиздан қувонч ёшлирини оқизганини айтиб, Юртбошимизни «Икки эл бахти учун порлаган юлдуз», бу инсон Ўрта Осиё халқларининг бахти учун порлаган юлдуз каби чақнаб тураверсин деб таърифлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу икки халқ ҳамкорлиги ва дўстлиги узоқ тарихга эга. Ана шундай тарихни биз билишимиз, қадрлашимиз ва эъзозлашимиз зарур. Бу икки халқнинг дўстлигини тиклаш ва янада мустаҳкамлаш сари сўнгги беш йил ичida таҳsinga сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлиги ва биродарлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётгани ҳақида «Водийнома» журнали саҳифаларида ёритиб борилмоқда. Журналнинг бу сонида таҳририят қардош Қирғизистон фуқароси, миллати ўзбек, таниқли жамоатчи Пўлат Сайдович Собировнинг «Фарғона водий-

сида Қирғизистон спортининг ривожланиши ҳақида хотиралар»ини беришни лозим кўрди.

Тақдир тақозоси билан мен Ўш обlastida спорт ишлари бўйича раҳбар бўлдим. 1966 йил февраль ойида мени обlastь спорт жамиятлари ва ташкилотлари иттифоқи обlastь кенгаши раиси этиб сайладилар. Бу мен учун умуман кутилмаганда содир бўлди. Мен Ўш обlastи комсомол ташкилотида ишлардим, Ўзган районида комсомол ишлари бўйича масъул ташкилотчи эдим. 12 кишидан иборат бригада билан комсомол район қўмитаси бошқаруви бўйича район партия ташкилотининг пленумига тайёргарлик кўраётгандим. Кечга яқин обlastь комсомол комитети котибининг ҳайдовчиси тўсатдан хонага кириб келди ва деди: «Пўлат Сайдович, мен сизни олиб кетгани келдим. Зудлик билан Ўш шаҳрига боришингиз керак, сизни обlastь комсомол қўмитасининг биринчи котиби М.К.Капаров чақирмоқда». Мен унга қўнғироқ қилиб, гап нимадалигини билмоқчи бўлдим. У менга албатта боришим кераклигини таъкидлади. Дарҳол Ўзгандан Ўшга жўнадим ва унинг қабулига кирдим. У менга шундай деди: «Пўлат Сайдович, мен сизни шу масала бўйича чақирдимки, эртага Ўш обlastи спорт конференцияси бўлади. Республика спорт вазири Д.О.Умурзоқов келган. Сиз конференцияда сўзга чиқиб, обlastь комсомол қўмитасининг комсомоллар ва ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича фаолиятини ёритиб



берасиз. Менимча, тайёргарлик кўришга улгурасиз, эрталабгача вақтингиз бор».

Мен барча зарур материалларни кабинетимдан уйимга олиб кетдим. Туни билан конференцияда сўзлайдиган маърузам бўйича ишлашимга тўғри келди. Маърузамда область комсомол қўмитасининг область ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида гапирдим. Танқидий равишда ёндашиб жисмоний тарбия кадрларининг етишмаслиги, спорт базасининг заифлиги ва спортни молиялаштириш ҳақида гапирдим. Ўш шахрининг «Шахтёр» футбол жамоаси Совет Иттифоқи чемпионатида Марказий Осиё ва Қозогистон зonasида «Б» синф жамоалари ўртасида ўйнаётганига қарамай, область марказида марказий стадион йўқлигига эътибор қаратдим.

Анжуманда мени ўш область спорт уюшмалари ва ташкилотлари иттифоқи область кенгаши пленумининг аъзоси этиб сайладилар.

Конференциядан сўнг Ўзганга жўнаб кетмоқчи бўлдим, лекин М.К.Капаров кечқурун пленум йиғилиши бўлиши ва мен пленумда қатнашишим кераклигини айтди.

Кечга яқин Ўш область партия комитети секретари М.И.Исмоилов бошчилигига область совети пленуми бўлди. У менинг номзодимни Ўш области спорт уюшмалари ва ташкилотлари иттифоқи кенгаши раиси лавозимига таклиф қилди. Пленумнинг 72 аъзосидан 70 киши менинг номзодимни қўллаб-қувватлади. Пленумнинг икки аъзоси, Қадамжой сурма заводи спорт клуби вакиллари қарши эди. Менинг спортдаги фаолиятим мана шундай бошланди.

1982 йилгача Ўш области жисмоний тарбия ҳаракатига раҳбарлик қилдим. Ўшандада мен шахсий таркиби кучайтириш мақсадида ички ишлар органларига ишга юборилдим.

Ўш области спорт раиси этиб сайланганимдан сўнг эртаси куни Ўзганга боришга мажбур бўлдим, чунки район партия комитетининг пленумида Қирғизистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби учун мафкуравий масалалар бўйича маъруза тайёрлаётган эдим. Мен тайёрлаган маъруза маъқулланди. Пленум

муваффақиятли ўтди, шундан сўнг мен Ўш шахрига қайтдим ва янги лавозимда иш бошладим.

Спорт ишлари раҳбарлигининг биринчи йиллари жуда қийин бўлган. Менда раҳбарлик амалиёти ва партия тажрибаси бўлмаганлиги учун қийналдим. Аввало, штат жадвали, йил учун харажатлар сметаси билан танишдим ва бунчалик кам сонли ходимлар ва оз маблағ билан ишлаш жуда қийин бўлади деган хulosага келдим. Марказий аппарат штатида атиги 7 киши, шундан фақат 3 киши масъул ходимлар (раис, раис ўринбосари ва инструктор), қолгандари техник ходимлар. Ўшандада Ўш области таркибида 7 шаҳар ва 14 район бўлган.

Кейинчалик областда спорт соҳаси кадрлари билан таъминланиш даражасини ўрганиб чиқдим. Уларнинг сони умуман эҳтиёжни қопламасди. Жисмоний тарбия кадрларини Фрунзе шахридаги (ҳозирги Бишкек шахри) битта жисмоний маданият институти тайёрларди, Ўш давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети эса 1958 йилда ёпилган эди.

Спорт иншоотларига келсак, айтадиган гап йўқ эди. «Шахтёр» футбол жамоаси Совет Иттифоқи чемпионатида ўйнаётган бўлса-да, область маркази Ўш шахрида талаб даражасидағи стадион ҳам йўқ эди.

Вазият билан танишиш мақсадида Ўш обласгининг барча район ва шаҳарларини бориб кўриб, жуда хафа бўлдим. Негаки йўл-йўлакай қардош Ўзбекистоннинг Фарғона, Андижон, Намангандаробашлиги ва Тоҷикистоннинг Ленинобод обласлари спорт қўмиталарида ҳам бўлганимда қардош обласларимизда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳолати бизнидан анча яхши эканини кўрдим. Жисмоний тарбия ҳаракати ва спортнинг ўрнини ўрганиш ва таҳлил қилишим учун таҳминан олти ой вақт кетди. Мен шундай хulosага келдимки, область раҳбариятига областдаги ишлар ҳолати тўғрисида маълумот бериш зарур эди. Аниқ чоралар кўриш учун тўртта таклиф тайёрладим:

Биринчиси: Вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси марказий аппарати штат сонини кўпайтириш.



Иккинчиси: Областда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун қўшимча маблағ ажратиши.


Учинчиси: Ўш шаҳрида марказий стадион ва областнинг шаҳар ва туманларида стадионлар қуриши.

Тўртинчиси: «Шахтёр» футбол жамоасининг номини «Олой» деб ўзгариши.

Буларнинг барчасини Ўш облости партия комитетининг биринчи котиби А.С.Суюмбоев билан учрашувда тақдим этдим, у менинг таклифимни тушунган ҳолда қабул қилди ва фикрларимни маъқуллади.

Бу вақтга келиб мен аллақачон Ўш облости кенгаши депутати этиб сайланган эдим. Бу таклифларимни Ўш облости депутатлар кенгаши сессиясига ҳам киритдим.

1966 йил охирида Ўш шаҳрининг марказий стадиони қурилиши бошланди ва 1967 йилда қуриб битказилди. У шаҳарни ҳалигача безаб турибди. Югуриш йўлакларига резина-битумли қоплама ётқизилган.



Стадион югуриш йўлакларига резина-битумли қопламанинг ётқизилиши

1968 йилда Ўш облости спорт комитети штати қўпайтирилди, ташкилий-оммавий ва ўқув-спорт бўлимлари ташкил этилди, спорт иншооти муҳандиси ўрни тўлдирилди. Футбол жамоаси номи «Олой» номи билан алмаштирилди. Мен «Олой» футбол жамоаси билан боғлиқ бўлган воқеани тез-тез эслайман. Бизнинг Ўш облости партия комитетининг биринчи котиби А.С.Суюмбоев футболга ашаддий мухлис эди. Унинг бевосита иштироки ва амалий

ёрдами билан бугунги кунда унинг номи билан аталган Ўш шаҳар стадиони қурилган. У «Олой» жамоасининг ашаддий мухлиси бўлиб, нафақат Ўшда, балки сафарда ҳам унинг барча ўйинларига борар эди.

Бир куни у менга ҳукумат телефони орқали қўнгироқ қилиб, Тожикистон билан чегародош ҳудудда жойлашган Лайлак районига кетаётганини айтди. Уйга қайтишда эса Ленинобод шаҳрига тўхтаб, бизнинг «Олой» ва Ленинобод шаҳрининг «Помир» жамоалари ўртасидаги ўйинни томоша қилмоқчи эканини таъкидлаб, футбол бошланишидан бир соат олдин уни Ленинободдаги стадион ёнида кутиб олишимни тайинлади.

Футбол бўладиган шанба куни Ленинобод шаҳрига жўнаб кетдим ва белгиланган учрашув вақтидан 20 дақиқа кечикдим. Унинг олдига бориб, салом берганимда менга: «Ўртоқ Собиров, мен обкомнинг биринчи котибимни ёки сизми?» – деб қолди. Кўрққанимдан: «Сиз биринчи котиб, Ахматбек Суттубоевич», – деб, кечикканим учун кечирим сўрадим. Машинам Конибодом шаҳрида бузилиб қолганини айтдим. «Машина таъмирлангунча вақт ўтди», – дедим. У: «Хўп, буни ҳал қиласиз. Эртага эрталаб партия билетингиз билан ишхонамга келасиз ва менга партбилетингизни топширасиз. Келинг, футбол томоша қиласиз», – деди. Биз стадионга кирдик, оддий мухлислар орасида ўтирдик. Маълум бўлишича, у Ленинобод облости раҳбарларидан ҳеч кимни огоҳлантиргмаган, улар эса раҳбарлар платформасида ўтиришар эди.

Футбол бошланди. У ўйиндан кўзини узмасди, мен эса ундан. Менинг хаёлим партбилетимда эди! Учрашувнинг биринчи бўлими нолу нол ҳисоби билан якунланди.

Танаффус пайтида кийиниш хонасига кирдик. У бизнинг футболчиларга далда берди ва таслим бўлмасликни тайинлади. Жамоамиз галаба қозонса ёки дуранг ўйнаса, ҳар бирига 200 рублдан мукофот пули ваъда қилди. Сафардаги дуранг галабага teng эди-да.

Футбол тугагач, яна футболчиларимизнинг кийиниш хонасига кирдик. Уларни ва мураб



бийларни яхши ўйин билан табриклиди, спортда мұваффақиятлар тилади.

Ленинбод шаҳридан Ўш шаҳри томон йўл олдик. У менинг хизмат машинамга ўтиринг, бу ишончли, машина йўлда бузилмайди деди.

Ленинбод шаҳридан чиқиб, йўлда кетар эканмиз, у машинани тўхтатиб, ҳайдовчисига юкхонадан ейиш учун бирор нарса олиб келишни буюрди. Николай – бу ҳайдовчининг исми эди – бир шиша ароқ ва яхши газаклар олиб келди. Унинг ўзи шишани очди, стаканни тўлатиб қўиди ва менга узатди. Нима қилишни билмай қолдим. Мен ҳеч қаҷон бундай катта стаканга тўлиқ қўйилган ароқ ичмаганман. У деди: «Ичинг, ўртоқ биринчи котиб, эртага эрталаб соат 8:30 да партбилетингизни олиб ишхонамга келишни унутманг». Кейин ўзига ҳам тўлатиб қўиди, ичди ва яна йўлга тушдик.

Ўшга етиб келганимизда жуда кеч бўлган эди. Мен билан хайрлашиб, ҳайдовчисига мени уйимга олиб бориб қўйишни тайинлади.

Туни билан ухламай чиқдим, партбилетим ва эртага унинг саволларига қандай жавоб беришимни ўйлардим. Эртага у менга нима дер экан, эгаллаб турган лавозимимдан кетишимни айтармикан деб ўйлардим. Бундан кейин қаерга боришим ва нима иш қилишим ҳақида ўйлардим.

Эрталаб соат 8:30 да унинг қабулига бордим. Котибаси менга қараб «кираверинг, у аллақачон сиз ҳақингизда сўраган» деди. Кабинетига кирдим, салом бердим ва рўпарасига ўтиридим. У мендан партбилетимни сўради. «Ахматбек Суттубоевич. Ахир, партия низоми бор, партияга қабул қандай ўтказилади, партиядан қандай чиқарилади, унда аниқ ёзилган. Шунинг учун мен партия билетимни олиб келмадим», – дедим. У: «Оҳ, қандай саводли ходим», – деб тугмани босди. Котиба кириб келди. Ундан гараж мудирини сўради ва тез кўнгироқ қилсин деди. Бир неча дақиқадан сўнг телефон жиринглади. Бу область партия комитетининг гараж мудири эди. Суюмбоев сўради: «Менга қара, бизга Марказий Комитетдан берилган машина қаерда?.. Яхши. Сен Собировни – спорт комитетини биласан-а?.. Демак, бу машинани унга топширгин». Кейин менга қараб: «Собиров, гапни эшитдин-

гиз. Машинани олинг, энди мен билан ва бошқалар билан учрашувга кечикманг», – деди. Албатта, жуда ҳайрон бўлдим, жуда хурсанд бўлдим, унга миннатдорлик билдириб, кабинетидан чиқиб кетдим.

У билан орамизда жуда яхши муносабат шакланди. У «Олой» футбол жамоасига «Турист» биринчи йўловчи автобусини совға қилди. 1968 йилда А.С.Суюмбоев Қирғизистон ССР Министрлар Кенгashi раиси этиб тайинланди. Уни чиройли қилиб кузатиб қўйиш керак эди. Лекин қандай қилиб? Мен бу ҳақда бир неча кун ўйладим. Зоро, бу одам Ўш области спортининг ривожланиши учун кўп ишлар қилган эди. Ҳатто мени Мексикадаги Олимпия ўйинларини кўришга ҳам юборган эди.



Мексикадаги «Ацетика» пирамидаси.

Мехико, 1968 йил

Эсимда, Ўш шаҳри аҳолиси унинг устидан Марказий Комитетга шикоят ёзиб, Ўшда ҳам, районларда ҳам болалар боғчалари ва умумтаълим мактаблари етишмаяпти, у эса спорт иншоотлари қуриб ётиби деганди. Ўшандада у Марказий Комитетдан ҳайфсан олган.

Областда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини ўйлаб унга футбол тўпини совға қилишга қарор қилдим. Футбол тўпига «Олой» жамоаси футболчиларининг имзоларини қўйдирдим ва уни Ўш аэропортида Фрунзе (ҳозирги Бишкек шаҳри)га учиб кетаётганида топширдим. Уни кузатишга келган областдаги кўплаб раҳбарлар ҳам бор эди. Унга футбол тўпини топширганимда жуда хурсанд бўлиб деди: «Хурматли ўшликлар, ҳамкаслар. Бу



футбол түпи мен учун энг азиз совга, Қирғизистон жанубидаги ишларим, фаолиятим хотираси бўлиб қолади».

Шуни таъкидлаш керакки, 1967 – 1969 йиллар давомида Ўш обlastидаги спортителар сони 23000 кишига кўпайди ва 220 888 кишини ташкил этди. Охирги беш йилда 22 нафар спорт устаси, 79 нафар спорт усталигига номзод, 729 нафар биринчи тоифали спортчи тайёрланди. 1966 йилгача обlastda спорт усталарини тайёрлаш йилига атиги бир-икки кишидан иборат бўлган.

1970 йилга келиб мен Ўш шаҳрида оғир атлетика ва бокс бўйича олимпия захиралари олий мактабини очишга, яхши мураббийлар топишга, яхши шароитлар яратишга муваффақ бўлдим. Бу мактаб кейинчалик юқори тоифали спортчиларни тайёрлашни бошлади.

1972 йилда ишда яхши натижга кўрсатганим учун Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларига юборилдим. «Мехнатдаги матонати учун» медали билан тақдирландим.

1974 йилда обlastda биринчи марта оғир атлетика бўйича биринчи халқаро тоифадаги СССР спорт устаси тайёрланди.

Ҳамма биладики, Қирғизистон – тофли ўлка. Биргина Помирда Чон-Олой районида олтита етти минг метрлик чўққи бор.

1967 ва 1969 йилларда Помирда иккита йирик тадбир – кўплаб хорижий алпинистлар иштирокидаги халқаро алпинистлар мусобақаси бўлиб ўтди. Бу йиллар давомида ҳақли савол туғилди: «Нега халқаро алпинистлар лагерини ташкил қилмаймиз?». Биз СССР Алпинизм федерацияси раҳбарлари билан бирга бу борада таклиф тайёрлаётган эдик.

Ниҳоят, 1973 йил 1 июнда СССР Спорт комитети раисининг «Помирда чет эллик алпинистларни қабул қилиш учун лагерь ташкил этиш тўғрисида» бўйруғи чиқди.


1973 йил охирида мен ва СССР Алпинизм федерациясининг учта юқори мансабдор шахслари халқаро алпинизм лагери – «Помир»га Ўш шаҳридан зоо км узоқликда, Аччиқтош мавзусида 50 гектар майдонни танладик.

1974 йил июль ойида «Помир» халқаро алпинизм лагерининг расмий очилиши бўлиб ўтди. Иштирокчи давлатлар байроғи, СССР ва Қирғизистон ССР байроқлари кўтарилиди.



«Помир» халқаро алпинизм лагерининг очилиши. 1974 йил. П.Собиров маъруза қилмоқда

1974 йил ҳар жиҳатдан ўзига хос бўлди. Биринчи марта Помирга Австралия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Лихтенштейн, Франция, Голландия, Италия, АҚШ ва Япониядан жами 171 нафар алпинист келди. Биринчи марта қабул фақат тижорий асосларда амалга оширилди. Бир мавсумда биринчи марта 100 дан ортиқ чет эллик алпинистлар Ленин чўққисига чиқишиди. Ўш шаҳри алпинизм пойтактига айланди.



Аммо бу йил об-ҳавонинг кутилмаган инжикликлари кузатилди. Деярли ҳар куни чодирларни қор босди, тушлик пайтида осмонни булувлар қоплади, кечқурун ёмғир ёғди, зилзи-



ла бўлди. Июль ойида тоғдаги изғиринда эрта тонг чодирлардан чиқиши ёқимсиз эди.

23 июль куни зилзила содир бўлди. Иккимга мослашиш учун америкаликлар ва французлар чиққан XIX партия съездига чўққисида қор кўчкиси содир бўлди.

Нью-йорклик алпинист Гарри Уллин вафот этди. Ундан кейин 6500 м баландликда немис алпинистлари бўронга йўлиқди ва 6 августга ўтар кечаси швейцариялик Ева Изенсленд исмли аёл вафот этди. Немисларни маршрутда навбатчи бўлган совет мураббийлари кутқариб қолишиди.

1974 йилги алпинизмнинг асосий муаммоси яқинлашиб келарди.

5 август куни тушдан кейин Э.Шатаева бошлигидаги «Спартак» марказий кенгашининг аёллар жамоаси Ленин чўққисига чиқди. Маълум бўлишича, Э.Шатаева гуруҳида иккита бемор бўлган. Еттинчи кечада кучли бўрон уларнинг кичик қароргоҳини тарқатиб юборди, чодирларини йиртди, халта ва бошқа нарсаларини учирашиб кетди. Э.Шатаеванинг айтишича, кечаси тушаётганларида Любимцева вафот этган. У ерда, тоғда французлар, америкаликлар ва японлар бор эди. Улар очиқ майдонга чиқишиди, лекин ҳаммаси беҳуда эди.

Икки соатлик мулоқотдан сўнг яна икки киши – Васильева ва Фатеева вафот этгани маълум бўлди. Жамоа аъзоси Галина Передюкнинг охирги сўзлари даҳшатли эди: «15 – 20 дақиқадан сўнг ҳеч ким тирик қолмайди». Фожиа ҳаммани ларзага солди.

Москвадан СССР Спорт комитети раисининг ўринбосари В.И.Ковал, алпинизм бўйича давлат мураббийи ва Элвира Шатаеванинг эри келди. Халқаро алпинизм ассоциацияси президенти Жан Жуж Аччиқтошга келди; вафот этган Гарри Уллиннинг ота-онаси АҚШдан келдилар.

Халқаро алпинистлар лагери – «Помир» фаолиятининг биринчи йили шундай фожиалар билан ёдда қолди.

Кейинги йилларда «Помир» фаолияти бир маромда ўтди. Лагерь ташкилотчиларининг асосий саъй-ҳаракатлари иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга, баланд тог-

ларнинг қийин шароитли қисмларида қулай жойларни яратишга қаратилган эди. Кутқарув хизмати ташкил этилди. Кейинги мавсумга тайёргарлик сифатида спорт ва маъмурий эҳтиёжлар учун иккита панелли уй қурилди, кенг ошхона, лагер чодирлари, кўчма душ ва фин ҳаммоми барпо этилди. Тез тиббий ёрдам авиацияси ташкил этилди. Ҳар йили лагерь тугагандан сўнг биз алпинистлар учун Ўш-Тошкент-Бухоро-Самарқанд йўналиши бўйича Марказий Осиё саёҳатини уюштирадик. Сўнгги йилларда у анъанавий бўлиб қолди ва лагернинг чет эллик иштирокчилари орасида доимий муваффақият қозониб келди.

«Помир» халқаро алпинизм лагерига Ўзбекистон Алпинизм федерацияси президенти В.И.Рацек ташриф буюорди. У Ленин чўққисига чиққанлар учун Ўзбекистоннинг эсадалик нишонларини совға қилиш учун келган эди. Чиройли нишон, кўпроқ орденга ўхшаб кетади (у бир вақтлар кумушдан қилинган) ва ҳозир ҳам чет эллик алпинистларнинг кийимларида ажойиб кўринади.

Бир воқеани эсламасликнинг иложи йўқ. Бу халқаро «Помир-77» алпинистлар лагерида бўлган.

Коммунизм чўққисида Фартанбек майдонида Москва давлат университетининг илмий ва спорт экспедицияси бор эди. Унинг илмий маслаҳатчиси университет ректори Рем Викторович Хохлов, СССР Олий Кенгashi депутати, мамлакат Фанлар академияси вице-президенти эди.

7400 метр баландлиқда Хохлов касал бўлиб қолди. Унда гипоксия – кислород етишмаслиги кузатилди. Вазият жуда жиддий, фавқулодда ечим топишни талаб қиласи эди. Вазият Министрлар Кенгashi раиси А.С.Суюмбоев томонидан назоратга олинди.

Кутқарув гуруҳи уни пастга кузатиб бора бошлади. Менга Хохловни кутқаришда иштирок этиш топширилди. Тезда Ми-8 вертолётимиз билан халқаро алпинистлар лагери – «Помир»дан Фартанбекка учдим. Биз уни топиш учун Коммунизм чўққиси устида 6 соат учишимииз керак эди. Уни вертолёт билан 6000 м баландлиқдан туширишга қарор қилинди.



6000 м баландликдаги платода тун бўйи Ми-4 вертолётининг қўниш жойи тайёрланаётган эди. Вертолёт иложи борича енгиллаштирилди, мумкин бўлган ҳамма нарса, тахтадан бошлангич батареяга қадар олиб ташланди. Агар қандайдир сабаб билан вертолёт двигатели тўхтаб қолса, энди уни ишга туширишнинг иложи йўқ эди... Ҳар сафар А.С.Суюмбоевга радио орқали хабар берардим. Ўш шаҳрида ва Тожикистоннинг Жирғатол қишлоғида самолётлар, шифокорлар ва бу вилоятларнинг партия раҳбарлари bemorни кутишар эди.

Р.В.Хоҳловни Фартанбек майдонига туширишганда енгил нафас олдик. Бирмунча вақт ўтгач Хоҳловнинг илтимосига биноан биз учаламиз – у, унинг ёрдамчиси ва мен Ми-2 вертолётида Ўш шаҳрига эмас, Тожикистоннинг Жирғатол қишлоғига учдик. Бизга Ми-8 вертолёти ҳамроҳлик қилди.

Тожикистоннинг Жирғатол районида бизни Душанбе шаҳридан келган бутун бошли шифокорлар жамоаси кутиб турарди. Уни дарҳол камалхонага олиб кетишиди.

Бироз вақт ўтгач Хоҳлов мени палатага таклиф қилди ва у Душанбе орқали Москвага қайтишга қарор қилганини айтди. Қирғизистон Министрлар Кенгashi раиси А.С.Суюмбоевга ўз номидан миннатдорлик билдиришни сўради. Ҳаётини сақлаб қолганим учун мени давлат мукофотига тавсия қилишини ҳам айтди. У Душанбе орқали Москвага борди ва бир ҳафтадан сўнг Кремль касалхонасида вафот этди. Мукофот ўрнига СССР бош прокурорининг номига тушунтириш хати ёзишга мажбур бўлдим.

1975 йилдан Халқаро алпинистлар лагерига социалистик мамлакатлардан алпинистлар кела бошлади. «Помир» лагери ўз ишини давом эттириди. Помир чўққиларига кўтарилишни хоҳлаганлар сони йилдан-йилга ошиб борди. Баъзи йиллари уларнинг сони дунёнинг 18 – 20 мамлакатидан келган зоо нафар кишига ҳам етарди.

1979 йилда СССР Спорт қўмитасининг Биринчи Совет Ҳимолай экспедициясини Эверестга тайёрлаш тўғрисида буйруғи чиқди.

Бу нарса фаолияти 5 йил олдин бошланган ишларнинг натижаси эди. Бизнинг «Помир» халқаро алпинистлар лагеримиз ушбу экспедицияни тайёрлашда фаол иштирок этди. Натижада Совет Иттифоқининг 11 алпинисти сайдерамизнинг энг баланд чўққиси Эверестга чиқди. Мен ушбу экспедицияни тайёрлашда фаол иштирок этганим ва амалий ёрдам берганим учун Халқаро алпинизм уюшмасининг олтин нишони билан тақдирландим.

Энг муҳими шундаки, Ўш шаҳридаги область клиник шифохонаси қурилиши тугаллангач, биринчи марта тиббий асбоб-ускуналар «Помир» халқаро алпинистлар лагери ҳисоб рақамидаги хорижий валютага сотиб олинди. Бу билан шу кунгача фахрланаман. «Помир» халқаро алпинистлар лагери туфайли мен Совет Иттифоқининг кўплаб шаҳарларида, Ўш шаҳридан Ленинградгача, Таллиндан Владивостоккача саёҳат қилдим, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлдим.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг «Помир» халқаро алпинизм лагери хусусий секреторга ўтди ва ўз ишини давом эттирмоқда. Тадбиркорларга яхши даромад келтирмоқда.

Биз, Фарғона водийси вилоятларнинг спорт раҳбарлари, тез-тез семинарларда, умумиттифоқ ыйилишларида учрашардик, иш тажрибаси ва амалий фаолият усуллари билан ўртоқлашардик. 70-йилларда Фарғона водийсидаги қардош областларнинг дўстлик ўйинларини ўтказишга келишиб олдик.

Биринчи спартакиада Ўш шаҳрида ташкил этилди. Кейин Фарғона шаҳрида ва Андикон шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу тадбирдан спорт майдонларида ғалаба қозонишни эмас, спортда рекорд ўрнатишни ҳам эмас, балки Фарғона водийсида яшовчи инсонларимиз ўртасида халқлар дўстлиги ва миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашни, меҳнаткашларнинг биродарлиги ва бирдамлигини ривожлантиришни мақсад қилганди.

Эслатиб ўтамиз, Ўш ва Андикон спортчилари ўртасидаги биринчи учрашув олис 1921 йилда футбол бўйича бўлиб ўтган.

Спартакиадани бугун Фарғона водийсида ги вилоятлар, суверен давлатларнинг биро-



дар халқлари ўртасида қайта бошласак яхши бўларди.

Қирғизистоннинг жанубий областлари ва Фарғона водийсидаги жисмоний тарбия ва спорт тарихини ўрганар эканман, Ўш области жисмоний тарбия кенгаши 1926 йил 5 декабрда тузилгани ҳақидаги маълумотга дуч келдим. Биринчи жисмоний тарбия тўгараклари қандай ташкил этилгани, биринчи жисмоний тарбия байрами қандай ўтказилгани, 1928 йилда умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари мажбурий фан сифатида жорий этилгани, руҳонийлар мусулмон қизларнинг спортига қандай муносабатда бўлишгани ва ҳоказолар.

Мен бу санани қандайдир тарзда нишонлаш ҳақида ўйладим, чунки 1976 йил – юбилей йили Қирғизистон жанубида жисмоний тарбия ҳаракатига 50 йил тўлар эди. Бу юбилей санасига олти ой қолганди. Умуман олганда, мен спортнинг юбилейига баъзи спорт тадбирларини ўтказишга уриниб кўрдим.

Аппарат ходимлари, спорт фахрийлари билан маслаҳатлашиб, бу тақлифни область партия қўмитаси ва область ижроия қўмитасига киритишга қарор қилдик. Область раҳбарияти, область комитетининг биринчи котиби С.И.Ибраимов ва область ижроия комитети раиси Т.Х.Кошоев тимсолида бизнинг фикримизни маъқуллади. 1977 йил 29 январда Ўш области жисмоний маданият ҳаракатининг эллик йиллиги юбилейини ўтказишга қарор қилинди. Юбилей 500 киши иштирокида вилоят қирғиз драма театрида бўлиб ўтди. Партия совет органдари, касаба уюшмалари, комсомол ташкилотлари, маданият, таълим, ишчилар, жисмоний тарбия ва спорт фахрийлари тақлиф қилинди.

Юбилейда спорт вазиримиз Д.Омурбеков, ССР Спорт комитетининг юқори лавозимли ходимлари, Фарғона водийси областлари спорт соҳаси раҳбарлари ва область партия комитетининг биринчи котиби С.И.Ибраимов иштирок этди. Айтганча, у юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига яхши баҳо берди. Мен ҳисобот тайёрладим, унга бир соату ўн дақиқа вақт кетди. Юбилейда кўплаб хотимларга қимматбаҳо совғалар топширилди. 5 киши автомобиль, 2 киши мотоцикл, 20 киши гилам олди.

Юбилей жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга, вилоят спортчиларининг маҳоратини оширишга катта туртки берди.

1980 йилга келиб ўнинчи беш йиллик натижаларига кўра областда иккита халқаро тоифадаги спорт устаси, 28 та ССР спорт устаси, 2000 дан ортиқ спорт усталикига номзод ва биринчи тоифали спортчилар тайёрланди.

Ўш области спортчилари 43 та турли номдаги медалларни қўлга киритишиди. Область ёшлари ихтиёрида 13 стадион, 13 бассейн, 273 спорт зали бор эди. Область болалар спорт мактаби ва Ўш шаҳридаги Оқбўйра дарёси бўйида сузиш ҳавзаси учун икки залли чиройли спорт мажмуаси қурилди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг доимий ишчилар сони 1726 кишига етди, шундан 84,5% олий ва ўрта жисмоний маданият маълумотига эга эди.


Шуни таъкидлаш керакки, саккиз спортчи давлат мукофотлари билан тақдирланган, 22 киши «ССР жисмоний маданият аъзоси» нишони билан тақдирланган, халқ таълимининг аълочи талабалари бўлишган. Мураббийлардан беш нафари «Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган мураббий» унвонига сазовор бўлган, бу унвон менга ҳам берилган.

Қирғизистон спортчиларининг энг юқори ютуғи – 1980 йилги Москва Олимпиадасида қўлга киритилган бешта олтин медаль. Олтин медалларни А.Мелентьев (ўқ отиш), К.Осмоналиев (огир атлетика), А.Блинов (от спорти), Т.Колпакова (узунликка сакраш), Н.Чернецкий (эстафета) қўлга киритди.

Қирғизистонлик спортчиларининг келажакда юқори кўрсаткичларга эришишига умид қиласман. 1981 йилда спорт соҳасидаги меҳнат фаолиятимни тутатдим, 1994 йилгача Ички ишлар вазирлигига ишладим (область «Динамо» кенгашига, Ўш области ички ишлар бошқармаси партия қўмитасига раҳбарлик қилдим) ва нафақага чиқдим. Нафақадалик пайтимда 20 йил Қирғизистон халқи Ўш области ассамблеяси раисининг ўринbosари бўлиб ишладим.



Үш области Қирғизистон халқи ассаамблеясида ишлаётганда «Қирғизистон – бизнинг Ватанимиз» номли китоб ёздим, Қирғизистон Республикаси Президентининг дипломи ва Қирғизистон халқи ассаамблеясининг медали билан тақдирландым. Мени унутмаганлари учун республика спорти раҳбариятидан миннатдорман.



Саудия Арабистони, Макка шаҳри, 2005 йил

2005 йил апрель ойида бир куни кечқурун үй телефоним жиринглади, Республика олимпия комитетидан қўнгироқ бўлди ва эртага пойтахтга Саудия Арабистонига саёҳат қилиш учун учиб келишим кераклигини айтишди. Спорт фахрийси сифатида мени Мусулмон Ҳамдўстлиги мамлакатларида спорт мусобақаларини томоша қилиш учун спорт делегациясининг таркибида киритишганини таъкидлашди.

Эртасига Бишкек шаҳрига келдим. Ҳудди шу куни биз Олма-ота шаҳрига бордик, у ердан самолёт билан Истанбул шаҳри орқали Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрига, сўнгра Жидда шаҳрига учдик. Макка, Мадина шаҳарларида бўлдик. Мусулмон Ҳамдўстлиги мамлакатлари Олимпия ўйинларининг очилиши ҳамда 56 мамлакатдан келган спортчиларнинг кўплаб спорт турлари бўйича мусобақаларига гувоҳ бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб Кичик Ҳаж – Умра зиёратини адо этдим, Саудия подшохининг акаси ва ўғли билан учрашдим, арабларнинг ҳаёти ва маданияти билан танишдим. Чин мусулмон сифатида бу саёҳатдан мамнун бўлдим.

Мен спорт соҳасидаги меҳнат фаолиятим ҳақидаги ҳикоямни якунлаб, Фарғона водийсинг барча аҳолисига, aka-укаларга, опа-сингилларга, дўстларга ишларида муваффақиятлар, шахсий ва оиласий ҳаётларида баҳт-омад тилайман. Спортчиларга эса ҳалол жангда соғғалаба тилаб қоламан.



ШЕРМУҲАММАДБЕК ЖАСОРАТИ ЁХУД ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА КУРАШГАН ҚЎРБОШИЛАР

Б.Тожибаев, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг советлар даврида қоралаб ёзилган, сохталашибирилган тарихимизни қайтадан холисона ёритишга имконият туғилди.

Ўзбекистоннинг совет мустамлақачилиги даври тарихидаги деярли ўрганилмаган ва ҳаққоний ёритилмаган мавзулардан бири большевиклар ҳокимият тепасига келгандан сўнг уларга қарши курашган шахслар, яъни ўз даврида «босмачилар» деб номланган мустақиллик учун курашган юртдошларимиз тарихи масаласидир.

Советлар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳалқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдек қонуний ҳуқуқини поймол қилиш, мустамлақачилик сиёсатининг зўравонлик билан амалга оширилиши маҳаллий аҳолининг кенг кўламдаги норозилигини келтириб чиқарди. Мустақил демократик давлат бўлмиш Туркистон мухторияти большевиклар томонидан тутатилгач, нафақат Фарғона водийсида, балки Бухоро, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ҳам қуролли кураш, истиқолчилик ҳаракати бошланиб кетди. Совет тарихшунослигида бу кураш фақат бир томонлама ўрганилди, кескин танқид қилинди ва қораланди. Комфирқа ҳукмронлиги шароитида бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Мустақиллик даврида бу муҳим муаммони ҳаққоний ва адолат мезонлари асосида тадқиқ этиш тарихшунослигимиздаги муҳим вазифага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Буюк

алломалар ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арబобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш керак¹ деган чақириқлари кўплаб тарихчи ва ижодкорларга истиқлол учун курашган қўрбошилар тарихини, уларнинг фаолиятини ўрганишга мотивация бўлди десак муболага бўлмайди.

Юртбошимиз қўйган талаблар ва кенг ҳалқ оммасининг ҳоҳиш- истакларини эътиборга олган ҳолда яратилган илмий-оммабоп, тарихий-хужжатли асарлардан бири Мансурхўжа Хўжаевнинг «Шермуҳаммадбек ва қўрбошилар жасорати» асаридир. Ушбу тарихий-публицистик асарни ўқир экансиз, унда берилган фактик материаллар беихтиёр сизни ўзига жалб қиласиди. Муаллиф ушбу асарни шу қадар мароқ билан ёзганки, асарни ўқиган китобхон нафакат ўша давр тарихидан хабар топади, балки ўша даврда яшагандек, қўрбошилар билан бирга курашгандек, Шермуҳаммадбек билан ёнмаён фаолият олиб боргандек бўлади. Шахсан мен ўзим асарни ўқиши жараёнида ўша давр воқелиги ичига тушиб қолгандек бўлдим.

Муаллиф асарни ёзиш жараёнида жуда кенг кўламли манбалардан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, советлар даврида яратилган асарлар, ўша даврда яшаган, бевосита давлат ва жамият бошқарувида фао-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

лият олиб борган кишилар ва сарқардаларнинг хотираларидан, газета ва журналлардан, энг асосийси, **oral history**, яъни оғзаки тарихдан унумли фойдаланган ва атрофлича таҳлил қилган. Асардаги энг эътиборли жиҳатлардан бири ҳатто ҳозирги кунга қадар баҳсли бўлиб келган Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекнинг ўзаро алоқалари ва Мадаминбекнинг ўлими билан боғлиқ бўлган воқелик атрофлича, бир томонга ён босишларсиз ўрганилган.

Муаллиф Мадаминбек фожиаси билан боғлиқ манбаларни таҳлил этар экан, мазкур адабиётлар, улардан келиб чиқадиган хulosаларни бир неча туркумга бўлади.

1-гурух совет даври манбалари бўлиб, ушбу адабиётлар жумласига мазкур курашда иштирок этган Мелкумов, Поликовский, Калников каби қизил командирларнинг қисса ва романлари, уруш қатнашчилари томонидан ёзилган хотиралар, журнallар, ёзувчилар томонидан ёзилган бадиий-публицистик асарлар ва мақолалар киради. Ушбу туркумга оид манбаларда Мадаминбек Шермуҳаммадбек кўрсатмаси билан Холхўжа Эшон томонидан ўлдирилган деган хуроса қилинган бўлса-да, Мадаминбек ўлдирилган жой, вақт ва ҳолат борасида катта тафовут борлиги айтиб ўтилади.

2-гурух истиқлол йилларида эълон қилинган асарлар ва мақолалар, шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган ўзбек адабиётларда Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек ўртасида ихтилоф юзага келганлиги тан олинса-да, лекин Шермуҳаммадбек томонидан бундай хунрезлик амалга оширилиши мумкин эмаслиги айтиб ўтилган.

Муаллиф томонидан хориждаги Доктор Боймирза Ҳайит, Али Бодомчи сингари тарихчиларнинг асарлари ҳам атрофлича ўрганилганлигини кўришимиз мумкин.

Шу жойда таъкидлаш ўринлики, профессор Р.Т.Шамсүтдинов 1995 йили Америкага сафари давомида Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг ўғиллари Давронбек ва Анварбек билан кўришиб, суҳбатлашган, ушбу суҳбат давомида Шермуҳаммадбек ўғилларига Мадаминбекни

миллий қаҳрамон сифатида тавсифлаганини, ҳатто набирасига Мадаминбек деб исм қўйганини ёзиб олган.¹ Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу икки қўроши ўртасида зиддият юзага келгани билан, бири иккинчисига суйқасд қилишгача бормаганлиги аниқ.

Бундан ташқари, Шермуҳаммадбек хотираларида Мадаминбекнинг ўлимида ўзи ёки Холхўжа Эшоннинг қўли йўқлигини, ушбу иддао большевиклар томонидан уларга қарши туҳмат эканлигини ёзади.

Асардаги яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, муаллиф бугунги кунгача тарихчилар томонидан чуқур ўрганилмаган аёл қўрошилар, жумладан, Холхўжа Эшоннинг синглиси Ойшахон қўроши ҳақида изланишлар олиб борган. У изланишлари давомида Ойшахон қўроши ҳақидаги ҳақиқатни билиш учун Ўш, Қорасув, Қўргонтепа ва бошқа жойларга бориб, юқорида айтганимиздек, оғзаки тарихга таяниб маълумотлар тўплаган ва маълумотларни жамлаб хуроса қилган.

Асардаги муҳим жиҳатлардан яна бири Шермуҳаммадбек ва Анвар пошо ўртасидаги муносабатлардир. Анвар пошо Шарқий Бухорога келгач, Шермуҳаммадбек билан алоқаларни яхшилашга ҳаракат қиласди. Буни 1922 йил февраль ойида Шермуҳаммадбекка ёзган мактубидан ҳам англаб олса бўлади. У мактубида дин йўлида, миллий истиқтол йўлида иттифоқ бўлиб ишлаш зарурлигини айтади ва Бойсун атрофида чақириладиган Миллий Мисоқ (келишув) қурултойига Шермуҳаммадбекнинг ҳам қатнашишини сўрайди. Муаллиф ўз асарида Анвар пошо ва Шермуҳаммадбек ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қанчасини келтиради. Анвар пошо ўз мактубларида миллий озодлик ҳаракатининг стратегияси ва тактикаси, ҳарбий режаларни баён этиб, қўрошиларга йўл-йўриқлар кўрсатиб борган. Шермуҳаммадбек ҳам, ўз навбатида, Анвар пошони хурмат қиласди. 1922 йили Ўзган атрофларида қизил армия Шермуҳаммадбекни ҳалқа қилиб ўраб олади, қаттиқ жанг кетаётган бир пайтда Шарқий Бухородан Анвар пошодан чопар келади. Пошо

¹ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. – Toshkent: Sharq, 2010. – B.126.



мактубида оғир ақволда қолғанлигини айтиб, Шермуҳаммадбекдан мадад күчлари юборишини илтижо қилған эди. Ўзининг ақволи ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, Шермуҳаммадбек Қоровул қўргонида икки минг йигити билан турган укаси Нурмуҳаммадбекка чопар юбориб, Анвар пошога ёрдамга етиб боришни буюради. Лекин, минг афсуски, Нурмуҳаммадбек ёрдамга етиб боргунига қадар Анвар пошо жангда ҳалок бўлади. Шермуҳаммадбек бундан қаттиқ қайғуга ботади.

Муаллиф китоб ниҳоясида Фарғонада миллий озодлик ҳаракатини бошқарган ва унда иштирок этган қўрбошилар рўйхатини шаклантириб, озодлик ҳаракати қўмондонлари

қаторига 152 нафар янги ном қўшилганлигини айтиб, бунда профессор Р.Шамсутдиновнинг «Фан ва турмуш» журналининг 1997 йил 2-сонида эълон қилинган «Фарғона қўрбошилари» номли мақоласи асос қилиб олинганини таъкидлайди.

Хуллас, муаллиф ушбу китобни тайёрлаш жараёнида жуда кенг кўламдаги манбалардан, тарихчи олимларнинг асарлари ва мақолаларидан фойдаланиб атрофлича мулоҳаза юритган. Бу асар тарихчилар ва тадқиқотчилар, истиқтол курашчилари тақдирига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади деган умиддамиз.



«Книга памяти жертв репрессий в Андижанской области» – как исторический источник

Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич, академик,
Алиҳожиев Муҳаммаджон Одилжон ўғли, доцент,
Шамситдинов Равшанбек Рустамбекович, доцент

В последние годы в Центральной Азии и Казахстане уделяется большое внимание воссозданию исторической справедливости в вопросах, относящихся к ключевым моментам судьбы братских народов, связанных общей историей. Следует отметить, что данная работа продолжается и её масштабы расширяются. Благодаря тесным связям со специалистами-историками Республики Казахстан переведена на узбекский язык часть книги «Мустафа Шоқай. Шығармаларынынг толық жинағы. XII томник. II том», посвящённой одному из виднейших представителей джадидов казахского народа, который вёл свою деятельность в Туркестане. В этой книге приводятся уникальные данные, относящиеся к истории Средней Азии начала XX века. Осуществлённый перевод вошёл в издание «История Узбекистана в зарубежных источниках».

Большая работа по восстановлению исторической справедливости ведётся и в нашей стране. Данной цели служит, в частности, Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 8 октября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему углублённому изучению наследия жертв репрессий и увековечения их памяти». В целях исполнения задач, намеченных в данном постановлении, авторским коллективом во главе с Р.Т.Шамсутдиновым была подготовлена книга «Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар) (I – II қисмлар)» (Тошкент: «Akademnashr», 2021).

Реценziруемое издание посвящено актуальной теме – трагическому явлению в истории Узбекистана – массовым политическим репрессиям и помогает восполнить пробел в вопросах данной проблематики.



При подготовке настоящего исследования в качестве первоисточников были использованы материалы Архива Канцелярии Президента

Республики Узбекистан (ныне архив Администрации Президента Республики Узбекистан), Центрального государственного архива Республики Узбекистан (ныне Национальный архив Республики Узбекистан), архива Андижанского областного отделения Архива Канцелярии Президента Республики Узбекистан, Андижанского областного государственного архива и архива Федеральной службы безопасности Российской Федерации, Государственного архива общественно-политической истории России, Государственного архива Российской Федерации.

В первой части данной книги, опираясь на архивные источники, изложены факты об андижанцах, погибших в сражениях с царской Россией, о репрессированных во время Андижанского восстания 1898 года. Приводится информация о мобилизации андижанцев на тыловые работы в 1916 году, об андижанских джадидах, об Андижанских событиях 1917 года, о карательной политике советских органов. Освещена также деятельность так называемого «агитационного поезда» «Красный Восток», по сути выполнявшего репрессивные функции. Затронуты такие политические процессы, как дело «Группы 18», «Бадриддиновщина», дело «Наркомпроса». Описана судьба лиц, репрессированных в кампанию по «очистке» от «чуждых классовых элементов», а также судьба религиозных улемов и лиц, пострадавших во время коллективизации, раскулачивания и ссылок. Отдельно рассматривается участь репрессированных на Украину жителей кишлачных советов Янгиобод и Ёрбоши, а также лиц, сосланных в Бекабад, Аккурган и Денуа. Отдельная глава посвящена андижанцам, репрессированным в Северный Казахстан. Затрагиваются репрессии «Большого террора» (1937 – 1938), приводятся данные о лицах, исключённых из рядов партии в качестве «врагов народа», а также приговорённых по решению «троек» к расстрелу и лагерям ГУЛАГа.

В частности, в первой части книги ещё приводится информация о деятельности Дарвишхона (1872), Мамира Мергана (1873) против царской России, о наших соотечественниках,



которых репрессировали после Андижанского восстания 1898 г. 229 участников этого восстания были приговорены к различным наказаниям, из них 28 к смертной казни, 118 к 20 годам тюрьмы и ссылки в различные места. В разделе, посвященном участникам восстания 1916 года, говорится, что 10600 человек из Андижанского уезда были отправлены на принудительные работы.

В книге также анализируется деятельность общества джадидов, и основное внимание уделяется судьбе прогрессистов. В книге отмечено, что некоторые из них погибли, обманутые советской властью, некоторые эмигрировали в другие государства и были расстреляны или брошены в тюрьмы. Также в книге упоминаются события Февральской революции и Октябрьского переворота 1917 года, где внимание удалено деятельности андижанцев.

Также в книге среди лиц, связанных с «Группой 18-ти», «Ботиргапчилар», «Бадриддиновщиной», «Гайратлилар», «чуждых классовых элементов» и религиозных деятелей упоминаются имена Рахимбаева Рахимжана, Исакулова Ёкубджона, Акбарова Тошпулата, Бадриддина Шамсиддина, Ходжаева Мухаммаджона, Сайдова Носира, Косимова Зухриддина, Сулаймонходжаева Убайдулло, Абдурасурова Яхё, Дмитрия Юропина, Вадима Чайкина, Мухаммаджона Махджурий, Махмудова Аббосхон туры, Холикназарова Шафота хаджи, Махдума Восилий, Рузабая қори угли Абдулбокибая, Ходжамбердиева Сулаймона и Эргаша Юлдаш кари.

В книге отмечается, что колхозный строй времен советской власти, сельская жизнь, быт крестьян, их судьбы изменились в беспрецедентной степени, сыграли важную роль в превращении страны в социалистическое государство и прошли серьезные испытания.

Коллективизация привела к серьезным последствиям, трагедиям, физическим последствиям и духовным и моральным потерям. Во время проведения данного процесса была развернута широкомасштабная политика репрессий против народа. В одном только Андижанс-

ком округе было ликвидировано 3260 байских хозяйств. Также авторы книги отмечают, что создание колхозов осуществляется в трех формах: первая – сельскохозяйственное производственное товарищество, в котором объединён весь сельскохозяйственный инвентарь, рабочий скот, тягло и земля и обобществлённые работники. Вторая – сельскохозяйственная артель, в которой обобществлены все средства производства, земля и весь производственный процесс. Третья – сельскохозяйственная коммуна, которая состоит из общественного производства и распределения.

Авторами в книге отмечено, что в марте 1930 года количество коллективизированных хозяйств в Узбекистане составляло 47 процентов, в 1939 году 99,5 процента.

Авторы отметили, что «Великий террор» (1937 – 1938) осуществлялся в два этапа: 1) в сентябре 1937 года, 2) с сентября 1937 по май 1938 года. Перечислены имена 62 андижанцев, которые были исключены из партии в качестве «врагов народа». Даётся информация о 1919 соотечественниках, приговоренных по приговору «Тройки» к расстрелу и лагерям ГУЛАГа, а именно приводится биография, год рождения, национальность, фотография (некоторых из них) на дату осуждения или оправдания. Согласно информации, предоставленной авторами о заключенных в лагерях ГУЛАГа и их судьбе, по данным от 1 октября 1937 года, что было временем пика «Большого террора», в лагеря народного комисариата внутренних дел СССР было доставлено 20954 заключенных, принадлежащих к узбекской национальности, и во второй части этих данных даётся информация о ещё 3275 узбеках.

Во второй части книги продолжается перечисление имён тех, кто был приговорен к расстрелу и лагерям ГУЛАГа по указу «Тройки». Также приведены имена заключенных в лагерях ГУЛАГа и их судьба, описаны репрессии 1949 – 1950 годов и описана судьба жертв «Хлопкового дела».

В разделе, посвящённом репрессиям 1940 – 1950-х годов авторы приходят к выводу, что



в годы Второй мировой войны в лагерях ГУЛАГа было убито 1,8 миллиона заключенных, в 1939 – 1941 годах расстрелов заключенных было так много, что расстреливали даже тех, кто не был приговорён к расстрелу по решению «Тройки».

Клевета на судьбу лидеров, страдающих от «Хлопкового дела», «Узбекского дела», «приписок», принесла трагедию многим семьям. В книге говорится, что более 320 человек из Андиканской области были привлечены к уголовной ответственности. Отмечается, что около 80 процентов обвинённых по «Хлопковому делу» и «Узбекскому делу» были оправданы.

Большой интерес представляет биографический справочник «Жертвы репрессий». Он составлен в алфавитном порядке, каждая статья структурирована по порядку данных: фамилия, имя, отчество, даты жизни, род занятий перед арестом, место проживания, дата

осуждения, по какой статье, приговор, ссылка на источник. Часть биографических справок сопровождается фотографиями из архивно-следственных дел.


Достоинством издания являются четкая структура и соподчиненность частей текста – разделов, глав, параграфов. Книга написана доступным языком, материалложен последовательно и систематично, конкретно, без лишних подробностей.

Авторы издания внесли существенный вклад, прежде всего в источниковедение, осуществив обогащение источниковой базы по изучению сложной проблемы узбекской историографии, ими сделан конкретный шаг в изучении проблем в целом.

Книга рассчитана на широкий круг любителей истории, специалистов и научных работников. Тираж книги составляет 1000 экземпляров.

ҒАЛАБА БОҒИГА ВИРТУАЛ САЙР

Маъмуржон САИДХОНОВ,
Андижон давлат университети доценти



Дунё дунё бўлибдики, инсонлар уруш исканжасида яшаб келмоқда. Қадимдан ҳозирга қадар, тарихий манбаларга кўра, ер юзида 15000 дан ортиқ катта-кичик урушлар бўлган ва уларнинг барчасида Аллоҳнинг буюк неъмати бўлмиши Ҳазрати Инсон жабрланган, Инсоннинг қони тўкилган, Инсон барпо этган биною ишиоотлар, йўллару экинзорлар, bogu

роглар – ҳаммаси ваҳшийларча кунпаякун қилинган.

Урушларни саралаб бўлмайди, каттакичикка ажратилмайди дейишади. Тўғри, бир жиҳатдан, бир кишининг қони тўкилса ҳам, кичкина уй вайрон бўлса ҳам, бир хонадоннинг тинчлиги бузилса ҳам – бу фожиа! Лекин бу фожиавий ҳолат минглаб, миллионлаб одамларнинг бошига тушса, тинч яшаётган хонадонларга мунг ва азоб олиб кирса, минглаб шаҳарлар вайронага айланса... уруш дунё миёсида тинчликка раҳна солса, у жаҳон урушига айланаб кетса, бу оламга ўт кетгани, ер юзи вайрон бўлгани, дунё цивилизациясига қақшатқич зарба берилганидир...



* * *

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йилда Германиянинг Польшага ҳужуми билан бошланган. Бу урушда қарийб 62 та давлат ва ер шари аҳолисининг 110 миллиондан ортиғи иштирок этди. 1939 йили Германия билан СССР ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома имзоланганига қарамай, 1941 йилнинг 22 июнида дунёни ларзага солган кенг қамровли Германия – СССР уруши бошланди.

1945 йилнинг 9 майида гуманизмнинг фашизм устидан қозонилган ғалабасида кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқининг ҳам ҳиссаси борлиги, ўзбек жангчилари СССР таркибидаги бошқа республика аскарлари билан бир тану бир жон бўлиб Ватан ҳимоясига отланганлари ва ғалаба нашидасини сурғанлари Ўзбекистон тарихида алоҳида саҳифа сифатида ёдга олиниади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрда «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида **«Ғалаба боғи»** ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташабbusи ваояси асосида ташкил этилган ушбу мажмуанинг моҳиятини ифода этиш учун – Ўзбекистон ҳалқининг бутун тараққийпарвар инсоният қатори ушбу урушдаги кенг маънодаги иштирокини акс эттирувчи Ёдгорлик мажмуасининг мафкуравий, сиёсий, ижтимоий, илмий, расмий, публицистик, бадиий моҳиятини очиб бериш ва тавсифлаш мақсадида академик Акмал Холматович Сайдов томонидан **«Ғалаба боғи фалсафаси»** деб номланган иллюстратив-фактич-хроникал китоб тақдим этилди (**Сайдов А. Ғалаба боғи фалсафаси. – Тошкент: Тасвир, 2021.**). «Мазкур китобда, – деб ёзади муаллиф, – муҳтарам Президентимизнинг бош ғояси ва ташабbusлари билан пойтахтимизда ташкил этилган Ғалаба боғининг фалсафаси, мазмун-моҳияти, ўрни ва аҳамияти тарихий ҳужжатлар асосида талқин этилган. Бинобарин, жасур

аждодларимизни хотирлаш, уларнинг мангу жасорати ва матонатидан ўрнак олиб вояга етаётган навқирон авлодларни юксак инсоний қадриятлар ҳимоясида турган фидойи зотларга муносиб ворислар этиб тарбиялаш ҳалқимизга хос азалий фазилатдир» (9-бет). Ушбу мемориал китобнинг яратилиши Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни, унинг енгилмас, кучли иродаси ва қаҳрамонлигини, ўша суронли йиллар ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамиятга эга» (5-бет), – деб айтган фикрининг амалий ифодаси десак, янглишмаган бўламиз.

«Ғалаба боғи фалсафаси» китоби Миллат Сардори ташабbusи асосида бунёд этилган «Ғалаба боғи» меъморий ва тарихий-маънавий обидани фактик материаллар билан, бадиий-публицистик изоҳлар билан, иллюстратив-кўргазмали расмлар билан тўлдиради.

Ушбу китобни вараклар экансиз, ўзингиз иштирок этмаган урушни кўргандай бўласиз, урушнинг бошланиши ва бориши ҳақидаги воқеалар билан танишиб борасиз, ўзбек ҳалқининг ушбу урушдаги иштироки ва қаҳрамонликлари кўз олдингизда намоён бўлади, даҳшатли уруш оқибатида боқийликка дахлдор бўлган ўғлонларимизнинг хотираси учун сукутга чўмасиз ва бош эгасиз, нафақат жанггоҳларда, балки фронт ортида ҳам ўзбек ҳалқининг мардонаворлик билан ишлаб ғалабага ҳисса кўшганини ҳис қиласиз, шунингдек, узоқ кутилган ғалабанинг сурурини, қувончини яй-раб-яйраб ўз танангиздан ўтказасиз.

Китоб 6 фаслдан иборат бўлиб, унда Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқининг жасорати ва матонати ҳақида ҳикоя қилинади. Тўғри, қарийб 75 йилдан буён Ўзбекистон урушда қозонилган ғалабани аввалига СССР таркибида, мустақилликдан сўнг мамлакатимиз миқёсида ҳар йили нишонлаб келган. Чунки бу ғалабада ўзбек ҳалқининг жанггоҳларга сафарбар қилинган икки миллионга яқин



аскарларининг бекиёс ҳиссалари бор, фронт ортидаги «Ҳамма нарса фронт учун» шиорини кундалик иш йўсинига айлантириб олган фидойи, меҳнаткаш ишчи-хизматчиларнинг улушлари бор, завод-фабрикаларни қурол-яроғ ва уруш анжомлари учун мослаштириб, тинимсиз меҳнат қилган мутахассисларимизнинг улкан ҳиссалари мавжуд. Шунингдек, жанг бўлаётган оловли масканлардан олиб келинган яралangan ва ногирон аскарларни, норасида болалар, кекса отахон ва онахонларни, илм ва ижод аҳлини, мутахассис ва турли соҳа вакилларини худди ўзининг фарзанди, отаси ёки онаси, акаси ёки укасидай меҳрибонлик билан қабул қилган меҳмондўст, самимий ўзбек ҳалқининг ҳиссаси бор.

Ҳа, шунинг учун ҳам Ўзбекистон фашизм тор-мор этилган ушбу ғалабани бошқа ҳамкор мамлакатлар аҳли сингари **«Бизнинг ғалабамиз!»** дейишга ҳақли!

* * *

«Ғалаба боғи фалсафаси» китобида академик Акмал Саидов Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида яратилган «Ғалаба боғи» концепцияси ҳақида тўхталиб, **«биринчидан**, Ғалаба боғи моҳият эътибори билан ҳалқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонати, юксак инсоний фазилатлари, қаҳрамон аждодларимизнинг номлари, шонли анъана ва қадриятларини абадийлаштириш; **иккинчидан**, юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас, қадри улуғ эканини таъкидлаш; **учинчидан**, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганини эътиборга олиб ушбу ғояни таъсирчан бадиий-монументал усуллар, инновацион ечимлар асосида ифода этишга алоҳида аҳамият берилди» (28-бет), – деб ёзади ва Ёдгорлик мажмуасининг ҳам, иллюстратив-публицистик асарининг ҳам асл моҳиятини баён этади.

«Тикланган тарихий ҳақиқат рақамлари» номи остида берилган мақолада муаллиф Президентимизнинг «Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи» асосида Ўзбе-

кистон ҳалқининг урушдаги иштироки статистикасини жадваллар асосида кўрсатиб беради ва шу вақтга қадар кўрсатилган рақамлар билан қиёслайди. Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа мамлакатлар архив материалари ни синчиклаб ўрганиш, Ўзбекистон вилоятларидаги архивларни қайта кўриб чиқиши, соҳа олимларининг илмий тадқиқотлари хуносаларини жорий қилиш натижасида Ўзбекистондан урушда иштирок этганлар сони аввалги маълумотларга қараганда 517 430 кишига ортиқ экани ва 1 950 700 нафар ўзбекистонлик урушда қатнашгани аниқланди. Шунингдек, урушдан қайтганлар 1 054 298 (аввалги маълумотда 658 780) нафар, ҳалок бўлганлар 538 366 (аввал 395 725) нафарни ташкил этади. Ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари аввалги манбаларда 280 нафар деб кўрсатилган бўлса, аниқланишича, уларнинг сони 301 нафарни ташкил этади. Умуман олганда, 1941 – 1945 йиллардаги уруш билан боғлиқ барча статистик маълумотлар қайтадан ўрганилиб, уларга аниқлик киритилди ва бу соҳада ҳам тарихий ҳақиқат тикланди.

«Ғалаба боғи фалсафаси» иллюстратив-публицистик асарида фашизм устидан қозонилган ғалабада лейтмотив сифатида Ўзбекистон ҳалқи гавдаланади. Асар муаллифи нафақат жанггоҳларда қон ютган аскару зобитлар, балки бутун Ўзбекистон ҳалқи ушбу буюк ғалабага дахлдор эканини кўрсатиб беради.

Уруш йилларида илм-фан ҳам ҳалқ хўжалиги ва мудофаага хизмат қилганлиги китобда акс эттирилган: Фанлар академияси тасарруфидаги институтларнинг асосий эътибори қийин иқтисодий шароитда ҳалқ хўжалигини ривожлантириш, «янги энергия ва хомашё захираларини қидириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва замонавийларини ишлаб чиқиши, ҳарбий самолётларнинг юк кўтариш ҳажмини ошириш каби муҳим муаммоларни ҳал қилишга қартилди» (217-бет).

Ушбу суронли йилларда шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, умуман, барча ижод аҳли ўз жойларини фронтда билиб, қўлларида ку-



рол ва қалам билан фашистларга қарши жангага отландилар. Султон Жўра, Мамарасул Бобоев, Шароф Рашидов, Аширмат, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Назармат, Адҳам Раҳмат, Наби Юсуфий каби юзлаб ижодкорлар жанг қилиш билан бирга фронт сарҳадларида ўзбек тилида мунтазам нашр этилган «Қизил армия», «Бонг», «Ватан учун», «Фронт ҳақиқати», «Қизил аскар ҳақиқати», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Совет жангчиси», «Суворовчи» каби 14 дан ортиқ газеталарда мақола, очерк, хабар, эссе, фельетон, қасида, ҳикоя ва шеърий асарлари билан иштирок этгандар. «Уруш нафаси катта шиддат билан аданбиёт ва санъатга ҳам кириб келди», – дейилади асарда. Мақсад Шайхзода, Ойбек,Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор каби буюк ижод аҳли уруш изтироблари, ғалабага даъват, ҳалқимиз жасоратига оид шеърлар, ҳикоялар, очерк ва эсселар, публицистик мақолалар ёзиб, жангчилар ва аҳоли руҳиятида ғалабага ишонч руҳини шакллантирилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тамарахоним, Гавҳархоним Раҳимова, Коммуна Исмоилова ва бошқа санъаткорлардан тузилган ансамбллар жанггоҳларда 3500 мартадан кўп концерт намойиш этгандар. Концертдан сўнг тўғри жангга отланган аскарлар эса ҳазил аралаш ҳар битта қўшиқ учун юзтадан немисни ертишлатишга ваъда берганлар. Ўзбекистондан уруш йилларида 4555 нафар хотин-қиз фронтга сафарбар қилинган. Зебо Ғаниева, Елена Степковская, Ольга Санфирова, Раҳима Алимова, Шарофат Эшонтўраева каби моҳир мерғанлар, ҳарбий жарроҳ Муқаддам Ашрапова, авиаполк кузатувчиси Сайёра Шукурова, машҳур радиостлар Роза Ибрагимова, Собира Мажидова, опасингил Мунира ва Розия Гиёсовалар ўз соҳалари бўйича мардонаворлик кўрсатиб ғалабага ўз ҳиссаларини қўшганлар.

1943 йил 20 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган уламолар ва дин арబлари қурулто-йида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси таъсис этилган бўлиб, ушбу анжуманда мусулмонларга қабул қилинган

Мурожаатда юргдошларимиз улуғ Ватан учун, ўз озодлиги ва фаровонлиги учун, эътиқод ва ҳуқуқ учун, номус ва шон-шуҳрат учун жангга киришлари кераклиги айтиб ўтилган. Шунингдек, Диний бошқарма аскарлар учун кийим-кечак, қурол-яроққа пул йигиши, фронтта кетгандарнинг оиласарига кўмак бериш билан шуғулланган.

Кўриниб турибдики, «Ғалаба боғи фалсафаси» китоби сизни қўлингиздан етаклаб Ғалаба боғи билан виртуал танишитиради: «**Матонат мадҳияси**» уруш йилларида ўз фарзандларини Ватан ғалабаси учун фронтга жўнатган Ўзбекистондаги барча Оналарга қўйилган ҳайкал бўлса, «**Мангу жасорат**» монументи ғалабамиз учун жон олиб, жон берган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, ўзбек генераллари, матонатлари учун Давлат мукофотларига сазовор бўлган ўзбекистонликлар ҳақида ҳикоя қиласиди.

«**Кўз ёши**» мажмуаси рамзий маъно ифодалаб, ундаги 12 ҳалқа инсоний туйғулар силсиласини бирма-бир талқин қиласиди. Маълумки, кўз ёши уруш изтироблари ва машаққатларининг инсон ҳиссиётига таъсири натижасида ҳосил бўладиган физиологик-ҳиссий-руҳий ҳолат саналади. Китобда ҳам кўз ёши **мотам ва андуҳ** (5-ҳалқа) каби ҳазин нолали туйғуларнинг инсон ҳиссиётидаги намоён бўлиши сифатида талқин этилади. Шунингдек, **шод-хуррамлик** (6-ҳалқа) ҳам кишида кўз ёши пайдо бўлиши учун омил бўлади. Зоро, **ғалаба сурурини** (10-ҳалқа) қалбан ҳис этиш севинч кўз ёшлари билан безанади. Ҳа, кўз ёши бизнинг доимий ҳамроҳимиз: мотамни ҳам, тўйни ҳам кўз ёши билан кутиб оламиз ва кузатамиз. Ғалаба боғидаги «Кўз ёши» мажмуаси шахсан Миллат Сардорининг ғоялари асосида «инсоннинг кўзи шаклида яратилган. Улкан кўз гавҳаридаги юзлаб қабртошлар турли миллат ва динга мансуб кишиларга ўрнатилган» (79-бет).

* * *

«Ғалаба боғи фалсафаси» публицистик асарида жаҳон урушига Ўзбекистон ҳалқининг қўшган ҳиссасини атрофлича, кенг таъриф-



лаш ва тавсифлаш учун муаллиф таъкидловчи, тасвирловчи, руҳий ва ҳиссий таъсир этувчи, изоҳловчи, ахборот берувчи иллюстрациялардан, тарихий суратлардан, машҳур шахсларнинг ҳикматли фикрларидан, хотираларидан, ижодкорларнинг шеърий, публицистик, насрый асарларидан олинган парчалардан фойдаланади ва бунинг самараси ушбу китобни варақлаётган кишининг руҳиятида намоён бўлади.

Китоб саҳифаларининг алоҳида вертикал йўлакчасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фалаба боғининг ташкил этилишидан кўзланган ижтимоий, сиёсий, маънавий, тарбиявий мақсад ҳақидаги ноёб фикрлари келтирилиши, элликдан ортиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва генералларнинг расми, қисқача таржимаи ҳолининг берилиши, машҳур академиклар, олимлар ҳақида суратлари билан бирга ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги биографик маълумотномаларнинг қайд этилиши, хорижлик давлат раҳбарлари, ижодкорларнинг уруш ва ғалаба тўғрисидаги қимматли фикрлари, шоир ва ёзувчиларнинг саҳифа мазмунига мос таъсирчан асарларининг жойлаштирилиши асарнинг сиёсий, бадиий ва эстетик қиммати ортишига сабаб бўлган.

Академик Ақмал Саидовнинг ҳужожатли, тарихий-фактик ва публицистик ушбу асарига бадиий таъсирчанлик бахш этган унсурлардан бири ва асосийси қирқдан ортиқ шоирлар шеърларининг саҳифалар мазмун-моҳиятига ҳамоҳанг равишда жойлаштирилганидир. Зулфиянинг «Ўғлим, сира бўлмайди уруш!»,Faфур Ғуломнинг «Сен етим эмассан!», Ойбекнинг «Йигитларнинг йигити», Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингта қурол ол!», Мақсуд Шайзоданинг «Йўқ, мен ўлган эмасман!», Эркин Воҳидовнинг «Ёд этинг», Муҳаммад Юсуфнинг «Қизил вагон», Абдулла Ориповнинг «Аёл», Александр Файнбергнинг «1941», Шавкат Раҳмоннинг «Уруш суврати», Муҳаммад Алининг «Ватан – имонингда, меҳри – жонингда», Гулом Мирзонинг «Илҳақ» каби шеърларида урушга сафарбарлик, Ватан ҳимояси учун даъват, урушнинг оғриқ нуқталари ва изтироблари, ғалаба сурур

ри, хотира муқаддас эканлиги ҳақидаги қарашлар баён этилган.

Китобнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, асарнинг 6-фаслида иловалар берилган бўлиб, биринчи иловада Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган, иккинчи иловада учала даражадаги «Слава» («Шуҳрат») орденига сазовор бўлган ўзбекистонликларнинг рўйхати берилган, учинчи иловада эса уруш йилларида фаолият кўрсатган ўзбекистонлик генералларнинг рўйхати қайд этилган.

«Ғалаба боғи фалсафаси» иллюстратив-публицистик китоби илмий, расмий, ҳуқуқий асар бўлиб, ундаги маълумотлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарор ва фармонлари, нутқлари, китоблари, ҳукумат қарорлари, турли соҳанинг етук олимлари тадқиқотлари асосида яратилган.

* * *

Китобда муаллиф бир неча ўринда Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, вилоятдаги «Қатағон қурбонлари музейи» директори Рустамбек Шамсутдинов асарларига мурожаат қиласи: «Мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан «меҳнат армиячилари» ёки «куролсиз аскарлар» фаолияти кейинги йилларда изчил ўрганила бошлиди. Бу борада тарихчи олим Рустам Шамсутдинов ва шогирдларининг мухим тадқиқотлари ўзининг изчиллиги ҳамда мавзуга даҳлдор янги манбалар киритилгани ва янгича ёндашувлари туфайли алоҳида эътиборни тортади» (101-бет). Дарҳақиқат, кейинги йилларда профессор Р.Шамсутдиновнинг тадқиқотида Иккинчи жаҳон уруши ва унда Ўзбекистон халқининг жасоратини тараннум этишига катта эътибор қаратилмоқда. Беш жилдан иборат «Жаҳон уруши ва фронт газеталари» (2017 – 2020) китобида Россия, Украина, Белоруссия, Озарбайжон ҳамда Ўзбекистон давлат архивларида сакланаётган уруш йилларида жанггоҳларда ўзбек тилида мунтазам нашр этилган 14 дан ортиқ газеталарнинг нусхалари муаллиф шарҳлари билан чоп этилди.



«Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941 – 1945)» (Тошкент: Akademnashr, 2020) асарида ўзбек халқининг фронтда ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонликлари кенг ёритилган. Шунингдек, «Водийнома» журналида, мамлакат миқёсидаги ва маҳаллий матбуотда мавзуга доир муаммоли мақолалари чоп этилган.

«Ғалаба боғи фалсафаси» китобида профессор Р.Шамсутдинов: «Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва чиқишилари, қабул қилган қарор ва фармойишлари, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини яратиш борасида амалга ошираётган ташкилий, ғоявий, амалий ташаббуслари кўплар қатори менинг тадқиқот ишларимга ҳам кучли таъсир этмоқда. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш – ҳар биримизнинг вазифамиз. Бу улуғвор ишда озми-кўпми ҳиссам борлигига шукроналик билдираман» (316-бет), – деб ёзади.

* * *

«Ғалаба боғи фалсафаси» асарида академик Акмал Холматович Саидов: «**Ғалаба боғи тарихий-бадиий ёдгорлик иншооти сифатида ўз кўлами, фалсафий ёндашуви ва меъморий ечимиға кўра дунёда ягона ва бетакрордир**» (19-бет), – деб айтади, «Ҳар бир объект ва қуримла, музей экспонатлари халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли ва фожиавий оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чорлайди. Шу нуқтаи назардан, Ғалаба боғи навқирон авлодларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётни ардоқлаш ҳамда мустақилликнинг қадрига етишга, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр туриш руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этади» (29-бет), – дейди. Академик Акмал Саидовнинг Ғалаба боғи ҳақидаги самимий фикрига тўла қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон халқининг жаҳон урушидаги иштироки ҳақидаги гигант полотно, улкан монументал асар бўлмиш **«Ғалаба боғи фалсафаси»** деб номланган иллюстратив-фактич-хроникал китоб ҳам дунёда ягона бўлган, тенги йўқ асардир.